

М. ТОШНИЁЗОВ, И. ШАРИФБОЕВ, О. ОБИДОВ

КОРХОНАЛАРДА БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус
таълим вазирлиги тавсия этган

ТОШКЕНТ
«ЎЗБЕКИСТОН»
1995

65.9(2)301
T 71

Такризчи: иктисад фанлари доктори, Ўзбекистон Фанлар
академиясининг академиги С. Гуломов

Мухаррир: А. Ҳадимжонова



Тошниёзов М. ва бошк.

Т 71 Корхоналарда бошқарув фаолияти асослари/
М. Тошниёзов, И. Шарифбоев, О. Обидов/.— Т.:
Ўзбекистон, 1995.— 136 б.

1.1.2 Автордош.

ISBN 5-640-01771-6

Мазкур дарсликда бошқарувнинг асосий коидалари ва
усуллари, раҳбарларнинг ишлаш услуби, уларнинг меҳнатини
режалаштириш ва ташкил килиш, бошқариш технологияси,
максадга мувоғик карорлар кабул килиш ва уларнинг бажа-
рилишини назорат килиш, ахборотлар билан ишлаш, замонавий
бошқарув усуллари хисобланган маркетинг ва менежмент
тўғрисидаги тушунчалар, бошқарувни автоматик равишда
амалга ошириш каби масалалар ёритилган.

Дарслик олий ўкув юртлари ва техникум талабалари,
шунингдек корхона раҳбарлари ва мутахассислари учун мўл-
жалланган. У барча бошқарув ишларига қизиқувчилар учун
хам фойдадан ҳоли эмас.

65.9(2)301—2

№ 409—95
Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Республикасининг
Давлат кутубхонаси

T 0605010404—101
M351(04) — 95

95

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 1995 й.

Бошқариш фаолияти асослари илмини мукаммал эгаллаган раҳбар ўз жамоасининг отасидир.

ҚИРИШ

Хозирги бозор муносабати шароитида республика раҳбариятининг асосий дикқат эътибори иқтисодий танкисликни енгигиб ўтиш ва халкни зарур, юкори сифатли истеъмол моллари билан таъминлашга қаратилгандир. Юкорида кўрсатилган ишларни амалга оширишда республикада мавжуд ишлаб чиқариш бирлашмаларининг ҳукуқ доираларини кенгайтириш, уларга мустақиллик бериш, республика минтақасида кўплаб қўшма корхоналарни яратиш, кооператив ва пудрат ҳўжаликларни тараққий эттириш, акционерлик бирлашмалари ва ассоциацияларни, концернларни тузиш масалалари мухим ўрин тутади. Шунингдек, мазкур иш марказий бошқарув идораларининг, корхоналарнинг айрим таркибий бўлинмалари ишга оид мухим масалаларни ҳам тартибга солишни ўз ичига олади. Бундан кўзда тутилган мақсад корхоналарнинг ҳўжалик дастагини такомиллаштириш, шунинг негизида бозорни зарур, юкори сифатли халқ истеъмоли моллари билан бойитиш, жаҳон бозорига чиқишга кенг йўл очиш ва ўз маҳсулотларининг хорижий давлатларда рақобатга бардош берадиган қилиб тайёрлаш ва уни валютага сотиш ва бу билан республика иқтисодини юксалтиришdir. Бу масалани ижобий ҳал қилиш раҳбар ходимлардан уларнинг шахсий қобилиятлари билан бирга бошқарув фаолияти асослари илмини мукаммал эгаллашларини ва юкори даражали малакага эга бўлишларини талаб қиласди. Раҳбарнинг ўз қўл остидаги ходимларга бўлган илик муносабати ходимларнинг ўз ишларини юкори сифатли қилиб бажаришларини ва қўтаринки руҳда ишлашларини таъминлайди. Раҳбарларнинг ходимлар билан ишлаш жараёнида ходимларнинг ҳолатларини ва шахсий хусусиятларини инобатга олиши, уларнинг қалбига йўл топа билиши унинг билим даражасига, муомала маданиятига боғлиқдир. Бу каби хусусиятларга эга бўлган раҳбарлар ўзлари бошқариб турган жамоалари олдига

кўйилган мураккаб масалаларни тўғри ҳал қилишга ва режаларни юкори самарали қилиб бажаришга кодир бўладилар.

Бундай жамоаларда руҳий иқлим муқаррар баркаор топган бўлади. Бошқача қилиб айтганда, бундай жамоалар ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтишга кодир бўладилар. Мазкур жамоалар республика иктисодини кўтаришда марказий устун бўлиб хизмат қиласди. Шундай ҳусусиятларга эга бўлган раҳбарларнинг сонини ошириш ўрта маҳсус ўқув юртларида мутахассисларни тайёрлаш даражасига ва ишлаб турган раҳбарларнинг малакасини узлуксиз тарзда оширишга боғлиқдир.

Республикада раҳбар ходимларнинг малакасини ошириш борасида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилмоқда. Булар жумласига ўзимизда мавжуд бўлган олийгоҳлар кошидаги куллиётларда, маҳсус малака ошириш олийгоҳларида ҳамда ҳамжиҳат ва ҳорижий давлатларда раҳбарлар ва ҳар хил турдаги мутахассисликка эга бўлган ходимларнинг малакаларини ошириш киради. Шу боисдан республикадаги олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларининг олдига бир қатор вазифалар кўйилган. Булардан бири бошқарув фаолияти асослари фани бўйича ўзбек тилида дарслик яратишидир. Бу борада биринчи бор Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси негизида яратилган ушбу дарслик юкорида кўрсатилган муаммоларни ҳал этишга, яъни ҳозирги замон талабига жавоб берадиган юкори малакали мутахассисларни тайёрлашга қаратилган. Мазкур дарслик IV бобдан иборат бўлиб, ўз навбатида, бу боблар зарур кўргазмали жадваллар ва расмлар билан тўлдирилган.

I бобда бошқарув фанининг мазмuni, унинг тузилиши ва бошқа маҳсус фанлар билан боғлиқлиги, бошқарув аппаратларининг тузилиши ва уларнинг турлари, вазифалари, бошқариладиган ва бошқарувчи тузумчалар, корхона, бирлашмаларнинг ташкилий тузилиши, цех таркиби ва ундаги мавжуд бюроларнинг вазифалари, ишлаб чиқариш участкаларини бошқаришнинг замонавий усуллари баён қилинган.

II бобда раҳбарларнинг жамоатдаги ташкилотчилик, тарбиявий ишларидаги роли, раҳбарлик турлари, раҳбар меҳнатининг характери ва мазмuni, маркетинг ва менежментнинг бошқарув вазифалари, раҳбарнинг бошқарув услуби ва унинг жамоатдаги обрўси, бошқарув меҳнати технологияси, яъни бошқарув карорлари, қарорлар қабул

килиш ва ижросига раҳбарлик қилиш, раҳбарларнинг ёш ишчиларни жамоатга кўнитиришда мураббийлик вазифалари, шахснинг руҳияти, унинг феъл-авторини ўрганиш, шунингдек жамоа ва уни шакллантириш, унинг ривожланишининг асосий босқичлари, ишлаб чиқариш жамоасининг тузилиши, расмий ва норасмий тузилмалар ва бошқалар ёритилган.

III боб раҳбарнинг меҳнатини илмий ташкил қилиш ва унинг асосий йўналишлари, раҳбарнинг шахсий меҳнатини режалаштириш, унинг иш жойини ташкил этиш, бошқарув фаолиятида ахборотлар билан ишлаш раҳбарнинг ўз устидаги ишлари, бошқарув маданияти ва бошқаларни ўз ичига олган.

IV бобда меҳнат жамоаларини бошқариш, меҳнатни ташкил қилишнинг бригада усуллари, яъни хўжалик юритиш жараёнида раҳбарнинг ташаббускорлиги, унинг ходимлар билан ишлаш услуби, ишлаб чиқаришда раҳбарларнинг меҳнат қонунлари тўғрисидаги зарур билимлари ва бошқалар берилган.

Бошқарув фаолияти асослари фани муайян иқтисодий илмий фанлар — халқ хўжалигини режалаштириш, статистика, бухгалтерлик ҳисоби, молия, кредит, меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш, машинасозлик корхоналарида иқтисод, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва уюштириш, режалаштиришнинг иқтисодий математик усуллари каби кўплаб фанлар билан чамбарчас боғлик. Ушбу фаннинг вазифаси иқтисодий илмларнинг мавжуд ютукларидан ишлаб чиқаришни бошқаришда мақсадга мувофиқ фойдаланиш, унинг натижасида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, юкори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш ва халқ фаровонлигини оширишdir. Мазкур фаннинг ўрганиш обьектини корхона, бирлашмалар ва уларнинг таркибий бирликлари шунингдек, муассаса, ассоциация (уюшма), концернлар, турли ташкилотлар ташкил килади.

1 боб

БОШҚАРУВ — БУ ИЛМ ВА САНЪАТДИР

1- ё. БОШҚАРУВ ФАНИНИНГ МАЗМУНИ, ТУЗИЛИШИ
ВА УНИНГ БОШҚА МАХСУС ФАНЛАР БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ

Бошқариш тушунчасининг пайдо бўлиши жамиятнинг асосий тараққиёти жараёнларидан бири бўлиб, у одамларни ёки жамоа меҳнат фаолиятини бир жойга жамлаш билан боғлиқдир.

Хўжалик фаолиятида меҳнатни бундай усулда жамлаш ва уни кичик қисмларга бўлиш ишлаб чиқариш вазифаларини ихтисослаштириш жараёни билан параллел равишда бир пайтда юзага келади.

Ишлаб чиқариш йириклишган ва вазифалар ихтинослаштирилган, ишлаб чиқариш муносабатлари мураккаблашган сари маҳсус бошқарув аппаратини бунёд қилиш зарурати туғилади. Бу аппарат ишлаб чиқариш тизимининг кичик бўғинларини бир бутун қилиб боғлаши ва ташкилий қисмлар фаолиятини мувофиқлаштириши зарур эди. Шунингдек, энг муҳим, мураккаб ва қўп киррали ишлаб чиқариш дастагини жиддий мослаштириши ва режали созлаши лозим эди.

Жамоа йириклишган сари бошқарувнинг вазифалари мураккаблашади ва маҳсус ташкилотчилик, маъмурият, иқтисодиёт ва бошқа ихтинослар пайдо бўлади.

Ишлаб чиқаришни бошқариш аник мураккаб тизим бўлиб, у икки тузумчадан — обьект ва субъектдан иборат. Объект — бу бошқариладиган тузумча, субъект эса бошқарувчи тузумчадир.

Бошқарув жараёнининг ишлаб чиқаришга тааллукли томони шундан иборатки, у гўёки узлуксиз, мақсад сари йўналтирилган, ижтимоий-иктисодий, ташкилий-техник жараён хисобланади. Бинобарин бу жараён ҳар хил услугуб ва воситалар орқали иктисодий-техник натижаларга эришиш учун амалга оширилади.

Ташкилий муносабатларни ишлаб чиқариш жараёнида бошқарув вазифалари аник кўрсатилиши керак.

Ташкилий муносабатлар. Бунда ишлаб чиқариш жараёнида ҳар хил ижтимоий руҳий, педагогик ҳукук, технология ва бошқа илмлар ўрганилади, аммо жамоанинг

бошқарув муносабатларини англаб олишида асосий вазифани ташкилий муносабат билимлари эгаллади. Булар жумласига жамоани ташкил қилиш назарияси, халқ хўжалигини режалаштириш назарияси, ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил қилиш, бошқарув фани ва ҳоказолар киради. Бошқарув фанининг изланиш обьекти — жамоага тааллукли ташкилий муносабатлар, яъни ишлаб чиқариш комплексларини мувофиқлаштириш жараёнлари ҳисобланади.

Бошқарув муносабатлари бир-бирига боғлик бўлган қуйидаги муаммоларни ўрганиш даврида юзага чиқади:

- а) бутун республика режа хўжалигини бошқариш;
- б) саноат тармоқларини бошқариш;
- в) кўп тармоқли, тармоқлараро комплексларни бошқариш;
- г) ишлаб чиқариш корхоналарини ва уларнинг бўлинмаларини бошқариш;
- д) ишлаб чиқаришга тааллукли бўлмаган корхоналарни бошқариш (маиший хизмат);
- е) лойиҳалаш, илмий-техник ва бошқа жамоа ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлик бўлган ташкилотларни бошқариш.

Бошқарув тўғрисидаги билимлар тизими асосан тўртта бўлимдан иборат:

1. Жамоат ишлаб чиқаришини бошқариш назарияси.
2. Бошқарувни ташкил қилиш.
3. Бошқарув услублари тўғрисидаги билим.
4. Бошқарув техникаси тўғрисидаги билим.

Бошқарув фанининг асосий бўлими назария бўлими-дир. Унинг таркибига қуйидагилар киради:

- а) ташкилий муносабатларнинг жамоадаги роли ва ўрни;
- б) жамоа муносабатлари таркибида ишлаб чиқаришни бошқаришнинг роли ва ўрни;
- в) бошқарув илмининг пайдо бўлиши ва тараккӣ этиши;
- г) бошқарув илмининг бошқа илмлар орасидаги ўрни, таркиби ва услубияти;
- д) бошқарув муносабатлари ва уларнинг дастаклари;
- е) ахборот ва бошқарув;
- з) бошқарув қарорлари назарияси.

Бошқарув илмининг ташкилий бўлими унинг марказий қисми бўлиб, жамият ишлаб чиқаришини ташкил этиш тўғрисидаги илмдир.

Бу бўлимнинг асосий элементлари: а) умумий ташкилий бошқарув муаммолари; б) маҳсус ташкилий бошқарув масалалари ҳисобланади.

Умумий ташкилий бошқарув муаммолари — бу илм соҳасидагининг ўзаги ҳисобланади. У икки доирадаги масалаларни, жумладан, бошқарув таркиби ва бошқарув жараёнини ўз ичига олади.

Хўжалик бошқарувининг вазифаларини бошқарайтган обьектининг кўламидан қатъи назар қуидаги гурухларга бўлиш мумкин:

а) тадқиқотчи ва лойиҳаловчи; б) меъёрловчи ва режаловчи; в) ташкилотчилик ва мувофиқлаштириш; г) таъминловчи; д) ҳисобчи — назоратчи;

Тадқиқотчи ва лойиҳаловчи вазифалари. Бу вазифаларга илмий изланишларни ўтказиш, келажак режаларини тузиш ва унга оид иктисадий маълумотларни ўрганиб чиқиш ишлари киради.

Меъёрловчи ва режаловчи вазифалари. Бу ишлаб чиқариш бошқарувини ташкил қилиш асосининг яратилишини ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш жараёнини тўғри йўлга солиша истикбол, жорий, тезкор режалар мухим аҳамиятга эга бўлиб, у бошқарув илмининг асосий вазифаларидан биридир.

Ташкилотчилик ва мувофиқлаштириш вазифалари — катта иш ҳажмига эга бўлган техника, ишлаб чиқариш ва хўжалик, корхона раҳбарлигидан иборат. Бу вазифа барча ишлаб чиқариш бошқаруви негизини ташкил қилиб, у бошқарув аппарати таркибини лойиҳалаш, ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, ишлаб чиқаришга муҳандислик раҳбарлиги каби масалаларни қамраб олади.

Ишлаб чиқариш бошқарувида *таъминловчи вазифаси* катта аҳамиятга эга. Бу вазифа таркибига энергетика, транспорт, асбобсозлик ва таъмирлаш хизматларини бошқариш ишлари киради. Бу гурухда моддий техника таъминотининг маҳсулот сотиш бошқаруви алоҳида ўрин эгаллайди.

Ниҳоят, бу гурух вазифаларига ҳужжатлар билан ишлаш, архив ишлари, хўжалик бошқаруви, капитал қурилиш, тураржой — коммунал ва қўшма хўжалик (мол бокиши, паррандачилик, сабзавот ва мева етиштириш хўжаликлари), майший хизмат идоралари, соқчи ва ёнғинга қарши курашувчи ташкилотлар киради.

Ҳисобчи-назоратчи ва аналитик вазифалари статистика, бухгалтерия ва тезкор ҳисоб-китоб ишларидан иборат.

Шунингдек, бу вазифалар таркибига диспетчерлик, техник статистика, молиявий ва бухгалтерлик назорати — бошқарув куроли сифатида киради.

Бошқарувнинг услубият бўлими ишлаб чиқаришни бошқариш услублари тўғрисидаги билимлардир.

Бошқарув тизимининг таркиби қанчалик тўғри тузилган ва бошқарув жараёни қанчалик тўғри ташкил килинган бўлмасин, услубият асослари бирдан-бир аникловчи аҳамиятга эга.

Бошқарув услублари ишлаб чиқариш сардорлари қўлида бўлиб, ишчилар қўлидаги асбобга ўхшаб бошқарув муваффакиятини аниклади ва белгиланган максадга эришишни таъминлайди.

Хўжалик бошқарувини ташкил қилишнинг услубият асослари қўйидагилардан ташкил топади:

а) сиёсий услублар; б) иктисадий услублар; в) маъмурий ҳуқук услублари; г) ташкилий услублар; д) бошқарув қарорларини ва жараёнларини кулагаштириш (кибернетик) услуби; е) ижтимоий, руҳий, педагогик услублар; ж) график услублар.


Факат ўзаро боғлиқ услубият тизими бошқарувни ташкил қилиш ва техник тизими билан биргаликда илм-фен асосида жамоат ишлаб чиқаришини максадга мувофиқ бошқарувини таъминлаши мумкин.

Бошқарув билиминг янга бир қисми техник бўлимдир. Бошқарув техникаси муаммолари бошқарув жараёнини автоматлаштириш ва механизациялаштириш воситалари билан бир вактда бошқарув ишини ташкил қилиш масалалари билан яқиндан боғлангандир. Бу бўлим биринчи навбатда, техник кибернетика, эҳтимоллар назариясига ва ахборот назариясига суюнади.

Ўз навбатида бошқарув техникаси қўйидаги тўккиз бўлимдан ташкил топган:

а) маъмурий ишлаб чиқариш алокаси; б) маъмурий ишлаб чиқариш хабарлари; в) вактни кўрсатувчи, уни ҳисобга олувчи ва хабар берувчи воситалар; г) ҳужжатларни тузиш, нусха кўчириш ва уни кўпайтириш воситалари; д) ҳисоблаш техникаси; е) электрон ҳисоблаш ва бошқарув машиналари; ж) бошқарув ва ишлаб чиқариш жараёнларини ёритиш воситалари; з) идора ва архив техникаси; и) конструкторлик-чизмачилик техникаси.


Бошқарув ишлари технологияси бошқарув техникаси муаммолари билан ўзаро боғлиқ бўлади. Бошқарув жараёни технологиясини ишлаб чиқиш ва унинг ҳар хил



1а- чизма

ташкилий техника воситалари билан бирлашуви келажакда самарали механизациялашган ва автоматлашган бошқарув тизимларини яратиш учун шароит яратади.

Ишлиб чиқаришга замонавий бошқарув техника воситаларини жорий қилиш жараёнида уларнинг қандай самара беришини ҳисобга олиш зарур. Зоро, замонавий



16- чизма

бошқарув техника воситалари аввало бошқарув ишларининг меҳнат ҳажмининг камайишини таъминлаши ва пировард натижада корхонанинг умумий иқтисодий кўрсаткичларининг яхшиланишига ёрдам бериши керак. Жамоа ишлаб чиқаришнинг илмий муаммолари ва унинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги 1-чизмада берилган.

2- §. КОРХОНА ВА БИРЛАШМАЛАРНИНГ БОШҚАРУВИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ, УЛАРНИНГ ТАРКИБИ ҲАМДА МАҚСАДИ

I. Бошқарув аппаратининг тузилиши

Бошқарув аппаратининг тузилиши деганда бошқарув аппарати ва улар орасидаги боғланиш тушунилади.

Бошқарув аппаратининг таркибини бир-бири билан боғланган тенг хуқуқли бирликлар ва бўғинлар билан тўлдириш унинг ташкилий тузуми дейилади. Хар бир бўлинма ўз вазифасига эга бўлиб, бўлинма бажарадиган вазифалар доирасини, унинг фаолият чегараларини, ваколатлари ва жавобгарлигини белгилайди.

Тузилиш бўлинмалари расмий ва норасмий алоқаларда бўлади. Расмий алоқалар — бу энг аввало раҳбарлар билан бўйсунувчилар ўртасидаги алоқалардир (вертикал алоқалар). Улар раҳбарликнинг ва бўйсунувчиларнинг турига караб фарқ қиласи. Агар раҳбарлик тўлаконли бўлиб, куйи бўлинмалар фаолиятига доир барча масалаларга дахлдор бўлса, бу хилдаги алоқа мунтазам алоқа деб айтилади.

Раҳбарлик чекланган бўлса, у ҳолда алоқа функционал бўлади. Бўлинмалар ўртасида, вертикал алоқадан ташкари горизонтал алоқалар ҳам мавжуд бўлиб, улар мувофиқлаштириш ва ҳамкорлик қилиш тарзидаги алоқалардир.

Бошқарув тузилишида асосий ўринни расмий алоқалар эгаллайди. Лекин норасмий алоқалар ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Булар жумласига корхонанинг таъминотчилар, маҳсулотни истеъмол қилувчилар, тадқиқот ва ишлаб чиқариш ташкилотлари ўртасидаги алоқалари киради.

Ишлаб чиқариш бирлашмаларининг бошқарув тузилиши кетма-кет жойлашган бир нечта бошқарув иерархия (хизматда юкори мансабдорларга тобелик) босқичлари тузилади. Уларга ҳар хил, масалан, ишлаб чиқариш, хўжалик фаолияти масалаларини ҳал қилиш хуқуки берилади ва бу фаолият натижалари учун масъулият юкланди.

Бошқариш иерархия даражаси тузилиши бўлинмаларининг йигиндисини ва бошқарув фаолиятини амалга оширадиган ходимларни кўрсатади. Уларнинг фаолиятини бир мақсадга йўналтиради ва бир даражадаги раҳбарларга бўйсунади.

Олий бошқарув иерархия даражасига ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, кейинги даражасига эса

бош директорга бўйсунувчи раҳбарлар кўрсатилади. Ўз навбатида уларга кейинги даражадаги раҳбар бўйсунади. Улардан сўнг навбатдаги бошқарув иерархия даражалари жойлаширилади.

Ишлаб чиқариш бирлашмаси қанчалик йирик бўлса, унинг иерархия даражаси шунчалик катта бўлади. Унчалик катта бўлмаган корхоналарда иерархия даражаси 2—3, ўртacha корхоналарда 5—6, йирик бирлашмалар ва ишлаб чиқариш комплексларида 10—12 тага етади.

Тузилиш бўлинмалари, алоқалар босқичма-босқич бўйсунишлари билан ажralиб туради. Қуий босқичдаги раҳбарлар юкори босқичдаги раҳбарларга бўйсунади. Юкори босқичдаги раҳбар қуий босқичдаги раҳбарларнинг вазифаларини белгилайди ва уларнинг ишига, натижаларига баҳо беради: тақдирлайди ва жазолайди.

2. Бошқарув тузилиши турлари


Ишлаб чиқариш бирлашмаларининг бошқарув тузилиши турли-тумандир. Бошқарув идоралари ўртасидаги алоқаларнинг турига қараб бошқарув тузилиши учта асосий турга — мунтазам, функционал ва аралаш турларга бўлинади.

Мунтазам тузилиш. Бу тузилишнинг энг содда тури бўлиб, унда ҳар бир раҳбар ўзига ишониб топширилган бўлинма фаолиятини яккабошлиқ асосида бошқаради ва ҳамма зарур қарорларни мустакил равишда қабул килади.

Мунтазам бошқарув турида раҳбар ҳамма зарур ваколатларга эга бўлади ва ўзининг хўжалик фаолияти натижалари учун тўла жавоб беради.

Бошқарув тузилиши кўп босқичли бўлганда, битта босқичдаги ташкилотларнинг ҳар бир гурухи идора қилиниши кўламларига қараб юкори босқичда ўзининг раҳбар ташкилотига эга бўлади. Масалан, иккинчи босқичдаги идоралар гурухи учинчи босқичдаги раҳбар бўғинига ва учинчи босқичдаги идоралар гурухи тўртинчи босқичдаги раҳбар бўғинига эга ва ҳоказо. Бунда барча тузилиш бўлинмалари мунтазам равишда бошқарилади. Бунда бошқарувнинг барча масалалари битта йўналиш бўйича ечилиб, ҳар қайси бўғин битта раҳбарга ва бир неча табелларга (ходимларга) эга бўлади. Ходимлар факат ўз раҳбарига хисобот берадилар. Бўлинмалар ўртасида мунтазам боғланиш ўрнатилади. Раҳбарлар иш юзасидан ўз ходимларига бевосита кўрсатмаларни, улар-

нинг олдида ўз ҳаракатлари ва иш натижалари тўғрисида ҳисоботларни беради. Бу билан тенг хуқуқли тузилиш бирликлари негизида горизонтал боғланиш йўклиги ва ходимларнинг ихтисослашмаганлиги билан бошқа турдаги бошқарув тузилишидан ажралиб туради. 2-чизмада мунтазам бошқарув тузилиши тасвирланган.



Бундай бошқаришда ижро этиш, интизом даражаси анча юкори бўлади. Лекин бу ишчиларнинг ижодий қобилиятини янада юзага чиқаришлари учун рағбатлантиримайди. Бундай бошқарув тузилиши ўзини раҳмисизлигини кучайтириб, ишлаб чиқариш хўжалик ҳолатига эпчил, мос равишда таъсир этиш қобилиятини йўқотади. Мунтазам бошқарув тузилиши оддий, баркарор масалаларни ечишга мўлжалланган бўлади. Бу тузилиш доирасида комплекс масалаларни ечиш анча кийин бўлади. Мунтазам бошқарув тузилиши турини оддий маҳсулотнинг баркарор турларини ишлаб чиқарадиган кичик ташкилотларда қўллаш жуда яхши самара беради. Йирик саноатда ишлаб чиқариш ривожланган сари ва ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаштириш, комбинациялаштириш жараёни кенг тарқалганлиги сабабли мунтазам бошқарув турини бошқа турдаги бошқарув тузилишлари сикиб чиқармоқда, унинг ўрнига функционал бошқарув тузилиши қўлланилмоқда.


Функционал бошқарув тузилиши. Бу бошқарув тузилиши раҳбарларни ва тузилиш бўлинмаларини ҳар хил вазифаларга ва аник бўлинмаларда бошқарув фаолиятини ихтисослаштиришга қаратилган бўлиб, ҳар бир бошқарув бўғинига, муайян масалалар бириктириб қўйилади. Масалан, бири бошқарув идорасини режалаштириш билан, иккинчиси технология, учинчиси таъминот, тўртинчиси маҳсулот сифатини назорат қилиш ва ҳоказолар билан шуғулланади. Бунда раҳбарнинг ваколатлари анча чекланган бўлиб, қабул қилинаётган қарорларнинг сифатини яхшилашга имкон яратади.

Функционал бўлинмалар бевосита барча кўйи тузилиш бўлинмаларининг фаолиятини бошқаради. Бунда улар умумий иш натижаларига жавоб бермасдан, фактат ўзлари бажарадиган бошқарув фаолиятигагина жавоб берадилар. Бу функционал бўлинмалар ҳукук доираларининг жавобгарлик доирасидан анча кенг бўлишига олиб келади.

Функционал турдаги бошқарув тузилишида ва функционал бўлинмалар ўз ўрнини топади. Бунда мунтазам бошқарув тузилиши ҳар хил бошқарув босқичларида жойлашган бўлиб, юкори ва қўйи босқич деган ном олади. Функционал тузилиш эса битта босқич сатҳида бир текис жойлашган бўлиб, тузилиш бўлинмалари орасида мунтазам ва функционал боғланиш ўрнатилган бўлади.

Функционал бошқарув тузилишининг афзаллик томони шуки, бунда бошқарув фаолияти чукур ихтисослашган бўлади. Бу эса қабул қилинадиган қарорларнинг бажарилиш доираси ортишига имкон яратади, ходимларнинг касб маҳорати анча юкори бўлади, ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятида кўп мақсадли бошқаришга имконият туғилади. Функционал бошқарув тузилиши З-чизмада берилган.

Муайян бошқарув тузилиши бир қатор камчиликлардан, чунончи, функционал бўлинмаларнинг ишлашларини мувофиқлаштириш даражаси юкори эмаслиги, раҳбарларнинг вазифалари ва ҳукуклари унга мувофиқлашмаганлиги, ишнинг пировард натижалари учун аник ва маъсул ходимларнинг йўклиги, функционал бўлинмалар ўртасида иш юзасидан низоларнинг мавжудлиги, бошқарув аппаратида ишга бюрократик муносабатда бўлиш холларининг мавжудлиги кабилардан холи эмас. Бу камчиликларни бартараф этиш учун мунтазам-функционал (аралаш) турдаги бошқарув тузилиши мавжуд.




3- чизма

Мунтазам-функционал бошқарув тузилиши. Бунда асосий бошқарув тузилиши мунтазам бошқарув ҳисобланади. (4 – чизма). Ҳамма бошқарув боскичларида ва мустакил участкаларни бошқариш фаолиятида мунтазам раҳбарлар ажратилади. Уларга ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини яккабошчилик асосида бошқариш хукуки берилган бўлиб, у олинган натижаларга тўлиқ жавоб беради. Бошқарувнинг мунтазам турда ишлайдиган раҳбарларига малакали ёрдам кўрсатиш учун функционал ва идоравий ташкилотлар ташкил этилади ва бу ташкилотларнинг вазифаси бошқарув қарорларини тайёрлаш ва раҳбарларга малакали ёрдам беришдан иборат.

Функционал идора бўлинмалари, унда ишлайдиган мутахассислар сони бошқарув фаолиятининг характеристи ва унинг ҳажмига боғлик.

Бошқарувни функционал асосида уюштириш мурракаб масалаларни ечишга имкон яратади. Унинг ихтиослашиши бошқарув самарадорлигининг касб маҳорати даражасининг ўсишини таъминлайди. Мунтазам раҳбарлар олдида турган вазифаларни ҳал қилиш учун зарур



4- чизма

ваколатларни мунтазам-функционал бошқарув тузилиши доираси ичидаги олади. Уларнинг малакали функционал ва штаб маслаҳатчиларига эга бўлади. Бундай ёрдамчиларга эга бўлгани учун хўжалик фаолияти бир томондан енгиллашади, бошқа томондан эса олинадиган маслаҳатлар карама-карши бўлганлиги сабабли мураккаблашади. Мунтазам раҳбарнинг асосий вазифаси таклиф этилган ижобий ва салбий маслаҳатлар ичидан мақсадга мувофиқлигини аниқлаш ва уни узил-кесил қабул қилишдан иборат.

Бошқарувнинг мунтазам-функционал тузилиши турида мунтазам функционал ва штабли бўлинмалар кўлланилади. Бу бўлинмалар ўртасида ҳар хил ўзаро боғланишлар мавжуд бўлиб, ишлаб чиқариш кўламишининг доимий равишда ўсиши, бошқарув меҳнатининг янада мураккабла-

шиши, янги бошқарув функцияларининг ажралиб чиқиши бўлинмалар ихтисосининг чукурлашишига олиб келади. Бу эса бошқарув меҳнатининг самарадорлигини оширишга имкон яратади.

Бошқарувнинг мунтазам-функционал тузилишининг фойдали томони аниқ иш натижаларига жавобгар масъул шахсларнинг мавжудлигидан, ходимларнинг қасб маҳоратининг ўсишидан иборат.

Доимий ўзгарувчи ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятига кўникмаслик даражасини баландлиги, мустакиллик ва расмиятчиликка мойиллик, тенг хуқуқли горизонтал боғланишлар мувофиқлаштирилишининг мураккаблиги, ишлаб чиқариш бирлашмаси йириклишгани сари буйруқбозлик кучайиши кабилар муайян бошқарув тузилишининг камчилиги хисобланади. Камчиликларга қарамай мазкур бошқарув тузилиши республикамиз саноатида кенг кўламда тарқалган. Ҳозирги пайтда барча заводлар, фабрикалар, ишлаб чиқариш корхоналари, комбинатлар, илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларида мазкур бошқарув тузилиши қўлланилмоқда.

Маълумки, 70-йилларнинг ўрталарида саноат ишлаб чиқаришининг жуда тез сураътлар билан ўсиши корхоналар ва бирлашмаларда бошқарув тузилишининг мураккаблашишига олиб келди.

Натижада ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятида ўзгарувчан масалаларни ҳал этишда мунтазам-функционал бошқарув тузилишида етарли кўникиш ва мутаносиблик мавжуд бўлмаганлиги сабабли баъзи бир муаммолар келиб чиқади. Бу муаммоларни бартараф этиш учун дастурли-мақсадли бошқарув услуги ишлаб чиқилади. Бу услугуб аниқ мақсадларга эришиш учун мунтазам -функционал бўлинмаларнинг майда бўлакчаларини яратишни кўзда тутади. Булар жумласига янги турдаги буюмларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ишлаб чиқаришни қайта тиклаш, истеъмолчиларнинг мавжуд талабларини қондириш ва бошқа кўп масалалар бўйича алоҳида бўлакчаларни яратиш киради.

Дастурли мақсадли усулни қўллаш бошқарув тузилишини анча мураккаблаштиради. Дастурли-мақсадли усул ишлаб чиқариш бирлашмаларининг бошқарув тузилишини баркарорлаштириб, динамик равишда ўзгарувчан масалаларга тез таъсир кўрсатади.

3. Бошқариладиган ва бошқарувчи тузумчалар

Хар қайси хўжалик ва ишлаб чиқариш негизи бошқариладиган объект ва бошқарувчи субъект тузумчаларидан ташкил топган бўлади. Масалан, корхона тузумида бошқарувчи тузумчага корхонанинг директори ва унга бўйсунувчи корхонадаги бутун бошқарув аппарати киради. Бошқариладиган тузумчага эса корхонадаги цехлар ёки участкалар киради. Цехда бошқарув тузумчасига цех бошлиғи ва унга бўйсунувчи барча бошқарув аппарати киради. Цехдаги участкалар бошқариладиган тузумчани ташкил қилади. Участкалардаги тузумчага участканинг раҳбарлари киради, бошқариладиган тузумчага ишчиларнинг иш жойлари киради. Бошқариладиган ва бошқарувчи тузумчалар ўртасидаги алоқа одамларнинг бир-бири билан ўзаро муносабатларидан иборат. Иш жойларида ҳам бошқариш мавжуд бўлиб, у бошқа кўринишда амалга оширилади. Бундай бошқариш меҳнат воситаларини, яъни буюмни бошқариш дейилади.

Замонавий ишлаб чиқаришда асосий қурол машина ҳисобланади. «Инсон — машина» тузумида инсон бошқарув субъекти сифатида чиқади, машина эса унинг объекти бўлади. Бунда инсон машинанинг ишлаши тўғрисида бевосита ёки асбоблар ёрдамида ахборот олади ва зарур қарорларни қабул қилади, уларни амалга оширади. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш ячейкаси доирасида инсон ва техника бир-бирига таъсир этадиган иш майдони иш жойлари деб аталади. Бошқа барча ишлаб чиқариш ячейкалари (корхона, цех, участка, бригада)лар бир-бири билан ўзаро боғланган катта ёки кичик иш жойларининг йиғиндисидан ташкил топган бўлади. Демак, бунда барча иш жойларида меҳнат қуроллари ва бошқарув ишчиларнинг ҳаракатини мувофиқлаштириш талаб қилинади. Бу бошқарув функциясини маҳсус шахслар гурухи амалга оширади. Улар бошқарув аппарати деб айтилади.

Шундай қилиб, ишлаб чиқариш икки турдаги бошқаришни ташкил қилади: а) буюмни, яъни меҳнат воситаларини бошқариш; б) одамларни (ишчиларни) бошқариш.

Буюмни бошқариш унинг ўзини, ишлаб чиқариш жараёнидан иборат. Бу жараёнда ишчилар моддий бойлик олиш максадида меҳнат буюмларига таъсир кўрсатади. Бу бошқариладиган тузумчани ифодалайди. Бундан маълумки, ишлаб чиқаришни бошқариш бошқарув тузумчаси

бўлиб, унга факат одамларни бошқаришни киритиш мумкинлиги маълум бўлади.

Моддий бойлик олиш учун меҳнат буюмларига бевосита таъсир кўрсатадиган ишчилар икки турда: бошқарувчи тузилмада бошқаришнинг обьекти (одамларни бошқариш) ва бошқариладиган тузилмада бошқаришнинг субъекти (буюмни бошқариш) сифатида иштирок этади. Шундай қилиб, ишлаб чиқаришни бошқариш — ишчиларни бошқаришдан иборат бўлиб, улар ўз навбатида, меҳнат воситаларини бошқарадилар. Одамларни бошқариш ишлаб чиқаришда уларнинг муносабатларига ҳам таъсир кўрсатишdir. Масалан, ҳар бир корхона цехлараро асосий ва ёрдамчи цехлар ўртасида, ҳар бир цехда участкалараро; ўз навбатида ҳар қайси участка ёки бригадаларнинг ишчилари ўртасида ишлаб чиқариш алоқалари ва муносабатлари мавжуд бўлади.

Шунингдек, корхоналар бошқа корхоналар билан маҳсулот сотиш, ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш борасида ҳам ишлаб чиқариш алоқаларини ўрнатади. Бу муносабатлар кооперация ва меҳнатни ихтисослаштириш даражасига боғлик.

Юкорида айтилган фикрларни яқунлаб, ишлаб чиқаришни бошқариш табиат ва жамият тараққиётининг Конунларини онгли равишида қўллашга асосланган бўлиб, ишлаб чиқариш жамоаларига мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатади деган холосага келиш мумкин.

4. Корхона, бирлашмаларнинг ташкилий тузуми ва бошқариш аппаратининг вазифалари

Бирлашма бошқарув аппаратининг ташкилий тузилиши унинг вазифасига, бирлашма тасарруфига кирадиган корхона, ташкилотларнинг бир-бирига жойлашиш масофасига ва уларнинг хўжалик мустақиллик даражасига боғлик бўлади.

Бошқарув аппаратининг вазифалари илмий ишлаб чиқариш ёки ишлаб чиқариш бирлашмаларининг ўзиға хос хусусиятларига кўра аниқланади. Бирлашманинг таркибига кирадиган корхона ва ташкилотлар бир-биридан анча узок масофада жойлашган бошқарманинг бошқарув аппарати бирлашманинг ўзида ва ҳар қайси ташкилотда алоҳида тузилади. Бундай усулда бошқарув аппаратини тузиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки бирлашма таркибига кирадиган ташкилотларда бошқарув аппарати тўлиқ

сақланиб қолинади. Ундан ташқари бирлашмада маҳсус бошқарув аппарати тузилиб, у бутун бирлашма миқёсида бошқарув вазифаларини мувофиқлаштириб туради. Жумладан, режалаштириш, молиявийлаштириш, таъминот, тайёр маҳсулотни сотиш ва ҳоказолар.

Бирлашманинг ташкилий тузилишини унинг бош етакчи тузуми негизида ташкил этиш иктиносидай жиҳатдан самарали ва мақсадга мувофиқдир. Бундай етакчи тузум бирлиги илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий ишлаб чиқариш олийгоҳлари ёки тажриба-конструкторлик бўлимлари, ишлаб чиқариш бирлашмаларида эса унинг бош корхонаси бўлиши мумкин.

Бирлашма ўз тасарруфидаги корхоналар ва ташкилотларни филиал ёки ихтисослашган ишлаб чиқариш бирликларига айлантириши мумкин. Бунда уларнинг хўжалик мустакиллиги бирлашма томонидан чегараланиб қўйилади. Янги ташкил этилган филиалларни ишлаб чиқариш раҳбарлари бошқаради. Бундай усуlda ташкил килинган бирлашмада аппарат етакчи бирлик ролини ўйнайди. Бу эса бошқарув ҳодимларининг сенинг сезиларли даражада камайтиришга имкон беради. Уларда ишлаб чиқаришни тезкор бошқариш учун зарур функционал аппаратлар бўлади. Масалан, иш жойларини материал, ярим маҳсулот ва мосламалар билан таъминлаш, маҳсулот сифатини назорат қилиш, меҳнат хавфсизлиги ва ёнғиндан сақлаш, ишлаб чиқаришда тартиб, интизомни сақлаш ва ҳоказо.

Бирлашмани яккабошчилик асосида бош директор бошқаради. У бирлашма фаолиятининг барча соҳаларига ва давлат режаларининг бажарилишига шахсан жавобгардир. Бош директор бирлашма номидан иш юритади (фаолият кўрсатади). Бирлашманинг мол-мулкига эгалик қиласи, шартномалар тузади, бирлашма ва унинг бўлинмалари ишини мувофиқлаштирувчи ҳужжатларни тасдиқлайди. Унга ишлаб чиқариш бирликларини, хўжалик мустакиллик чегарасини белгилаш ҳукуқи берилган бўлади. Бош директор ҳузурида маслаҳат қилиш ҳукуқига эга бўлган бирлашма кенгаши тузилади. Унинг таркибига бош директорнинг ўринbosарлари, ишлаб чиқариш раҳбарлари ва жамоат ташкилотларининг фаол вакиллари киради. Мазкур кенгаш бирлашмада ишнинг қандай бажарилаётганлигини текширади, таҳлил қиласи, мавжуд камчиликларни бартараф қилиш учун зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва назорат қиласи. Бош директорга

унинг ўринбосарлари ва баъзи бир функционал бўлимларнинг раҳбарлари бўйсунади. Бирлашмада бош директор ўринбосарлари бошқарувнинг маълум бир вазифасига кўра муайян бўлим ва хизматларга раҳбарлик қилади ва унинг иш натижаларига шахсан жавоб беради. Бош директорнинг биринчи муовини бирлашманинг бош муҳандиси ҳисобланади. У бирлашманинг техник жиҳатдан ривожланишини бошқаради ва бирлашманинг барча илмий ва ишлаб чиқариш техник масалалари билан шуғулланади. Шунингдек, бош муҳандис ишлаб чиқаришнинг илмий-техник тарақкиётини таъминлаш, уни зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, янги маҳсулот турларини чиқариш учун ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан тайёрлаш муддатига ва унинг сифатига, патент ва ахборот ишларининг ахволига, ишлаб чиқаришда ходимларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга шахсан жавоб беради. Шунга мувофиқ бош муҳандисга бирлашмадаги конструкторлик, металлургия, технологик, механик, энергетик ва бошка техник хизмат кўрсатиш бўлимлари бўйсунади.

Бош директорнинг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари эса асосан ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилади ва режалаштириш ҳамда диспетчерлик тизими ривожланишига, тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришни жадвалга асосан бажарилишини таъминлашга шахсан жавоб беради. Унга маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқариш раҳбарлари ва бирлашманинг режа-диспетчерлик бюроси бўйсунади.

Шунингдек, корхонада таъминот, маҳсулотни сотиш ва молиявий ишлар бўйича бош директор ўринбосари лавозими ҳам бўлиб, у ишлаб чиқаришни ва бирлашмадаги хизмат соҳаларни зарур материаллари билан таъминлашга, унинг тайёр маҳсулотини сотиш ва бирлашмани молиявий ресурслар билан таъминлашга раҳбарлик қилади. Унга моддий-техника таъминот бўлими (МТ. Т.Б.) бўйсунади. Бу бўлим бирлашмани хом ашё ва бошқа зарур материаллар билан таъминлади ва материалларни транспорт воситасида бирлашманинг омборларига етказади. Уларни маълум бир тартиб-коидаларга биноан цехларга берилишини ва иш жойларида тежамкорлик билан ишлатилишини назорат қилади.

Унга қуидаги хизмат кўрсатиш бўлимлари бўйсунади.

Ҳамкор заводлар билан ишлайдиган бўлим. Бу бўлим худди юқоридаги (МТ.Т.Б.) бўлим бажарадиган вазифаларни амалга оширади. Бу бўлим бирлашмага

шерик заводлардан барча тайёр, ярим тайёр маҳсулотларни, штамповка, поковка, қуий материалларни, асбоб ва бошқа буюмларни етказиб бериш билан шуғулланади.

Транспорт бўлими. Ишлаб чиқариш билан боғлик бўлган ташки ва ички юкларни ташиш, транспорт воситаларини сақлаш ва таъмирлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш билан шуғулланади.

Молиявий бўлим. Бу бўлим бирлашманинг тайёр маҳсулотини сотиш ва пул муомаласи билан боғлик барча ҳисоб-китобларни олиб боради.

Иқтисодий масалалар бўйича бош директор ўринbosari ёки бош иқтисодчи. У бирлашма ва унинг бўлимларида техник-иктисодий режалаштириш, меъёrlash, иқтисодий рағбатлантириш, меҳнат ва ишлаб чиқаришни бошқаришни илмий асосда ташкил этишга раҳбарлик килиб, бирлашманинг бутун иқтисодий ҳолатига шахсан жавоб беради. Унга қуйидаги хизмат бўлимлари бўйсунади:

Иқтисодий режалаштириш бўлими. (И.Р.Б.). У бирлашманинг иқтисодий ва ижтимоий тараккиётининг истиқбол ва ойлик режаларини ишлаб чиқади. Режа кўрсаткичларини бирлашманинг бўлинмаларига етказади, унинг бажарилишини ҳисоб-китоб ва таҳлил килади.

Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш бўлими. Бу бўлим ишлаб чиқаришда қўшимча имкониятларни топиш ва улардан самарали фойдаланиш йўлларини қидиради, меҳнатни ташкил этишнинг илғор усусларини ишлаб чиқади ва уларни амалиётга жорий этади.

Меҳнат ва маош бўлими. Бу бўлимнинг вазифаси меҳнатни, ишчиларнинг иш ҳакини аниқлаш, меҳнатни меъёrlash, энг илғор норма ва нормативларни ишлаб чиқариш ҳамда уларни амалда жорий этиш, иқтисодий мусобакани йўлга қўйиш, мукофотлаш конун-коидаларини ишлаб чиқиш, иш ҳаки фондининг аҳволи, ундан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, уни назорат килиш кабилардан иборат. Шунингдек, мазкур бўлим меҳнатни ташкил килиш ва унга ҳак тўлаш тузумининг илғор шаклларидан самарали фойдаланиш, меҳнат самардорлигини ва иш ҳаки даражасининг ўсишини таъминлаш билан ҳам шуғулланади.

Иқтисодий тажрибахона. Бу ерда меҳнатни режалаштириш ва бошқарувнинг энг илғор усуслари ишлаб чиқлади, улар тажрибада синаб кўрилади ва меъёriga етказилади.


Капитал курилиш бўйича бош директор ўринбосари. Бирлашманинг бино, иншоотларини куриш, уларни қайта тиклаш ишлари билан шуғулланади. Унга капитал курилиши бошқармаси (К.Қ.Б.), қайта тиклаш, таъмирлаш бўлимлари киради. У курилаётган ёки таъмирлаётган бино, иншоотларнинг сифати ва уларнинг ўз вактида топширилишига, моддий ва молиявий маблағларнинг мақсадга мувофиқ фойдаланишига жавоб беради.

Маҳсулот сифати бўйича бош директор ўринбосари. У ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг юқори сифатли ва ишончли бўлишини таъминлайди. Унга стандартлаштириш, тайёр маҳсулотнинг мустаҳкамлиги ва уни ишлатиш бўлимлари бўйсунади.


Ходимларни ишга кабул қилиш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг малакасини ошириш, ишлаб чиқаришида ходимларнинг ўрнини алмаштириш, уларни лавозимга кўтариш кабилар билан бош директорнинг ходимлар бўйича ўринбосари шуғулланади. У жамоа сафини баркарорлаштришга, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга имкон яратадаган чора-тадбирларни ишлаб чиқади.

Бош директорнинг ижтимоий-маший масалалар бўйича ўринбосари. У коммунал хўжалик, спорт, маданий-маший ишлар, умумий овқатланиш, ходимларнинг мактабгача тарбия ёшидаги болалари муаммолари, бирлашмага карашли савдо муассасалари билан шугулланади.

Бош директорнинг бевосита иштирокида қабул қилинган қарорларнинг ижросини назорат қилувчи сифат бўйича бош назоратчи ва бош бухгалтер хизмати ҳам мавжуд бўлиб, бош бухгалтер барча моддий ва пул воситаларини ҳисоб-китоб қилиш ишларига раҳбарлик килади. У маблағларни сақлаш ва улардан тўғри фойдаланишга бош директор билан баравар жавоб беради. У бош бухгалтер лавозимига тааллуқли бўлган қонун-коидаларга асосан иш олиб боради. Бош бухгалтер бирлашмадаги ҳар қандай раҳбарнинг кўрсатмалари қонунга ҳилоф бўлса уларнинг бажарилишини ман қилиш хукуқига эга. У қонунга ҳилоф равишда берилган кўрсатмаларни раҳбарларга тушунтириш, агар бунга бош директор кўнмаса, ундан ҳужжатларга такрорий имзо чекишини талаб қилиши, шундан сўнг унинг кўрсатмасини бажариши, айни пайтда моддий ва пул маблағларнинг қонунсиз равишда бирлашмада сарфланётганлиги ҳакида тегишли консерн ва давлат банкининг молиявий бўлмини хабардор қилиши керак.



Директор



Бош назоратчи ўз лавозимига бош директорнинг тавсияси билан консернинг бош бошқармаси томонидан тасдиқланади ва ишдан бўшатилади. Бош назоратчи маҳсулотни ҳамма тайёрлов босқичларида текшириб боради. У бирлашма сифатсиз маҳсулот чиқаргани учун шахсан жавобгардир. Бош назоратчи бош бухгалтер каби ҳужжатларни қайта имзо қўйдириш учун қайтариш ҳукуқига эга.


5-чизмада бирлашма бошқарув аппаратининг ташкилий тузулиши берилган.

Бирлашма таркибига кирмаган мустақил кохоналарнинг ташкилий тузилиши бирлашманинг юкоридаги тузумига ўхшайди, лекин унга қараганда ихчамроқ бўлади (6-чизма). Унга корхона директори раҳбарлик қиласи. Директор ўринbosарларининг таркиби, уларнинг вазифалари бўйича ихтисослашиши ва бўлинмалари бирлашма тузумига ўхшаш бўлади.

Шунингдек, корхона директори хузурида маслаҳат, йўлйўрик бериш ҳукуқига эга бўлган алоҳида устунлар ва бригадирлар кенгashi фаолият кўрсатади. Ҳар иккала кенгашнинг фаолияти ҳам иш шароитини яхшилаш ва усталар ҳамда бригадирларнинг малакаларини оширишга йўналтирилди.

5. Цех бошқарув аппаратининг ташкилий тузилиши ва вазифалари

Цех бошқарув аппаратининг таркиби ишлаб чиқариладиган маҳсулот турига, унинг ихтисослашиш даражасига ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмига боғлик. 7-чизмада машинасозлик корхонасида йирик цех бошқарув аппаратининг таркибий тузилиши тизими берилган. Цех тепасида корхона директорига бўйсунувчи раҳбар-цех бошлиғи туради. Корхона директори шартномага асосан цех бошлиғи лавозимини тайинлаш ва озод этиш ҳукуқига эга. Цех бошлиғи техникани, иқтисодни ва ишлаб чиқаришни яхши билиши, жамоа билан ишлаш тажрибасига эга мутахассис бўлиши керак. Цех бошлиғи якка бошчилик қоидаси асосида цехни бошқаради. У цехда меҳнат жамоасининг руҳий ҳолати ва ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти натижаларининг барча турлари учун шахсан жавоб беради, цехда меҳнат жамоаларининг режа топшириқларини бажаришни ва ишлаб чиқаришнинг тезкорлик билан юритилишини бошқаради.



7- чизма


Цех бошлиғи цех режасини, ишчиларга бериладиган мукофотларни тасдиқлайди ва барча пул билан боғлик ҳужжатларга шахсан ўзи имзо чекади. У ишлаб чиқариш жараёнини автоматлашириш, механизациялашириш, янги техникани жорий қилиш, технология ва ишлаб чиқариш интизомига риоя қилиш, техника хавфсизлигини таъминлаш ва меҳнат шароитларини яхшилаш борасида тадбирлар кўради. Цех бошлиғи ишчиларни ўз вазифасидан бошқа ишга ўтказиш, ишчи ва хизматчиларни меҳнат конунига мувофиқ ишга қабул қилиш ҳамда ишдан бўшатиш ҳукуқига эга. Цех бошлиғи цехда режа топширикларининг барча кўрсаткичлари бўйича бажарилишига, иш ҳакининг тўғри ишлатилишига, молия интизомига риоя қилинишига, асбоб-ускуна, ҳом ашё материаллари ва бошқа моддий бойликларнинг ахволига ва ундан тўлиқ фойдаланишига жавоб беради.

Ишни ташкил қилиш учун цех бошлиғининг муовинлари бўлади. Одатда цех бошлиғининг иккита муовини бўлиб, улар ишлаб чиқаришини уюштириш ва техник тайёрлаш билан шуғулланади. Цехда ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган муовин цех бошлиғининг биринчи ўринбосари ҳисобланади.

Муайян техник-иктисодий ва бошқа масалаларни ечиш учун цехда технологик, иктисодий режалаштириш, меҳнат ва маош, техник назорат, махсус ихтисослашган хизмат бюролари ташкил этилади. Ҳар бир бюро маълум сонли мутахассислардан ташкил топган бўлиб, уларнинг ишини бюро бошлиқлари уюштиради ва мувофиқлаштиради.

Технологик бюро. Бу бюро цехдаги ишлаб чиқариш участкаларида технологик жараёнларни такомиллаш-

тириш, маҳсулотнинг янги турлари учун янги технологияларни ишлаб чиқиш ва у маҳсулотни ўзлаштириш, кўлда бажариладиган сермеҳнат технологик жараёнларни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, ишлаб чиқариш участкалирида ихтирочилик ишларини фаоллаштириш, уни ҳисоб-китоб қилиш ва илғор усулларини қўллаш тадбирларини ишлаб чиқади. Ижрочиларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида технологик интизомга риоя килишларини назорат килади. Технологик бюрони бошқарипп 8-чизмада берилган. Корхонанинг сифат белгисига эга бўлган маҳсулот турларини ҳисоб-китоб қилиш, вакти-вакти билан қайтадан аттестациядан ўтказиш ишларини амалга оширади. Шунингдек, цехда тайёрланётган маҳсулотнинг меҳнат ҳажмини камайтириш, материалларни тежаш, чикитни йўқотиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқади.




8- чизма


Иқтисодий-режалаш бюроси. Бу бюро корхонанинг иқтисодий режалаштириш бўлимидан олинган топширикка асосан цехнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш режасини тузади, техник ва иқтисодий кўрсаткичларни аниқлайди ва уларни ишлаб чиқариш участка ва бригадаларига етказади, режанинг пирсвард натижаларининг бажарилишини назорат ва таҳлил килади.

Режа-диспетчерлик бюроси. Бу бюро цех ва участкалар учун Зудлик билан ишлаб чиқариш режаларини ишлаб чиқади ва бир кеча-кундуз сменалик тоғширикларини тузади, уларни иш жойларига етказади. Режани бошқариш учун цехни хом ашё, материал ва бошқа зарур ашёлар билан таъминлайди. Бу бюрони бошқариш

Режа - диспетчерлик бирорси дошигуи



9- чизмада кўрсатилган. Мавжуд материалларнинг ишлаб чиқариш участкаларига тарқатилишини (берилишини) уюштиради ва уларни кунда ҳисоб-китоб қилиб, тўғри ишлатилиши юзасидан назорат ўрнатади. Ишлаб чиқариш участкаларида режаларнинг, сменалик топшириқларнинг қай тарзда бажарилишини диспетчерлар ёрдамида мунтазам равишда назорат қилиб, камчиликлар содир бўлса, уларни тезда бартараф қилади. Барча ишлаб чиқариш участкаларида ва бригадаларида тўхтовсиз иш маромини ташкил қилади.



10- чизма

Керакли хужжатларни тайёрлаб цехдаги тайёр маҳсулотни истеъмолчи цехларга ёки корхонанинг тайёр маҳсулот саклайдиган омборларига топширилишини ташкил қилади. Ҳар ойда цех режаси қандай баҷарилганлиги тўғрисида ҳисбот тайёрлайди, унинг тўғрилигини текшириб ўз вактида корхона режалаштириш бўлимига топширилишини таъминлади.

Меҳнат ва маош бюроси. Бу буро ишчилар меҳнати меъёрида бўлиши ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш билан шуғулланади. (10- чизма). Шунингдек ишчилар меҳнатини ташкил қилиш, меҳнат унумдорлигини ҳисобга олиш ва тахлил қилиш, ҳар бир маҳсулот бирлиги учун сарфланадиган меҳнат ҳажмини такрорий кўриб чиқиш, илғор ишчиларнинг иш усусларини ўрганиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, иш ҳақи фондини доимий равишда назорат қилиш, иқтисодий мусобақани ташкил этиш, ишчиларнинг иш жойларини аттестациядан ўтказишда катнашади.

Техник назорат бюроси. Бу буро тайёр маҳсулотни техник назоратдан ўтказади ва назоратдан ўтган барча маҳсулотга керакли техник хужжатларни расмийлаштира-

ди. Цехдаги дастгоҳ, асбоб, ускуна, мосламаларнинг холатини ва технологик жараёнларнинг сифатини назорат килади. Нуқсонларни, брак чиқишини ҳисоб-китоб ва таҳлил қиласи, уларни сифат кунларида кўриб чиқиб, сабабларини аниқлайди ва бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади. Бюрони бошқариш 11-чизмада тасвирланган.

Цехнинг бухгалтерияси ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоб-китоб қиласи, маҳсулот таннархининг ҳақиқий калькуляциясини тузади, ишлатиладиган материалларни ҳисоблаб, уларнинг ишлатилишини назорат қиласи.

Механика гуруҳи. Бу гурӯҳ цехнинг бутун технологик ускуналарининг мунтазам ишлашини, ускуналарни таъмирлаш ва замонавийлаштиришни ташкил қиласи ва уларнинг техник жиҳатдан тўғри ишлатилиши устидан назорат қиласи.

Хўжалик қисми — хўжалик хизмати ишларини ташкил қиласи, цехда тозаликни таъминлайди.

Цех таркибининг асосий бўғини ишлаб чиқариш участкалари ёки бўлимлари ҳисобланади. Уларни уста ёки катта уста бошқаради ва у бевосита цех бошлиғига бўйсунади.

6. Ишлаб чиқариш участкасини бошқариш

Цехнинг тарқиби ишлаб чиқариш бўлимлари ва участкалардан иборат бўлади. Ишлаб чиқариш бўлимйини катта уста бошқаради, участкаларни эса оддий усталар бошқаради. Уста ишлаб чиқаришда асосий сиймо ҳисобланади. Чунки у ишлаб чиқариш жараёнида участкада иш билан банд бўлган асосий ишчилар жамоасига раҳбарлик қиласи. Унинг ҳуқук ва жавобгарлиги қатъий равишда маълум тартиб ва қоида бўйича белгиланади. Уни бу лавозимга цех бошлигининг тавсиясига биноан корхона директори шартнома асосида тайинлайди ва озод қиласи. Усталарни цех раҳбарлари ишлаб чиқаришга кенг кўламда жалб этади, ҳар томонлама ишларига ёрдам беради, иктиносидий мусобакани ташкил этади.

Уста якка бошчилик асосида ишлаб чиқариш участкасининг хўжалик фаолиятини бошқаради. Унинг иштирокида технология ишлаб чиқилади ва такомиллаштириллади, меъёрлар белгиланади, тезкор ва ойлик режалар тузилади. Уста ишчиларни жой-жойларига қўяди, уларни иш билан таъминлайди, ишдаги юқори кўрсаткичлари учун муко-

фотлайди, разрядларини оширишни тавсия этади ва ишдаги айби учун тартибга чакириш чорасини кўради. Смена устаси маълум сменадаги участка жамоасига раҳбарлик килади ва у ҳам худди уста каби барча ҳуқук ва вазифаларга эга. У суткалик смена топшириклиринг бажарилиши учун жамоани уюштиради, ишчиларни йўрикномадан ўтказади ва ҳар бир иш жойида белгиланган нормаларни ошириб бажаришга даъват этади.

Энг юксак меҳнат унумдорлигига эришган, нуқсониз ишлаган ва моддий маблағларни тежаган бригада аъзолари ҳамда участка ишчиларини мукофотлаш учун устага участкалар иш ҳаки фондидан З фоиздан иборат бўлган мукофот фонди ажратиб берилади.

Ердам тариқасида усталарга ишларни ва смена-суткалик вазифаларни тақсимловчи, жиҳозларни тўла тарзда иш билан таъминловчи ҳамда участка томонидан маҳсулот ишлаб чиқаришининг ойлик ишга тушириш жадвалларини бажарувчи режалаштирувчилар ажратиб берилади. Ҳар бир смена устасига иш жойларини зарур тановар (заготовка) ва материаллар, асбоб ва бошқа зарур нарсалар билан таъминловчи хизматчи ишчилар бўйсунади.

Смена охирида уста ишлаб чиқариш ускуналарини текширади, кейинги сменага бу ускуналарнинг ифлос ва бузилган ҳолда топширилишига йўл кўймайди. Топширилётган ишлаб чиқариш ускуналарини бригадирлар, созвучилар, смена усталари, смена журналини кайд киладиганлар ва катта усталар ҳам текширади. Илфор участкаларда уста ёки бригадирлар сменадан кейин иш натижаларини ва келаси кун иш режаларини муҳокама килиш учун қисқача йиғилишлар ўтказадилар.

Катта уста унга ишониб топширилган ишлаб чиқариш участкаларида жамоа раҳбари ва ишлаб чиқаришда меҳнат ташкилотчиси бўлиб ҳисобланади. Унинг ихтиёрида уста бошқарадиган 2—3 дан кам бўлмаган участкалар бўлади. Катта уста участка ва унга бўйсунадиган участклар фаолиятига, режанинг бажарилишига, ускуналарнинг ҳолатига ва улардан фойдаланишга, техника хавфсизлиги-га риоя қилишга, техник ва меҳнат интизомига, участкадаги тозалик ва тартибга, ишчиларнинг ишлаб чиқаришда тўғри тақсимланишига, участкада меҳнатнинг илфор усулларини жорий этишга ва иқтисодий мусобақани ташкил этишга, жамоанинг уюшқоқлик ва мустаҳкамлиги-

га ҳамда тўғри руҳий иқлимга жавоб беради. Ўз ишида катта уста, бригадирлар, илғор ишчилар ва цех касаба бирлашмасига таянади.

3- §. БОШҚАРУВНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ

Бугунги кунда бошқарувнинг илмий асосланган ва тажрибада синаб кўрилган қоидаларига таянмай туриб, ҳалқ хўжалигини ҳамда корхоналарни самарали ривожлантириб бўлмайди.

Асосий қоидалар ҳалқ хўжалигига ва унинг бўғинлари, яъни тармоклар, бирлашма ва корхоналарга раҳбарлик услубини белгилаб беради. Мазкур қоидалар иқтисодни бошқариш механизмининг асосини ташкил этувчи турли усуллар, маълумотномалар, низомлар ва меъёрлар ёрдамида амалга оширилади. Мустақил Ўзбекистонимизнинг ишлаб чиқариш соҳаларига раҳбарлик қилиш бошқарувчи юқори ташкилотларнинг ҳамжиҳат ҳаракатларини талаб қиласи. Бунинг учун бошқарувни ташкил этиш усуллари ва шаклларининг ягона тизими зарур бўлади.

Хозирги шароитда ишлаб чиқаришни бошқариш шакллари ва усулларини белгиловчи асосий қоидалар қуидагилардан иборат:

1. *Бошқаришнинг илмийлиги.* Хозирги замон шароитда бошқаришнинг илмийлик қоидаси тобора каттароқ аҳамият касб этмоқда. Бу қоидани амалга ошириш ижтимоий таракқиёт конунларини тобора тўлароқ билиб боришни ва улардан хўжалик юритиш амалиётида борган сари тўлароқ фойдаланишини тақозо этади.

Хозир ишлаб чиқаришни илмий асосда бошқариш қоидасини амалга ошириш қуидаги шартларнинг бажарилишини талаб қиласи:

а) ишлаб чиқаришни бошқаришнинг илмий негизларини бутун чоралар билан ривожлантириш ва унинг турли муаммоларини ишлаб чиқарувчи маҳсус илмий-тадқикот олийгоҳларини барпо қилишни;

б) раҳбарлик малакасига талабнинг кучайиб бораётганлигини ҳисобга олиб, бошқарув меҳнати ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш;

в) ишлаб чиқаришни бошқаришнинг энг яхши ва илғор тажрибаларини умумлаштириш ва билиш.

2. *Сиёсий ва хўжалик раҳбарлигининг бирлиги.* Бу қоида иқтисодиётга сиёсат билан чамбарчас боғлиқ ҳолда қарашга асосланади ва ўз ичига қуидагиларни олади:

а) умумий хўжалик вазифалари билан иқтисодий вазифаларни ҳал этишга сиёсий ёндашувни;

б) ҳалқ хўжалиги, меҳнат жамоаларини энг макбул тарзда бирга қўшишни таъминлаш учун оммани сиёсий тарбиялаш усуllibаридан фойдаланишни;

в) корхоналарни ўзларининг аниқ вазифаларини бажаришда умумдавлат мақсадларига йўналтиришни.

Агар бу коида бузилса, мақсад бирлиги йўқолади ва хўжаликка раҳбарлик услуги самарасиз бўлиб колади. Бу эса факат давлат манфаатларигагина эмас, балки ҳар бир алоҳида меҳнат манфаатига ҳам зарар келтиради.

3. Тармоқ ва ҳудудлар бўйича бошқаришни боғлаб олиб бориши.

Маълумки, ҳалқ хўжалиги тармоқлар ва иқтисодий ноҳияларнинг жамидан иборатdir. Меҳнатнинг тармоқлараро ва ҳудудий бўлиниши ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг энг умумий шаклидир. Ҳар бир корхона, бирлашма бир томондан, муайян тармоқнинг таркибий қисми бўлса, иккинчи томондан, бирор ишлаб чиқариш, ҳудудий территориал комплекснинг, ноҳиянинг таркибий қисмидир. Бу ҳол корхоналарга раҳбарлик қилишда тармоқ ва ҳудуд бўйича бошқариш қоидасини боғлаб олиб боришини ва тармоқ бошқарувни билан ҳудудий бошқарув ўртасида умумий бошқарув вазифаларини тўғри таксимлашни талаб қиласди.

4. Бошқарувни демократиялаштириши қоидаси. Бу коида ишлаб чиқаришни бошқаришнинг энг муҳим қоидалари жумласига киради. Республикамиз ҳалқ хўжалиги пойдевори юзларча, мингларча ва ўн мингларча кишиларнинг биргаллашиб, маслаҳатлашиб ва ўзаро фикр алмашиб қилинадиган ишларини йўлга солиб турадиган маҳкам ирода бирлиги бўлмоғини талаб қиласди. Шу билан бирга бошқаришни демократлаштириш меҳнаткашлар оммасини ишлаб чиқаришни бошқаришга кенг кўламда жалб қилиш учун етарли имконият яратиб беради.

Бошқарув фаолиятида меҳнаткашларнинг бевосита қатнашиши партия ва касаба уюшма ташкилотлари орқали амалга оширилади. Бундай ташкилот вакиллари бошқарув ишининг кўпгина босқичларида қатнашадилар ва ҳалқ хўжалиги тараккиётида ўз улушларини қўшиб борадилар.

5. Режа асосида ҳалқ хўжалигини ривожлантириш қоидаси. Бу режалаштириш вазифасининг муҳимлигини ва

уни бошқаришнинг марказий бўғинига айланишини белгилайди.

Ҳар қандай режа — бу ўзаро алоқадор қарорлар мажмуаси бўлиб, улар режалаштириладиган обьектнинг келажак ҳолатини акс эттиради, тараққиётнинг мақсад ва вазифасини аниқлайди, мақсадга эришиш йўли ва воситаларини белгилайди, режа масалаларини ҳал килиш учун зарур бўлган воситаларни, хўжалик бўғинлари орасидаги тараққиёт нисбатларини аниқлайди, режа топшириқларининг бажарилишини ташкил ва назорат килади. Агар бу коида бузилса, баъзи бир маҳсулотлар керагидан ортиқча, талабни хисобга олмай ишлаб чиқидали. Бу эса уларни ишлаб чиқиш учун сарфланган харажатларнинг қадрсизланишига — исрофгарчиликка олиб келади ва ниҳоят пировард натижада ишлаб чиқариш ва истеъмолда, маҳсулотга бўлган талаб ва таклифда номутаносиблик келиб чиқади.

6. Бошқарувнинг якка ҳокимлик қоидаси. Бунда корхона ва ташкилотлар бошқаруви давлат томонидан тайинланган ишончли шахс орқали бажарилади. Бу шахсга корхонанинг мол-мулки, пул воситалари, жамоанинг манфаати учун ишчи меҳнат ходимлари ишониб топширилади. Якка ҳокимлик ишлаб чиқаришни бошқарилишида жиддий тартиб ва меҳнат интизомини таъминлайди. Якка ҳоким ўз ишида ҳамма вақт кўпчилик билан бамаслаҳат иш тутиши, уларга таяниши керак. Бу эса, ўз навбатида, уни бошқарув фаолияти даврида нотўғри ва ножёя қарорлар қабул қилишдан сақлайди. Аммо якка ҳоким давлат олдида корхонанинг барча ишлари учун жавоб берувчи ягона шахс хисобланади.

4- §. БОШҚАРУВ УСУЛЛАРИ

Бошқарув усуллари ишчи жамоалари олдига қўйилган вазифаларнинг ўз вактида юкори сифатли қилиб бажарилишини таъминлаш учун уларга нисбатан кўриладиган зарур чора-тадбирларни ва таъсирчан усулларнинг қўллашишини билдиради.

Ишлаб чиқаришни бошқаришда қўлланиладиган барча усуллар ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради. Бошқарув усуллари ўзининг тавсифига кўра: а) иқтисодий; б) ташкилий-маъмурӣ; в) ижтимоий-рухий бўлиши мумкин.

а) Иқтисодий усуллар. Бошқаришнинг бу усули ходимлар ва меҳнат жамоаларининг моддий манфаатларига асосланган бўлиб, давлат жамоат ва ҳар бир ходимнинг манфаатларини бир-бири билан узвий боғланишига имкон яратади.

Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий усулларига таннарх, нарх, фойда, рентабеллик, ҳўжалик ҳисоби, моддий рағбатлантириш фонди киради. Иқтисодий бошқарув усулларининг асосий вазифаси ишлаб чиқаришда ҳар бир маҳсулот бирлигига сарфланадиган харажатлар микдорини камайтиришга имкон берувчи ҳўжалик механизмларининг янги усулларини вужудга келтириш ва ундан самарали фойдаланишdir. Ҳўжалик механизми негизини учта асосий масала: ишлаб чиқаришни бошқариш, режалаштириш ва рағбатлантириш ташкил этади. Улар ҳўжалик механизмida умумий килиб бирлаштирилганда давлат иқтисодини тутиб туради. Ҳўжалик механизми ўз ичига бошқарувнинг асоси бўлган режалаштиришни, ҳўжаликни бошқаришда амалиётда қўлланиладиган иқтисодий дастакларни, ҳўжалик ташкилотларининг ташкилий тузумини, уларнинг иш усулларини, меҳнат жамоаларининг ишлаб чиқаришни бошқаришда қатнашишини олади.

Ишлаб чиқаришда янги ҳўжалик механизмидан самарали фойдаланиш меҳнат жамоалари ва ҳар бир ходимдан фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ресурслардан фойдаланишнинг янги йўлларини қидириб топишга ундейди. Бунда ходимлар ва меҳнат жамоалари ўз манфаатларини қондириш учун бутун билим ва кучларини ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга сафарбар қиладилар ва ҳўжалик механизмини такомиллаштириш усулларини қидирадилар. Масалан, иш ҳаки фондларини олдиндан режалаштириш ўрнига иш ҳаки нормативларини қўллаш жамоанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишдан манфаатдор қилади, имтиёзли шартлар асосида қарз бериш билан халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришнинг янги қувватларини яратишга кизиктиради.

Мазкур усулдан ишлаб чиқаришда шундай фойдаланиш керакки, бунда ҳар бир ходим ва жамоанинг моддий манфаатларини қондириш даражаси уларнинг умумий пировард натижаларига эришишга қўшган ҳиссаси билан белгиланиши лозим.

Корхонанинг ишли ва ходимларини юксак пировард натижаларга эришганлиги учун моддий рағбатлантириш

мехнат жамоасининг хўжалик ҳисоби даромадидан ҳосил килинган иқтисодий рағбатлантириш фондидан амалга оширилади.

Иқтисодий рағбатлантириш фондига моддий рағбатлантириш, ижтимоий ривожланиш, ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантириш фондлари киради.

Ходимлар, меҳнат жамоалари қанчалик унумли меҳнат килсалар уларнинг хўжалик даромади шунчалик кўп бўлади. Бу ходимларнинг ижтимоий ва моддий талаблари ни кондиришга кенг йўл очиб беради. Иқтисодий қонунларни чукур билиш ва улардан ҳар томонлама фойдаланиш давлат тузумининг афзаликларини рўёбга чиқариш, мамлакат иқтисодий-ижтимоий тараққиётини жадаллаштиришнинг зарур шартидир.

б) *Ташкилий-маъмурий бошқарув усуллари*. Бошқаришнинг бу усули яккабошчилик муносабатлари, интизом ва маъсулиятга асосланади.

Ташкилий-маъмурий таъсир кўрсатиш — бу бошқарувнинг аниқ бошқарилаётган обьектга ёки шахсларга қаратилган мажбурий тавсифидаги тўғридан-тўғри маъмурий кўрсатмаларидир. Бошқача қилиб айтганда, корхонанинг раҳбари ўзига бўйсунувчи цех раҳбарларига, цех раҳбарлари шу цехдаги ишлаб чиқариш участкаларининг усталарига бевосита бажарилиши зарур бўлган кўрсатмаларни бериши мумкин ва бу кўрсатмаларни бажаришлари лозим. Бундай кўрсатмалар жумласига маҳсулот турлари ни режага асосан бир маромда ишлаб чиқаришни юкори даражада ташкил қилиш, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат нормаларини ўз вақтида кўриб чиқиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва бошқа тез ҳал қилинадиган масалалар тўғрисидаги кўрсатмалар киради.

Қуйи поғонадаги раҳбарларнинг юкори поғонадаги раҳбарларга бўйсуниши қуйидаги тартибда бўлади. Масалан, уста — катта устага — катта уста — цех раҳбарининг муовинига — цех раҳбарининг муовини — цех раҳбарига бўйсунади ва хоказо.

Қуйи поғона раҳбарлари бажариши шарт бўлган фармойиш ва кўрсатмаларни бериш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш, нормаларини ишлаб чиқиши, ходимларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйиш, ишчиларни бир жойдан бошқа жойга ўтказиш, тақдирлаш ёки жазолаш юкори поғона раҳбарларининг вазифасига киради.

Давлат ходимларни уларнинг ишчанлик хислатлари ва қобилиятларига кўра танлайди ва жой-жойига қўяди. Раҳбарларни танлаш ва тайёрлаш мақсадида саноат соҳасида ва бирлашмаларда барча табақадаги раҳбар кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими ҳам ташкил килинган.

Республикамиз бозор иқтисодига ўтиши муносабати билан кадрлар масаласини яхшилаш давр талаби бўлиб колди. Республикада кадрларни танлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини яхши йўлга қўйиш борасида бир қатор кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди.

Республика Президентининг ташаббуси билан 1991—93 йиллар мобайнида республика шаҳарларидағи қатор заводлар раҳбарлари малакасини ошириш учун хорижий мамлакатларга юборилди. Бу кўрилган тадбирлар республикамиз корхоналарида бозор муносабатларига жавоб берадиган раҳбарларни тайёрлашга имкон яратди. Республикадаги ўрта қобилиятли талабаларнинг АҚШ ва бошқа хорижий давлат олий илмгоҳларига ўқишига йўллаш ҳам шу тадбирлардан бириди.

в) Ижтимоий-руҳий бошқарув усуллари. Бу усул меҳнаткашларнинг ишлаб чиқаришни бошқаришда кенг миёсда иштирок этишига асосланган бўлиб, бу усулни қўллашдан асосий мақсад жамоаларда соғлом ижтимоий-руҳий иқлим яратишdir. Меҳнат жамоаларида ижтимоий-руҳий иқлимининг ҳолати чиккан низолар сони билан белгиланади.

Низо — бу раҳбар, ишчи ва бошқа ходимлар орасида муайян масалаларни ҳал килишда томонларнинг бир-бири билан бир ечимга кела олмаганлигини билдиради.

Жамоа аъзолари срасидаги низоларнинг кўпчилиги ишлаб чиқаришнинг қониқарсиз ташкил қилинганилиги, раҳбарларнинг иш жараёнида ўзига бўйсунувчи жамоа аъзоларининг руҳий ҳолатларини хисобга олмаганлиги, зарур иш шароитининг яратилмаганлиги ва бошқа сабаблар натижасида вужудга келади. Низолар қанчалик кўп бўлса, меҳнат жамоаларида ижтимоий-руҳий иқлим шунчалик ёмонлашади. Меҳнат жамоаларида низо чикарувчи айрим шахслар бўлиши турган гап. Бундай шахслар иш пайтида фойдали меҳнат билан шуғулланиш ўрнига, ўзларининг низоларнда кўрсатилган масалалар раҳбар ходимлар томонидан қандай қабул қилинаётгани тўғрисида гапириб ҳам ўзларини, ҳам бошқаларни ишдан

чалғитиб, ишлайшига халақит берадилар. Бундай ҳол икки шахснинг кураш жараёни, уларнинг низолари раҳбар ходимлари ёки жамоат ўртоқлик суди кенгаши кўриб чикиб, ким ноҳақ, ким ҳаклигини аниқлаб, шу масала юзасидан чиқарилган ҳукм натижаларини тушунтириб, уларнинг шу ҳукмларнинг тўғрилигига икрор бўлгунча давом этади. Бундай носоғлом вазият жамоа аъзолари-нинг барчасига етиб боради. Бундан айрим ишчи ходимлар вактинча манфаатдор бўлиб, уларнинг ичидан ўзларига ёқмаган шахслар устидан фийбат уюштириб вазиятни жиддийлаштиришга ҳаракат қиласидилар. Буларнинг ҳам-маси меҳнаткашлар кайфиятига салбий таъсир қиласиди, уларни асабийлаштиради, натижада ижтимоий-рухий вазият ёмонлашади. Бу эса ўз-ўзидан ишга салбий таъсир кўрсатади.

Маълумки, турғунлик даврида раҳбарлик жамоа-ларнинг ижтимоий-рухий иклимини яхшилашга етарли дараҷада эътибор бермас эди. У йилларда маъмурий-буйруқбозлик бошқариш усули ҳукм сурар эди. Бундай бошқарув усулига ишчилар кўнишиб, ўзларига нисбатан раҳбарларнинг қўпол гапларига аҳамият бермас эдилар. Буни ўша замон талаби тақозо этар эди.

Демократиялаш, ошкоралик шароитида барча эски иш услубларига чек қўйилади. Ҳозирги шароитда раҳбар фақат ўз соҳасини яхши билибгина қолмай, балки яхши ташкилотчи, руҳиятчи (психолог), тарбиячи ва ижтимоий етакчи бўлмоғи лозим. Бунинг учун ҳар бир раҳбар ходим: социология, психология, педагогика фанларини мустакил эгаллаши керак. Буни ҳаётимиздаги жиддий ўзгаришлар, инсон омилининг фаоллашуви, жамоаларнинг ўз-ўзини бошқариш шароитида улар билан ишлаш тақозо қиласиди. Жамоага аъзо бўлған ҳар бир шахснинг қалбига йўл тўғиби билиш раҳбарнинг иш фаолиятида асосий аҳамиятга эга. Буни билган раҳбар ўз жамоаси ичидаги меҳнат жараёнинда вужудга келадиган ҳар хил низоларни жамоада, жамоат ташкилотлари билан биргаликда, юкори ташкилотларга чиқармасдан ўзида ҳал қилишга қўдир бўлади.

Бундай раҳбар ўз ишини тўғри ташкил қиласиди, жамоа олдига қўйилган мақсад ва режа тоғиширикларини ўз вактида муваффакиятли бажаради. Жамоаларда соғлом руҳий иклим яратиш учун раҳбар қўйидагиларга: ҳар бир ишчи хизматчи ходимларнинг шахсий фазилатларини, ёшини, қобилиятини инобатга олишга, ишчилар ўртасида-ги ҳамкорликни ва ўзаро ёрдамни бир-бири билан

чамбарчас боғлайдиган ижтимоий алоқа маромини, иктисодий мусобакани ташкил этишга, меҳнат жамоала-рида иш фаолиятининг тириковард натижалари учун хар бир ишчининг масъулият сезиш туйғусини мустаҳкамлашга, жамоа аъзоларининг юқори унумли меҳнат қилиши, унинг ижодий ғайратини кучайтириш учун қулай ижтимоий шароитларни яратишга эътибор бериши зарур.

II боб

РАҲБАР-ШАХС РУҲИЯТИНИНГ АСОСЧИСИ

1- §. РАҲБАР МЕҲНАТ ЖАМОАЛАРИНИНГ ТАШКИЛОТЧИСИ ВА ТАРБИЯЧИСИ

Корхоналарда ташкилотчи ва тарбиячи бўлиш хар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Чунки бу ишлар ўта мураккаб ва маъсулиятли иш бўлиб, кишининг алоҳида хулк-авторга эга бўлишини, сўнгра уни доимий равишда такомиллаштириш ва ривожлантиришни талаб қилади.

Ишлаб чиқаришда ташкилотчининг асосий иши одамлар билан ишлашдан иборатdir. Ташкилотчи жамоа олдига қўйилган мақсадни, режани, топширикни, буюртмани сон ва сифат қўрсаткичлар бўйича бажариши учун ишловчиларнинг билимидан, касбидан мақсадга мувофиқ фойдаланиши ва уларни бир оқимга йўналтира олиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Маълумки, уюштиришни яхши билмаган раҳбар ходимдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлмай, ишлаб чиқариш учун заарарлидир. Ишлаб чиқариш жамоасининг раҳбари амалда ўзининг ташкилотчилик қобилиятини қўрсата олгандагина ташкилотчилик ролини муваффакиятили бажариши мумкин. Бунинг учун раҳбар ходим ўз ишини олдиндан тузилган шахсий режага асосан олиб бориши зарур.

Шахсий режасиз ишлаган раҳбар ходимлар жамоаси олдига қўйилган вазифани муваффакиятили бажара олмас лиги амалиётда қўриниб турибди. Масалан, шахсий режасиз ишлаган раҳбар эрталаб ишга келганда корхона, цех, участкадаги ишчиларнинг ишини қандай даражада уюштирилганligини текшириб чиқиши у ёқда турсин, ўз ишини нимадан бошлишни, қандай уюштиришни ҳам билмайди. Агар ишни бошлигана гақдирда ҳам, у биринчи навбатда, майда, ечилиши зарур бўлмаган ишлар билан шуғулланади. Зарур ва тезда ҳал килиниши лозим бўлган

муаммолар четда қолади. Бундай усулда ишлаш ҳа бўл, ҳа бўлчиликка, масъулиятсизликка олиб келади, натижада берилган топширик вактида бажарилмайди.

Тажрибали раҳбар ходимлар ўз ишини доимий равишда шахсий режага асосан олиб борадилар. Чунки улар шахсий режани ишлаб чиқаришни юқори даражада уюштириш манбаи деб қарайдилар.

«Ёмон корхона ёки завод йўқ, лекин ёмон раҳбарлар бор». Бу ибора шуни билдирадики, ёмон ишлаб турган корхонага жамоани яхши бошқарадиган, ташкилотчилик қобилияти юқори, меҳнатсевар, талабчан, билимдон раҳбар қўйилса, у корхона тезда яхши корхоналар сафига қўшилади. Агар яхши ишлаб турган корхоналарга тасодифан ташкилотчилик қобилияти паст раҳбар келиб қолса, аксинча, у корхона аста-секин ёмон ишлайдиган корхонага айланади. Бундан шундай хулоса чиқариш керакки, ишлаб чиқаришда раҳбарнинг ташкилотчилик қобилияти режаларни ва бошқа масалаларни ўз вактида ечишда катта аҳамиятга эгадир.

Тажрибали раҳбар ходимлар афсуски кам, баъзи ҳолларда топилмайди. Шу сабабли ишлаб чиқаришга янги раҳбар ходимлар таклиф килинади. Улар учун раҳбарлик ишини мукаммал ўрганиш жуда кийин кўчади. Бундай раҳбарлар ёш бўлишига қарамасдан яхши мутахассис, ташкилотчи бўлиши ва ўз ишини мукаммал билиши керак. Янги раҳбар икки томонлама текширувдан ўтказилади.

Бир томондан, раҳбар сифатида унинг ишини, тартибими, интизомини, ишчилар билан ишлаш услубини, муоммасини юқори раҳбар ходимлар текшириб, назорат қилиб боради. Зарур бўлганда унга ишдаги камчиликларини тузатиш учун кўрсатмалар беради.

Иккинчи томондан, ўз қўли остида ишлайдиган ишчилар ва иш бўйича қабулига келувчилар, ҳамкорликда ишлайдиган корхоналарнинг ходимлари масалаларни ҳал қилиш вактида унинг раҳбарлик қобилиятини текширадилар ва унга ўзларicha баҳо берадилар. Бунда англешимловчилик ҳоллари ҳам рўй бериши мумкин. Масалан, янги раҳбарнинг қабулига келган ҳар бир ходим ўзининг муаммосини ижобий ечиш учун бутун вужудини, билимини ва тажрибасини намоён қиласди. Агар янги раҳбар унинг талабини ечишга қаршилик кўрсатса ёки ижобий ҳал кильмаса унинг тажрибаси йўқлиги тўғрисида камситиб қўйишлари мумкин. Бундай ҳолларда раҳбар ходим ўзини йўқотмасдан, берилган саволларга жавоб беришга тайёр

туриши ва асабийлашмасдан иш тутиши лозим. Шунга ўхшаш ҳоллар раҳбарларнинг иш жараёнида, корхона, цех участкаларда тез-тез учраб туради. Шунинг учун янги раҳбарларни доимий равишда ўргатиш ва ўқитиш, иш тажрибасини ошириш керак. Бу ишлар билан бирлашма бош директорининг ходимлар бўйича муовини ва унга бўйсунувчи ходимлар бўлими шуғулланади.

Яхши ташкилотчининг муҳим сифатларидан бири унинг ишчиларга, уларнинг тажрибаси, кобилияти, шахсий хислатларини ҳисобга олган ҳолда меҳнатни тақсимлашидир. Зоро, ҳеч қачон ишчига топширикни унинг имкониятидан юқори даражали қилиб бериш керак эмас, акс ҳолда, берилган топширик бажарилмай қолиши мумкин. Ишчиларга бериладиган топширик қанчалик мураккаб бўлмасин, лекин бажариладиган бўлиши шарт. Шундагина бажарувчи у ишни бажариш учун бор кучини ва вужудини сафарбар этади. Ишчиларга вазифаларни тўғри тақсимлаш, уларга ишонч билдириш уларнинг кўнглини кўтаради ва кучига куч кўшади.

Талабчанлик, берилган топширикниң бажарилишини ўз вактида назорат қилиш ҳам ташкилотчининг муҳим сифатлари жумласига киради.

Раҳбар аввало ўзига нисбатан талабчан бўлиши ва бошқаларга намуна кўрсатиши лозим.

Агар раҳбарнинг ўзи берилган топшириқларни ўз вактида бажармаса, унда ўз қўл остидаги ишчилардан ўзи берган топшириқларни бажаришни талаб қилиши жуда қийин бўлади. Шундай раҳбарлар ҳам борки, улар бошқа ходимларнинг вазифаларини бажаришга ўзларини қўшаверадилар, натижада ўзларининг вазифасини бажаришларига вактлари етмай қолади. Шунинг учун ҳамма вазифаларни тенг баробар, чукур ўйлаб нормативларга асосан тақсимлаш зарур.

Куйидагилар раҳбарнинг ташкилотчилик сифатини намоён қиласи: меҳнатни тўғри тақсимлаш, кун тартибини максадга мувофиқ белгилаш ва унга риоя қилиш, шунингдек, нонушта вактини ишчиларга қулай қилиб белгилаш, дам олиш вактини аниклаш, ўз билимини ва иш малакасини ошириш ва ҳоказо.

Бошқаришнинг янги усуllibарини жорий этиш, яъни қайта қуриш корхона ишчиларининг ҳолатига таъсир кўрсатади, уларни иш сифатини оширишга ундейди. Баъзи ҳолларда бошқарув тизимининг ўзгаришига айrim ишчилар фаол қаршилик кўрсатмаса ҳам, суст салбий қарама-

қаршиликларни вужудга келтиради. Бундай ҳолда раҳбар ходим бор билимини, иш тажрибасини ишга солиб, қарама-қаршиликни бартараф қилиши зарур. Демак, ишлаб чиқаришни бошқариш заминида ишчиларни бошқариш ётганлиги номоён бўлиб турибди. Корхонада ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти натижалари учун раҳбарнинг таъсири жуда каттадир. Шунинг билан бирга ўзи бошқарадиган меҳнат жамоаси аъзоларини тарбиялаш раҳбарнинг дикқат марказида бўлиши керак. Хар бир раҳбар доимий равишда хўжалик, ташкилотчилик, тарбиявий ишларни бирга қўшиб олиб бориши зарур. Шундагина у олдига қўйган режани ўз вактида сифатли бажариши мумкин.

Раҳбар жамоа аъзоларини тарбиялашда, биринчи навбатда, тартиб интизомни йўлга қўйиши зарур. Жамоа аъзоларини тарбиялаш ишлари барча турдаги раҳбарлар фаолиятида муҳим ўринни эгаллайди. Ишловчини камситиш, унинг ҳукуқини чеклаш, конун-коидадан четга чиқиш, яъни уни қўпол равишда бузиш жамоа аъзолари ва раҳбар учун ҳам чидаб бўлмайдиган ҳол ҳисобланади. Бундай ҳоллар юз берганда раҳбар зудлик билан айборларни топиб уларни хузурига чақириши ва нохуш ҳолни бартараф қилиш учун керакли чора-тадбирларни қўриши зарур. Жамоадаги ҳар бир конунбузарни, у ким бўлишидан қатъи назар (ишли, уста, муҳандис ва ҳоказо), тарбиялаш жараёнида раҳбарнинг шахсан ўзи шуғулланмасдан, балки жамоа фаоллари билан биргаликда тарбиялаши керак бўлади. Чунки баъзи бир раҳбарлар: «хаётдаги ҳамма нарсанинг сирларини биламан, тажрибам улкан, менга етадиган киши йўқ», — деб сухбатлашаётган ходимига қўпол гапириб, камситиб, кўнглини ранжитиб қўйиши мумкин. Агар шу жараёнда жамоа аъзоларининг фаоллари қатнашса, раҳбар ўзида маъсулият сезиб, ўзини маданиятли қўрсатишга, сухбатдоши билан мулойим гапиришга ҳаракат қиласи. Жамоанинг фаоллари раҳбарга жамоада тарбия ишларини яхшилашда ёрдам қўрсатишга ҳаракат қиласи, тартиб бузар эса ўзини бошқача ҳис қиласи. Чунки раҳбарнинг хонасидан чиққандан сўнг, цехда, участкада шу ишчилар билан ишлашга тўғри келади.

Бу усул билан жамоа аъзоларини тарбиялаш якка усулда тарбиялашдан кўра раҳбарлар учун анча самара-дорли, тартиб бузарларга нисбатан таъсирчан ҳисобланади.

Хар қандай корхона ишининг муваффакияти ишлаб чиқариш жамоаларининг маънавий ҳолатига узвий боғлиқдир.

Ишлаб чиқаришда ошкораликни (демократияни) ривожлантиришда меҳнат жамоалари мухим ўринни эгаллади.

Меҳнат жамоалари ишлаб чиқариш бўлинмаларининг асосий негизи ҳисобланади. Раҳбарнинг тарбиявий ишларига меҳнат жамоалари ёрдам беради. Чунки меҳнат жамоаларида бир-бирини ўртоқларча ҳурмат қилиш, ёрдам қўлини чўзиш, оғир пайтда бир-бирини қўллаш, тарбиялаш ишлари алоҳида аҳамиятга эга. Бу ишлар жамоа аъзоларини бир-бирига яқинлаштиради, жамоага мансублик ҳиссининг пайдо бўлишига кўмаклашади.

Раҳбар меҳнат жамоаларида тарбиявий ишларни муваффакиятли амалга ошириши учун касаба уюшмаси, ўртоқлик суди ва бошка жамоат ташкилотлари биргаликда ишлаши зарур. Акс ҳолда, раҳбар яккабошлик бошқарув усулини қўллаб, жамоада анча-мунча низоларни вужудга келтириши мумкин.

Жамоа аъзоларини тарбиялашда раҳбар ўз оғиздан чиқкан сўзни тўғри бажара билиши мухим аҳамиятга эгадир. Баъзи сир раҳбарлар ишчиларга мукофот берман, ойлик маошинги ошираман деб ваъда бериб, муддати келганда, улдасидан чика олмай, уялиб колади. Бундай раҳбарларнинг субутсизлиги оқибатида жамоадаги тарбиявий ишлар сусайиб, раҳбарнинг обрўси пасайиб кетади. Ўз ваъдасини вактида бажарадиган раҳбарлар жамоа аъзолари ичида доим ҳурмат, эътиборга сазовор бўладилар.

Раҳбар ходимлар шуни унутмасликлари зарурки, ҳар қандай кишидан ишни нотўғри талаб қилиб, уни хафа килиш жуда осон, аммо хафа бўлган киши уни кўп вактгача эслаб юради, бу эса ишни яхши олиб боришга анча халакит беради. Раҳбарнинг талаби адолатли, мунтазам равишда бажарилиши мумкин бўлса, меҳнат жамоалари унинг фикрини қўллаб-қувватласа, талабчаник ҳар доим ишда яхши натижаларни қўлга киритишга имкон беради. Тартиб бузувчиларни раҳбар жамоа таъсири асосида тарбиялаши керак. Агар бу усулда ҳам тарбиялаш ижобий натижага бермаса, унда раҳбар уларга нисбатан турли хил маъмурий чораларни кўриши керак. Бўйсунувчи ҳақиқатан айбдор бўлишига раҳбарнинг ишончи комил бўлмаса, уни жазолашдан қайтиши керак. Хеч

қачон раҳбар ўзига қарашли ходимларини руҳий асабийлашган ҳолатда жазолаши мақсадга мувофиқ бўлмайди. Раҳбар жазо бериш буйруғига имзо чекишдан олдин унинг тўғрилигини синчиклаб текшириб чиқиши зарур. Раҳбар шуни эсда тутиши керакки, маъмурий жазо бериш бу асосий мақсад бўлмай, балки жамоа аъзоларининг интизомини ушлаш қуролидир.

Раҳбарнинг ходимларга нисбатан ҳар доим маъмурий жазо қўллаши унинг кадрлар билан ишлаши етарли бўлмаганилигини, уларнинг ўз ўрнида эмаслигини ва ишчилар орасида тарбиявий ишларнинг яхши олиб борилмаганилигини билдиради.

1. Раҳбарликнинг турлари

Раҳбарликнинг қўйидаги турлари мавжуд: *Автократик ёки авторитарлик тури*. Бу турдаги раҳбар қўл остида гиларининг фаолияти учун жавобгарликни ўз зиммаснiga тўлиқ олади. Ҳамма мавжуд ахборотларни ўзи орқали ўтказишга ҳаракат қиласи. Жамоа аъзоларини бевосита мулоқатда бўлишини чегаралаб қўяди. Ўзининг ноўрин ҳаракатларининг танқид қилинишига чидай олмайди. Ўзига бўйсунувчиларнинг ҳаракатларини кескин равишда танқид қилишни яхши кўради.

Бундай раҳбар одатда, кўп гапиришни ёқтирамайди, лекин бўйсунувчилари билан муомалада бўлганда унинг раҳбарлик ғурури баландлиги, ўзини катта тутиши сезилиб туради. Одатда автократ раҳбарлар ўзига бўйсунувчилари олдида қовоғи солинган кайфиятда бўлади. Бироқ автократлик бошқарув усулини ҳар жиҳатдан ёмон деб бўлмайди. Баъзи бир ҳолларда бўйсунувчиларнинг маданий даражаси, ахлоқи пастлиги сабабли автократлик бошқарув услубини танлаб олиш ҳам иш бериб қолиши мумкин. Аммо жамоада ҳар томонлама демократик муносабатлар пишиб етилган пайтда раҳбар ўзининг иш услубини ўзгартиришга мажбур бўлади.

Шундай қилиб, раҳбарнинг автократик бошқарув услубини фақат салбий баҳолаб бўлмайди, чунки у бошқарув муносабатларининг ривожланиш тарихининг маълум бир даврида ўзининг ижобий томонини кўрсатган.

Анархиклик тури. Бунда раҳбар фаоллик кўрсатмайди, у фақат шахсан ахборот манбай бўлиб хизмат қиласи ёки уни ўзи йигади, ишлаб чиқариш масалаларини муҳокама

килиш расмий характерга эга бўлади, ишда ўзини-ўзи танқид килиш йўқ бўлади.

Бундай раҳбар ташқаридан кўрсатиладиган таъсирга мойиллиги билан кўзга ташланиб туради. Бунда у ёки бу масалаларни бажариш айрим бўйсунувчиларнинг хошишига боғлик бўлади.

Демократик раҳбарлик тури. Бундай раҳбарлик турида раҳбар ўз фаолиятини ўзининг гурухидаги жамоа аъзоларига таянган ҳолда олиб боради. Фаолият учун жавобгарлик бўйсунувчилар орасида таксимланади. Жамоа аъзоларининг бир-бири билан бевосита муносабатларини рағбатлантириш билан биргаликда раҳбар тобеларнинг билдирган фикрига кулок солади, улар билан маслаҳатлашади, ижобий томонларини инобатга олади, илғорларни ва бошқа ходимларни мукофотлайди. Бундай раҳбарлик тури тобеларнинг шахсий ташаббусини, ижодий фаолиятини ривожлантиради ва жамоада ўртоқлик ва ишchan мухитни яратади. Бу факат жамоанинг шароитига таъсир кўрсатибина қолмай, балки унинг иш натижаларига ҳам бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Жамоани юкори даражали уюстириш шуни талаб қиласиди, бунда раҳбар жамоанинг ишини ҳар қайси таркибий қисмига аралашиблиги ва улар аъзоларининг ўзаро алоқасини ва муносабатларини бузмаслиги керак. Ҳозирги пайтда мазкур усулни корхоналар фаолиятида қўллаш ходимлар билан ишлашда ижобий натижага бермоқда.

2. Ёш ишчиларни жамоага кўнигиришда раҳбарнинг мураббийлик вазифалари

Раҳбарнинг тарбиявий ишларидан энг муҳими меҳнат жамоаларида ёш ишчиларни тўғри, ҳозирги замон техникавий тараққиёти талабига жавоб берадиган мутахассис килиб тарбиялашдир.

Ёш ишчиларни тарбиялашда меҳнат жамоаларининг аҳамияти каттадир. Чунки бунда ёшларнинг оиласда, мактабда, маҳсус ўкув юртларида олган билимлари мустаҳкамланади. Меҳнат жамоаларида меҳнат тарбиясининг бошланғич шарти касб танлашдир. Ҳозирги замон касбини эгаллаш ишчилар олдига алоҳида талабларни қўяди. Ишчиларнинг руҳий ва жисмоний хислатларга мос келадиган ҳамда уни қизиктира оладиган касб унинг ишда ўзининг қобилиятини кўрсатишга, меҳнат унумдорлигини оширишига имкон яратади. Шунинг учун бугунги

кунда кишиларни касбга йўналтиришнинг аҳамияти катта.

Касбга йўналтириш кишининг муайян касбга яроқли-лигини аниклашдир.

Мехнат жамоаларида касбга йўналтириш ва танлаш ишлари билан барча табақалардаги раҳбар ходимлар шуғулланади. Бу ишларни амалга оширишда раҳбар ходимлар дастлаб янги ишчиларнинг маълумотлари билан танишиб чиқиши ва уларни умумий руҳий сифатларини билишлари керак. Бунда раҳбарлар ишчиларнинг муайян ишга қобилиятини ва шу ишларни қай тарзда (тез, секин) бажаришини аникладилар. Сўнгра уларнинг шахсий хусусиятларини ўрганиб чиқадилар. Чунончи, ёш ишчиларнинг кўриш, эшлиш қобилиятлари, шовқинга чидамли ёки чидамсизлиги кабилар албатта ҳисобга олинади. Шу йўл билан ишчиларни қайси касбга қўйиш мумкинлиги аникланади. Тўғри танланган касб ишчининг кўтариинки руҳда ишлашига имкон яратади. Ишчи ўзини қизиқтирадиган иш билан шуғулланиб, касбини такомиллаштириш имкониятига эга бўлади.

Ишчиларни касбларга танлаш ишларини раҳбарлар руҳиятшунослар, социологлар билан биргаликда олиб боради. Касбни тўғри танлаш ёш ишчиларнинг жамоага тез кўникишига ёрдам беради. Раҳбарларнинг жамоага янги келган барча ёш ишчиларни ўз касбларини яхши ўзлаштиришлари учун кўллаб-кувватлашга имконияти етмайди. Шунинг учун бу ишларни амалга оширишда раҳбарларга устозлар ёрдам кўрсатадилар.

Устоз деганда биз юкори малакали, ҳаётий тажрибага бой бўлган кекса ишчиларни тушунамиз. Жамоада устозлик ишларини ривожлантириш учун унинг нозик жойларини ва ундаги мавжуд қийинчиликларини билиш зарур. Корхоналардаги жами устозлик ишларини текшириб кўрилганда устозларнинг 10 фоизи ўзларининг шогирдлари билан тил топиша олмаганлиги, 70 фоизи ўзларида психологик, педагогик билимларнинг етишмаслиги, 30 фоизи уларга хўжалик раҳбарлари етарли ёрдам бермаганлиги ҳакида фикр билдиришди. Раҳбар ходимнинг ўзи жамоадаги ишчиларнинг руҳий хусусиятларини ва тарбия усулларини яхши билган тақдирдагина юкоридаги камчиликларни бартараф этиши мумкин.

Жамоада устозликни ривожлантиришнинг бешта йўналиши мавжуд бўлиб, улар қўйнагилардан иборат:

1. Устозларни танлаш. Ҳар қайси юкори малакали ишчи устоз бўла олмайди. Аввало ёшларнинг тарбиячиси

бўлиш учун устоз ишчи юкори малакали, соф вижданли, бағри кенг, давлат сиёсатини тўғри тушунадиган инсон бўлиши зарур. Бундан ташқари устозда педагогик билим бўлиши, ўзининг маъноли сўзлари, хушмуомалалиги билан шогирдларини ўзига мойил қила билиш қобилиятига эга бўлиши керак.

2. Еш ишчиларни — шогирдларни тарбиялаш ва касбга ўргатиш дастурини тайёрлаш. Бунда дастлаб дастурнинг касбга ўргатиш кисми яхши ўйлаб чиқилади. Сўнгра тарбиявий ишлар бўйича умумий дастур тузилади. Дастурда асосий эътибор меҳнатни ҳурмат қилиш ва касбга кизиктириш, жамоатчилик ва ишчи бурчини ҳис эта билишни шакллантиришга қаратилади.

3. Устозларга шогирдларнинг психологик маълумотларини йиғиш бўйича ёрдам кўрсатиш. Шогирд устоз учун мураккаб шахс бўлиб ҳисобланади. Устозга шогирди ҳақидаги асосий маълумотлардан ташқари баъзи бир ҳолларда тиббий маълумотлар ҳам зарур бўлади. Масалан, шу пайтгача қандай касалликни ўз бошидан ўтказганлиги, асад тизимининг қай ҳолатда эканлиги, ирсий омилларнинг мавжудлиги кабилар. Бундай ахборотларни йиғиш, педагогик жиҳатдан унинг маъносига тушуниш устознинг ўзига анча қийинлик қиласи. Шунинг учун унга жамоа раҳбарлари ва жамоа фаоллари ўз вақтида ёрдам бериб туришлари лозим.

4. Устозларнинг ишини доимий назорат қилиш ва уларни психология ва педагогика фанлари бўйича янги билимлар билан қуроллантириш. Устозлик тўғрисидаги янги тажрибалар билан уларни хабардор қилиш. Устозлар доим касаба уюшма ва бошқа жамоат ташкилотлари фаолларининг ёрдамига таянади. Қатор корхоналарда устозлар иши бўйича жамоа услугубий ҳайъатлари ташкил қилинган бўлиб, ҳайъатда устозлар билан турли сұхбатлар ўтказилади. Сұхбатга кекса, фаол ишчилар ва бошқа илғор ходимлар ҳам таклиф этилади.

5. Устозларнинг меҳнатини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш. Устозлик сермашақкат жамоатчилик фаолиятидир. У ишчи, мутахассис, педагог ва илғор кишиларнинг ҳам меҳнатини ўз ичига олади. Бу иш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Унга факат шу ишга қобилияти бор, обрў-эътиборга эга бўлган кишиларгина лойик бўлиши мумкин. Устозлик ишини муваффакиятли бажарган кишиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш адолатли ишdir. Чунки илғор устозларни

рағбатлантириш бошқа устозларни шогирдлар билан яхши ишлашга ундейди. Шунинг учун обрў-эътиборли, ўз ишига сидкидилдан қараган устозлар корхоналарда доимий равишда моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиб турилади.

2- §. РАҲБАР МЕҲНАТИНИНГ ХАРАКТЕРИ ВА МАЗМУНИ

Бошқарув меҳнати ижтимоий меҳнат тури бўлиб, унинг асосий вазифаси ижтимоий меҳнат жараёнида айрим иштирокчиларнинг ва меҳнат жамоаларининг олдига қўйилган топшириқларни, режаларни муваффакиятли бажариш учун уларнинг фаолиятини мақсад сари йўналтириш ва бир-бирига мувофиқлаштиришни таъминлашdir.

Бошқарув меҳнатининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу меҳнат билан шуғулланадиган ходимларнинг ўзлари моддий бойликни яратмайдилар, лекин улар моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқаришда у ёки бу ишларни бажарувчи ишчиларнинг қобилиятини, хулк-авторини, ҳаракатини бошқариб турадилар.

Бошқарув меҳнатининг бевосита предмети бошқарила-диган объекtnи ҳозирги пайтдаги ҳолатини тавсифловчи маълумотдир. Меҳнат натижалари эса шу объекtnинг олдига қўйган мақсадни бажариш учун унинг ҳолатини ўзгартиришга мос келадиган ечимлар, ишлар, ҳаракатлардир.

Моддий ишлаб чиқариш соҳасида бошқарув меҳнати муҳандислик меҳнати билан узвий боғлиқдир. Бошқарув вазифасини бажаришда раҳбар билан биргаликда мутахассислар, техник ижрочилар иштирок этади. Ҳар қайси бошқарув вазифасини бажарадиган ходим корхонанинг барча жамоалари фаолияти натижаларига бевосита таъсир кўрсатади.

Корхона, цех, бўлим раҳбарлари усталарни, ходимларни танлайди ва уларни жой-жойига қўяди. Ижрочиларни, ишлаб чиқариш бўлимларининг ишларини бир-бирига мувофиқлаштиради ва ишчилар меҳнатининг самарадорлигини таъминлайди.

Мутахассислар жумласига муҳандислар, техниклар, иқтисодчилар ва бошқалар киради. Улар янги ва такомиллаштирилган маҳсулот турларини, технологик жараёнларни, техник ва иқтисодий меъёрларни, шунингдек, ишлаб чиқаришда замонавий меҳнат ва бошқарув шакллари, усулларини ишлаб чиқади ҳамда уларни

ишлиб чиқаришга жорий этади. Бутун корхонанинг иш фаолияти уларнинг ишига боғлиқ бўлади.

Техник ишларни бажарувчилар — ҳисобчилар, котиблар, машинисткалар, ҳисоблаш машиналарида ишлайдиган операторлар ва бошқалар. Улар бошқарув вазифасини бажариш учун дастлабки ахборотни йиғиш, уларни узатиш, қайта ишлаш, ҳар хил хужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш ишларини амалга оширади.

Бошқарув меҳнатининг моддий ишлиб чиқариш соҳасидаги таърифи ишчилар меҳнати каби унумли меҳнат бўлиб, бу иш билан банд бўлган ҳодимларга, ишчилар жамоасининг бир кисми деб қаралади. Шунинг учун бошқарув меҳнати натижалари ишлиб чиқилган ва ижро этилган қарорлар ёки хужжатлар сони билан эмас, балки унинг корхона ёки цехнинг барча жамоалари фаолиятига кўрсатган таъсири билан баҳоланади. Қарорларни қабул қилиш ва уларни амалга ошириш жараёнида бошқарув аппарати турли ишлиб чиқариш бўғинларининг куч-гайратларини бирлаштиради.

Ҳар қандай ҳолларда ҳам бошқарув меҳнати барча зарур бошқарув вазифаларининг энг кам харажат ҳамда вакт сарф килган ҳолда сифатли бажарилишини таъминлаши керак.

Рахбар фаолиятининг характеристи турли-тумандир. Раҳбар ташкилотчи, маъмур, мутахассис — тарбиячи, жамоат арбоби ролида иш олиб боради. Ташкилотчи сифатида иш олиб борганда у бошқарув меҳнатининг ишлиб чиқаришни илмий ташкил этиш бўйича эга бўлган билимларига таянади ва амалда қўллади

Бошқарув ва ишлиб чиқаришни уюштириш жараёнида рўёбга чиққан масалалар ўз вактида ҳал этилмаса, у тезда юкори табакали раҳбарларга ёки корхона раҳбарига етиб боради. Шунинг учун раҳбар цехни, участкани бошқарганда меҳнатни юкори даражали илмий асосда уюштиришга катта аҳамият беради. Чунки ўз вактида ҳал қилинмаган ҳар бир муаммолар учун у корхона раҳбарига жавоб беради.

Жамоа олдига қўйилган мақсадни бажариш учун йўналтирилган ташкилотчилик ишини раҳбар ўзининг ижодий иши, яъни мақсадга мувофиқ қарорларни танлаш билан бирга қўшиб олиб боради.

Бошқарувчи сифатида раҳбар ўз қўл остидагиларига хукукий мезонларга риоя қилган ҳолда маъмурий усулда таъсиришдан фойдаланади.

Раҳбарнинг ўзи мутахассис бўлиши, ўз ходими олдига фақат вазифаларни юклаш билан қаноатланмасдан, балки масалаларнинг қандай усулда ҳал қилиш йўлларини билиши зарур.

Раҳбар тарбиячи, устоз сифатида ўз ходимларини иродали, камтар қилиб, байналмиллак, ватанпарварлик руҳида тарбиялайди. Жамоа арбоби сифатида ўзининг ишини касаба уюшма қўмитаси ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда олиб боради, муҳим маданий-тарбиявий ва бошқа тадбирларни ишлаб чиқади, шунингдек, сайлов идораларида катнашади.

Шундай қилиб бир хил фаолият билан шуғулланадиган, маълум мансаб вазифасини бажарадиган раҳбарнинг меҳнатини оддий мутахассиснинг меҳнати билан бир хил деб ҳисоблаб бўлмайди. Чунки раҳбар бажарадиган иш серқирра ва турли-тумандир.

Раҳбарнинг меҳнатини фақат аклий меҳнат десак, у етарли бўлмайди. Раҳбар ҳар хил маъмурий-ташкилий ечимларни қидириш жараёнида муҳандис-техник ходимлар, ихтирочилар билан бирга ижодий меҳнат билан ҳам шуғулланади.

Раҳбар тарбиявий ишларни амалга оширганда унинг педагоглик фаолияти намоён бўлади.

Одатда раҳбарлар ҳар хил меҳнатни кетма-кет бажармасдан, балки параллел равишда бажарадилар. Бу раҳбарнинг ташкилотчилик, тарбиявий ва бошқа ишларни бирга олиб борганида кўриниб туради. Раҳбар меҳнатининг мазмунини аниқлаш унинг ҳар қайси турдаги фаолияти мазмунини таҳлил қилишдан келиб чиқади.

Раҳбарнинг маъмурий-ташкилий ва тарбиявий фаолияти билан боғлиқ бўлган ишни тўрт турга бўлиш мумкин:

1. Хизматчи — бу оғзаки ахборотни қабул қилиш ва узатишни билдиради.
2. Бошқарувчи — қарорларни ижрочиларга етказиши.
3. Мувофиқлаштирувчи — бошқарув объектининг таркибий қисмларини бир-бири билан узвий боғлаши.
4. Назорат — баҳоловчи — карорларнинг ижросини назорат қилиш жамоа ва унинг аъзолари ишига баҳо бериш, рағбатлантириш ва жазолаш.

Бошқарув объекти бўлган корхона (цех, участка)-ларнинг олдига қўйилган вазифаларни ўз вактида бажарилишида энг муҳим масалаларни тайёрлашда ва уларни зудлик билан ҳал этишда, зарур карорларни қабул

қилишда раҳбарнинг ижодий билими алоҳида аҳамиятга эгадир.

Бу ечимлар кўрилаётган масалаларга, саволларга кўра техник, ташкилий-иктисодий ва бошқа характерларга эга бўлиши мумкин.

Масалаларни ечиш йўлини қидириб топиш икки хил-аналитик ва конструктив жараёнлардан иборат.

Биринчиси — ахборот олиш, уни билиш, тушуниш, ўқиш, масалан, ҳужжатлар, адабиётлар ва у ёки бу объект ҳамда жараёнлар билан бевосита танишиб чиқиши.

Иккинчиси — ўтказилган таҳлилга асосан зарур қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул этиши.

Рахбар ишининг мазмуни, унинг ишлаб чиқариш жамоасини бошқаришда бажарадиган вазифаси билан аниқланади.

Рахбар бевосита ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва унга хизмат кўрсатиш, корхонани юқори сифатли хом ашё билан таъминлаш, ишлаб чиқаришни тезкор бошқариш ва уни мувофиқлаштириш, молиявий воситалар билан таъминлаш, жамоанинг ижтимоий ривожланишини бошқариш ва бошқалар билан боғлик бўлган ишларни бажарадиган иштирок этади.

Рахбарнинг фаолияти — бу раҳбарлик вазифасини амалга ошириш асосида ишлаб чиқариш ва меҳнат жамоаларига мақсадли раҳбарлик қилиш жараёнидан иборат бўлиб, давлат меҳнат жамоаларини ва ишчи шахсни ягона мақсадга эришишини таъминлашдир. Раҳбарликнинг умумий вазифалари — режалаштириш, ўюштириш, тартибга солиш, назорат ва ҳисоб-китоб қилишдир.

Режалаштириш. Бу бошқарув объектини ривожлантириш учун унинг мақсадини аниқлаш ва унга эришиш учун зарур воситаларни ҳамда режали иш ҳаракатларини тузишдир. У ўз ичига бошқарув объектларининг келажакда ривожланишини башорат қилиш ва уни замонавий-лаштириш ишларини олади.

Ўюштириш. Бу ишлаб чиқариш объекти ва бошқарув тизимини танлаш, уларни тузиш ва тизимнинг тузилиши бирликлари орасидаги нисбатини ва уларнинг ўзаро муносабатларини аниқлашдан иборат.

Тартибга солиш. Бу бошқарув объекти ишлаш жараёнида режа топшириклиридан четга чиқиш ҳолларини бартараф этиш учун тизимнинг ҳар хил бўғинлари орасидаги зарур нисбатни ушлаб туришга қаратилган.

Назорат — баҳоловчи ишлаб чиқариш жараёнининг боришини кузатиш ва унинг ривожланишининг ишлаб чиқилган режага мувофиқлигини текширишдан иборатдир.

Ҳисоб-китоб қилиш, яъни режа кўрсаткичларининг бажарилашини текшириш. Ҳисоб якуний ахборотни тўплашга ва уни таҳлил қилишга ёрдам беради. Шунингдек, у ахборот манбаидан фойдаланиб, тизимнинг келажакдаги харакат дастурини ишлаб чиқишга имкон яратади. Бу вазифаларнинг моҳияти ва улардан тўғри фойдаланиш меҳнат жамоаларига муваффакиятли раҳбарлик қилишнинг гаровидир.

Ҳар қандай бошқарув тизими корхона, цех, бўлим бирбири билан узвий боғланган обьект ва субъектдан ташкил топган бўлади. Раҳбар — якка бошчи сифатида субъектни бевосита бошқаришда ўз кўл остидагилар фаолияти учун юкори раҳбарлар олдида жавобгар шахсdir.

Раҳбарнинг тутган ўрни ва роли корхонанинг бошқарув тизимидағи вазифасининг турига боғлик бўлади. Бу белгига кўра раҳбарлик мунтазам ва функционал турларга бўлинади.

Биринчисига — усталар, катта усталар, участка бошликлари, цех бошликлари, ишлаб чиқариш раҳбарлари, корхона директорлари, бирлашмаларнинг бош директорлари киради;

иккинчисига — функционал тузилишларнинг бўлимлари ва хизматлари киради. Масалан, иқтисодий-режалаштириш бўлими, меҳнатни, иш ҳақини ташкил қилиш бўлими, бош механика, энергетика бўлими ва бошқа бўлимлар шулар жумласидандир.

Мунтазам ишлайдиган раҳбарлар вазифасига корхона ёки унинг бўлинмалари олдига кўйилган топширикларни муваффакиятли бажариш учун унинг ихтиёридаги барча ресурслар мажмуасига ҳар томонлама мувофиқлаштирилган ҳолда таъсир этиш киради. Шунинг учун мунтазам раҳбарликнинг қарорлари дастурий хусусиятга эга бўлиб, функционал раҳбарликдан фарқи шуки, улар қабул киладиган қарорлар факат мунтазам раҳбарлик розилигига асосан кучга киради.

Раҳбарнинг ишлаб чиқаришда эгаллаган жойи ва роли бошқарув даражасига боғлик. Раҳбарликнинг характери бошқарувнинг турли даражаларида ҳар хилдир.

Шундай қилиб, корхона, бирлашма миқёсида бошқарув олий даражали бошқарув бўлиб, корхона, бирлашма

режаларини ва ишларини уюштириш бўйича раҳбарликни амалга оширади.

Ишлаб чиқариш бўлимлари ва цехларини бошқариш ўртacha даражадаги бошқаришга киради. Бунда корхона директори томонидан цехга белгиланган режаларни, топширикларни бажариш бўйича тезкор раҳбарлик таъминланади.

Пастки даражадаги бошқарувга ишлаб чиқариш участкаларини бошқариш киради. Бунда ишлаб чиқариш жараёнларини бажариш бўйича бевосита ишчиларга раҳбарлик килинади. Демак, барча даражаларда маълум вазифалар ҳал қилинади. Корхона фаолиятига тааллукли истиқбол қарорлар, мухим масалалар, муаммолар олий даражадаги раҳбарликда кўрилади. Ишлаб чиқаришга тааллукли муайян муаммолар эса пастки ва ўрта даражаларда ҳал қилинади.

Раҳбар меҳнатининг мазмuni ва характеристи унинг ишлаб чиқаришда тутган ўрни ва роли билан белгиланади. Лекин у корхона, цех, участканинг бошқарув тузилиши билан узвий боғлиқ бўлади. Бундай ҳол функционал бошқарув аппарати мавжуд бўлган корхоналарнинг директорлари ва уларнинг муовинлари, ишлаб чиқариш ва цех раҳбарларига хосдир.

Бошланғич ишлаб чиқариш жамоалари раҳбари меҳнатининг мазмuni унинг тутган ўрни ва роли, шунингдек раҳбарнинг вазифаси, ҳуқуки, бурчи, масъулияти билан аниқланади.

Бошланғич жамоани бошқариш жараёнида раҳбарлар ўз лавозимларига мос қонун-қоида, низом, йўриқнома ва бошка ҳужжатлардан фойдаланадилар. Машинасозлик корхоналарида бошланғич жамоаларнинг участка ва бўлимларини уста ва катта уста бошқаради. Коидага асосан буларнинг иши, вазифаси аник, бир-биридан чегараланган бўлиши шарт. Лекин баъзи бир пайтларда ишлаб чиқаришда уста ва катта устанинг вазифалари аник чегараланмаганлиги сабабли маълум чалкашликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Масалан, катта уста, кичик устанинг ишига аралашиб, бевосита ишчиларга буйруқ бериши, бундан ишчилар таажжубланиб кимнинг топширигини бажаришни билмасдан, натижада берилган топшириклар ўз вактида бажарилмаслиги мумкин. Бу эса ишлаб чиқаришга салбий таъсир таъсатади.

Устанинг вазифаси ўз қўли остидаги ишчиларга бевосита топширик бериш ва уни вактида бажарилишини

талаб қилишдан иборат. Катта устанинг вазифаси эса ўз бўлимидаги усталарни бошқариш ва уларнинг ишини мувофиқлаштиришdir. Шунинг учун ҳар бир раҳбар ўзининг вазифасини тўлиқ, чегарадан чиқмасдан, ҳалол ва вижданан бажариши шарт. Шундагина ишлаб чиқаришда раҳбарлар кўзлаган мақсадларига эришиши мумкин.


Баъзи бир жамоа раҳбарлари факат бугунги ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилаш устида бош қотира-дилар, лекин ишлаб чиқаришнинг келажак натижалари уларни қизиқтирумайди. Раҳбарлар шуни яхши билиши зарурки, агар ишлаб чиқаришнинг келажак муаммоларига ўз вактида аҳамият берилмаса, унда ҳозирги вактда цехларда, участкаларда яхши иқтисодий кўрсаткичларга эришиш мумкин бўлмайди. Шунинг учун ишлаб чиқаришда уста, цех бошлиғи ва бошка раҳбарлар истиқболдағи муаммоларни, илғор меҳнат усусларини қидириб топишни, ихтирочилик ишларини ишлаб чиқиши ва уларни жорий қилиши, ишчилар малакасини, билим савиясини кўтаришни яхши билиши ва уни амалга ошириши керак. Щунингдек, раҳбар ходимлар ўзларининг хусусий малакасини ошириб туриши, бозор муносабатларини яхши тушуниши, иқтисодий билим даражасини кўтариши зарур. Факат шундагина ишлаб чиқариш жамоаларини самарали бошқариш ишлари яхши йўлга қўйилган деб ишонч ҳосил қилиш мумкин бўлади.

3- §. МАРКЕТИНГНИНГ БОШҚАРИШДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

Ҳозирги даврда мулкчилик шаклининг, хўжалик механизмининг ва хусусийлаштиришнинг ўзгарганлиги тўғрисида кўп гапирилмоқда. Аммо барча иқтисодий ўзгаришлар инсонлар онги орқали ҳақиқатга айланади. Бошқача қилиб айтганда, бозор иқтисоди учун янги хизматчи ходимлар, биринчи навбатда, маркетиологлар, менежерлар, дилерлар, брокерлар, маклерлар керак. Уларсиз бозор иқтисодиёти яшай олмайди.

Бошқариш таркибида маркетинг марказий ўринни эгаллаши зарур, чунки унга тўлақонли бозор хўжалигини ташкил қилишда, истеъмолчи топишда етакчи вазифа берилади.

Маркетингнинг вазифаларини ўрганишдан олдин бозор иқтисодига таъсир кўрсатувчи механизм тўғрисида тўла тушунчага эга бўлиш зарур.



12- чизма

Кузатувлар шуни кўрсатадики, халқ хўжалиги соҳала-рида ишлар марказий бошқарувсиз ва режалаширишсиз олиб борилган давлатларда товарлар савдо дўконларига ва омборларга бир меъерда келиб турари ва харидорлар уларни харид килиб турадилар. Зарур фабрика ва заводлар қурилади, меҳнаткашлар ва ишбилиармонлар ўзига тегишли даромадий ғлади.

Бозор, товарлар ва хизмат кўрсатиш мувозанати талаб ва имконият қонуни таъсири эвазига рўёбга чиқади. Бунга эса яхши йўлга кўйилган давлат назорати ҳамда маркетинг орқали эрйшилади.

Деярли иккى аср давомида дунё амалиёти талаб ва имконийтнинг самарали йўлларини, товар-пул муносабатларининг давлат миқиёсида (соликлар, ҳаёт даражаси, фоизлар ва ҳаказолар) ҳамда корхона, бирлашма, агросонаат комплекси даражасида хўжалик юритиш — ракобат шароитидаги маркетинг бошқарувини ишлаб чиқди ва бизга тақдим этди. Бу кураш истеъмолчи ва унинг талабларини тўла қўндириш мақсадида амалга оширилади.

Маркетинг дастурини ишлаб чиқиш билан корхонанинг маркетинг хизмати бўлими шуғулланади. Унинг таркиби 12- чизмада берилган.

Маркетинг фаолияти бошқарувида харидорга товар ва хизматларни мослаштириш қоидаси амал қиласи.

Фирманинг маркетинг дастурини барча хизматчиларга таништириш маркетинг хизматининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Хизматчилар, агар улар нима килиш кераклигини ва ишнинг қандай сарф-харажатлар эвазига

бажарилишини билган тақдирдагина энг юкори унумдорлик ва яхши сифат билан меҳнат қиладилар.

Маркетинг — директор ўз хизматчилари олдида катта хукуқ ва жавобгарликка эга. У факат маркетинг хизматини бошқарибгина қолмасдан, балки фирма, компания ва аграсаноат бирлашмаси — АСБнинг барча иктисодий, молиявий, ишлаб чиқариш, ижтимоий илмий изланиш фаолиятини доимий равишда назорат қилиб туради. Демак, бошқарув қарорларининг мол сотилишида амалга оширилиши бу маркетингнинг муҳим қондларидан бири ҳисобланади. Бозорнинг товарга бўлган муносабати ишлаб чиқариш ҳажмини, турини ва таркибини олдиндан аниқлаб беради.

Маркетинг — директор ва унинг идораси куйидаги вазифаларни бажаради:

- а) мақсадли бозор танлаш тавсияномаларини фирма имкониятларига боғлаб ишлаб чиқади;
- б) бозор талабларини ўрганади ва ташки шароитга боғлаб сотиладиган маҳсулот ҳажмини аниқлайди;
- в) фирма маҳсулотларини сотиб олувчи харидорлар талабини билиш мақсадида, янги маҳсулотларнинг техник тавсифини ва тўла товар рўйхатини ўрганиб чиқади;
- г) маҳсулотнинг ҳаёт даврини, у ёки бу босқичга киришини ўз вактида аниқлайди;
- д) маркетинг изланишларининг ахборот билан таъминланишини ишлаб чиқади ва такомиллаштиради;
- е) фирманинг юкори раҳбарларї қарорларидан ва бошқа хизматчиларнинг шахсий қарорларидан келиб чиқиб, маркетинг фаолиятини ўтказади ва тўғри йўлга солади;
- и) фирманинг илмий изланиш ташкилотларига янги технология ва жиҳозлар тўғрисида тавсияномалар беради;
- з) сотувнинг талабини ва рағбатлантирилишининг фаолият дастурини ишлаб чиқади;
- к) фирманинг барча фаолиятини назорат қилади, керакли ҳолларда маълум фаолиятларга ва ишлаб чиқариш жараёнига чек қўяди;
- л) нарх сиёсатининг асосий йўналишини ишлаб чиқади.

Фирма ёки қишлоқ хўжалик аграсаноат бирлашмаси иирик бўлса, уларнинг раҳбарлари бошқарув малакасига кўпроқ диккат-эътибор бериши керак. Шу билан бирга корхонанинг катта-кичклигига қарамасдан битта раҳбар қўл остида қоида бўйича ишловчиларнинг сони 8—10 ки-

шидан ортиқ бўлмаслиги керак. Қўл остидагиларнинг бундай нисбати раҳбарларнинг алоҳида назорат қилишини таъминлайди.

Агросаноат комплексида маркетингнинг хусусиятлари. Бундай бошқарув таркибини бунёд қилишдан мақсад маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни ҳам, уни истеъмол қилувчиларни ҳам қониктиришдан иборат. Бу соҳада дунё амалиётида катта тажриба тўпланган. Чунончи, АҚШ ва Канадада жорий қонуниятлар асосида давлат кооперативлардан маҳсулот сотиб олади, улар билан битим тузади. Бу битимда ишлаб чиқаришга тааллукли барча масала, сотиб олиш шартлари, маҳсулот сифати ва миқдори, кўтара нарх миқдори ва юкори сифатли маҳсулот учун тўланадиган қўшимча ҳақлар ҳақида эслатиб ўтилади. Шу билан бир вактда агар ҳар иккала томон битимни бажармаса, жарима тўлаш ҳам белгиланади.

Йирик маркетинг фирмаларида хизматчиларнинг маълум қисмини мутахассис менежерлар ташкил қиласди, бошқа қисмини эса бошқа мутахассислар (хуқуқшунослар, молия ходимлари, мухосиблар ва бошқа) ҳамда ҳужжатлар билан ишловчи, ҳисобот тайёрловчи, ЭҲМда ишловчи ёрдамчи ишчилар ташкил қиласди.

Рақобат шароитида менежерлар ёки мутахассис — маркетологларнинг берадиган маслаҳатлари, жумладан, бозор талаби, маҳсулот ҳаракати, маҳсулотнинг сотилиши, нарх-наво, масофа, ер-сув ҳақида берилган маслаҳатлар қишлоқ ҳўжалик фирмалари учун жуда зарур ҳисобланади.

Маслаҳатлар бир маротабали ёки узок даврли бўлиши мумкин. Маслаҳат берувчининг даромади у хизмат кўрсатган фирмаларнинг сонига, уларнинг катта-кичиклигига, ишлаб чиқарув ҳаражатларига ва маслаҳат бериш вактига бевосита боғлиқ. Бундай бой тажриба ҳеч қандай иккиланишсиз ўрганилиши ва бизнинг давлат ҳўжалик амалиётига жорий қилиниши керак.

4- §. МЕНЕЖЕР ВА УНИНГ БОШҚАРУВДАГИ ЎРНИ

Бошқаришни такомиллаштиришнинг мухим масалаларидан бири менежмедга оид вазифаларнинг бажарилишини таъминлай оладиган ўз ишининг устаси бўлган менежерларни тайёрлашдир. АҚШ ва бошқа ривожланган мамлакатлар социологлари, руҳиятшунослари, «инсоний муносабатлар» ва «инсон хулқ-атвори»ни ўрганувчи

мутахассислар барча турдаги бошқарувнинг ташкилий коидалари билан боғлиқ бўлган, уларга таъсир кўрсатувчи, рағбатлантирувчи кўплаб маслаҳатлар ва тавсиялар ишлаб чиқганлар.

Америка бизнес мактабларида ўкув фирма иқтисоди доимий ўзгариб турадиган вазиятда бизнес, статистика, статистик таҳлил, жараёнларни таҳлил қилиш, мухосиб ҳисоби, фирма ва ташкилотларда ходимларнинг хулк-автори, фирмани бошқариш асослари, ишбилармонлик сиёсатини ишлаб чиқиш, банк ва молиявий фаолият, бозор-савдо фаолиятини бошқариш ва ҳоказо мавзуларда дарслар олиб борилади. Ўқиши даврида менежерларга керакли бўлган хусусиятларни сингдиришга ҳаракат киласидилар. Бу хусусиятлар менежерларни ўз касбининг устасига айланишларига ёрдам беради.

Америка олими Дракернинг кўрсатишича, менежер корхоналарнинг қуйидаги вазифаларини бажаради:

1. Бор имкониятлардан фойдаланиб «ҳақиқий бир бутун» — ишлаб чиқариш бирлигини яратиши керак. У ташкилотдаги барча бўш жойларни бартараф қилиши, корхона, унинг юкори даражада ривожланишини таъминлаши ва унинг заиф томонларини аниқлаши, бартараф қилиши зарур.

2. Менежерлар ҳар бир қарор ва фаолиятда ҳозирги давр талабини ҳисобга олган ҳолда корхона келажагини кўзда тутиши ва бошқаришга тегишли бўлмаган ишларни ҳам бажариши керак.

3. Менежер рағбатлантирувчи механизм ва алоқани яратади. Ундан ташқари, унинг ихтиёрида бўлган мукофотлаш, юкори лавозимларга кўтариш каби усуллардан фойдаланиб, ҳар хил ишларга жавоб берадиган шахслардан иборат жамоани яратади.

4. Менежер ташкилот фаолиятини таҳлил қиласиди, унинг меъёрларини белгилайди, корхонада ишлайдиган ҳар бир ходимнинг ишига баҳо беради.

5. Менежер ходимларнинг ўз вазифаларини сифатли бажарилишига караб уларнинг лавозимлари ўсишига ёки пасайишига таъсир кўрсатади.

Менежер меҳнаткашларни ишни бажаришга даъват қиласиди ва йўналтиради. Унинг бирдан-бир куроли ёзма ёки оғзаки айтилган сўз ёки ракамлар тилидир. Менежернинг иши техника, ҳисоблаш ишларини ёки маҳсулотларини сотиш билан боғлиқми, йўқми, ундан қатъи назар ишнинг

самараси унинг эшитиш, ўқиши, сўзлаш ёки ёзиш қобилиятига боғлиқ.

Ишлаб чиқариш ривожланиб борган сари менежер корхонанинг иш қобилиятини таъминловчи муҳим шахсга айланади, у катта фойда олишни кўзлаган хусусий мулк эгаси бўлмасада, бугунги кунда иқтисоднинг ишлашини таъминлайди.

Яна шуниси диққатга лойиқки, Америка бизнес мактаблари хорижий мамлакатларда фаолият кўрсата туриб, Америка корпорацияларининг чет элдаги филиаллари га ходимлар масаласини ҳал қилишда, уни керакли малакага эга бўлган раҳбарлар билан таъминлашда яқиндан ёрдам берадилар.

5- 5. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ БОШҚАРИШДАГИ АҚШ ДАВЛАТИДА ОРТТИРИЛГАН ТАЖРИБАЛАР

Бошқаришни такомиллаштиришнинг муҳим масалаларидан бири менежментга оид вазифаларнинг бажарилишини таъминлай оладиган, ўз ишининг устаси бўлган менежерларни тайёрлашдир.

Менежер — ўз қўл остидаги ходимларнинг аник меҳнат фаолиятини ташкил қилувчи ва шу билан бирга маълум ҳажмдаги бошқарув вазифасини бажарувчи шахсадир. «Менежмент» деганда маълум корхона ёки фирма бошқарувига ёки уларга раҳбарлик қилиш тушунилади.

Менежер самарали режаларни ишлаб чиқиб, бошқарув боскичларидағи барча иш тартибини тузиб чиқади ва назорат қилиб боради. Менежерликнинг асосий максади, изланиш, доимий ўқиб ўрганиш ва ишни мавжуд барча ишлаб чиқариш қувватларидан тўла самара олишини таъминлайдиган қилиб ташкил этишдан иборат. Менежер ҳар доим одамлар билан мулокотда бўлиб, уларнинг ишини ташкил қиласди. Бинобарин, менежер психологик, ижтимоий ва бошқа зарур билимларга эга бўлиши керак. Унинг билим доираси қанчалик кенг бўлса, унинг ходимлар билан бўладиган муносабати шунчалик яхши бўлади.

Хар бир корхонанинг юкори самарадорлиги унинг бўлим ва цехларининг ҳамкорликда ишлашига, ходимларни тўғри танлаш ва жой-жойига кўйишга бевосита боғлиқ. Бунга эришиш учун эса менежер шу соҳа назариясини пухта эгаллаши зарур. Шу ўринда ривожланган мамлакатларда орттирилган тажрибалар билан танишайлик. Чунончи, 1961 йилда АҚШ да асос

солинган Массачусетс технологик институтида бу масала кандай ечилаётгани билан қизиқайлик. Ўнинг таркибида олтига «мактаб» (бизлардаги факультетга ўхшаш) мавжуд:

1) Мухандислик («машинасозлик», «электротехника», «кимё» технологияси, «электроника» ва ҳоказолар);

2) Умумий («математика», «назарий физика», «кимё», «биология», «астрономия» ва ҳоказо);

3) Бошқарув, мусаввирик ва шаҳарларни режалаштириш, гуманитар ва жамиятшунослик фанлари (тарих, иқтисод, адабиёт, мусиқашунослик ва бошқалар): тиббиёт (асосан, психиатрия). Кўриб турибмизки, бу институт эмас, балки дорилфунунга яқинроқдир.

Бошқарув «мактаби» (факультети) талабалари кўйидаги фанларни ўқиб ўрганидилар:

- 1) микроиктисод асослари;
- 2) макроиктисод асослари;
- 3) бошқарув психологияси;
- 4) молия-ҳисоб назариясига кириш;
- 5) мунтазам алгебра;
- 6) бошқарув билимига кириш;
- 7) эҳтимоллар тизимини таҳлил қилиш;
- 8) статистика назарияси.

Шу билан бир қаторда талаба мажбурий равишда кўйидаги бешта фандан иккитасини ўзи танлаб ўқиб ўрганиши шарт:

- 1) технологик юнгиликларга кириш;
- 2) молия бошқаруви;
- 3) ходимлар бошқаруви;
- 4) жараёнлар бошқаруви;
- 5) маркетинг бошқаруви.

Шундай қилиб, мазкур институт талабаси бакалавр дипломига эга бўлиши учун 4 йил ўқиб, ана шу муддат мобайнида хаммаси бўлиб 27 фанни, яъни 13 та умумилмий, 14 та бевосита бошқарув билан боғлиқ маҳсус фанларни ўқиб ўрганиши керак.

Юкорида кўрсатилган ўқитиш жараёни 13-чизмада тасвирланган. Олий билимгоҳга кирган талаба дарров ўзи учун ихтисослик танламайди. Бу биринчи ўқув йилининг охирида бажарилади. Чунки бир йил ўқиш даврида талаба ўзидаги қизиқишни яхшилаб текшириб, маслаҳатлашиб аниқ бир соҳа бўйича ўқишга карор қиласди.

Агар талаба ўқишнинг биринчи босқичи даврида ўқишнинг иккинчи босқичига, яъни магистрликка қизиқиш

**№1 умумилмий
фанлар**

№2 иқтисод

№4 техника ва технология

№6 менежемент

№3 психология

№5 маркетинг

13- чизма

сезса (танаффуссиз) — унда у биринчи босқични тамомлашынинг охирги йилида ариза топшириши мумкин бўлади.

Ўқиши даврида ўзлари учун «бошқарув» соҳасини танлаган қуи ва юкори курс талабалари, барча аспирантлар ўзаро яқин муносабатда бўладилар, бу эса уларнинг билимларини яхши ўзлаштиришлари учун шартшароит яратади.

Менежментлик бўйича иккинчи босқич талабаларини (магистрларни) тайёрлаш дастури қуйидаги тартибда олиб борилади:

- 1) ишбилармонлар тайёрлаш мактаби бўйича умумий маълумотлар;
- 2) ишбилармонлар тайёрлаш мактабида магистрлар тайёрлаш дастури;
- 3) ишлаб чиқариш илғорлари учун дастур;
- 4) магистрлик дастурини бажариш даврида «Фаолият доираси» (ишлар тартиби);
- 5) магистрлик дипломини олгандан кейин ишга жойлашиш имкониятлари;
- 6) ишбилармонлар тайёрлаш мактабининг жойлашган ери, унинг атроф табиати, дам олиш ва бўш вактни ўтказиш учун шароитларнинг мавжудлиги;
- 7) қабул қилиш мезони, ўқиши учун тўлаш имкониятлари ва бошка харажатлар.

Магистрлар дастури бўйича тайёрловга бакалавр даражасига эга бўлган, камида бир йил математика таҳлили бўйича (дифференциал ва интеграл хисоблар) билим олган ва иқтисодни мукаммал билувчи шахслар қабул қилинади.

Магистрлар тайёрлаш дастури икки йилга мўлжалланган бўлади. Биринчи йил талабалар асосан бошқарув бўйича фанларни ўзлаштириш билан банд бўлсалар, иккинчи йили эса улар ўқитувчилар кўл остида магистрлик тезисларини ўқиш билан банд бўладилар. Тезислар бирор компаниялар билан келишилган ҳолда аниқ материал (муаммо) тўғрисида бўлади ва талаба (ўқитувчиси билан) маълум муаммо устида иш олиб боради.

Менежерлар меҳнат фаолиятида бевосита одамлар билан муносабатда бўладилар. Улар билан мазмунли сұхбат ўтказиш, йиғилиш ва мажлислар ўтказиш, иш юзасидан олиб бориладиган сұхбатлар даврида камгап бўлиш, ортиқча, кераксиз сўзлар ишлатмаслик ҳам юкори малака ҳисобланади.

Бу каби ишларда хорижий мутахассисларнинг қўлёзма ва тавсияларидан маҳаллий шароитга мослаштириб, оқилона фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Ишбилармөнлик фаолиятида ҳар бир давлат мутахассисларнинг бир-бирига ўхшамаган услублари мавжуд. Масалан, АҚШ, Олмония ва Япония услублари бир-биридан катта фарқ килади.

Уларни ўқиб, ўрганиб ва шулар асосида ўз шахсий услубини яратиш лозим. Менежментлик ҳисобини эгаллаш учун жуда кўп ўқиб, ўрганиш зарур. Факат шундагина эгалланган билимлар ҳақиқий бойлик ва самара келтиради. Кўпгина ҳолларда менежментлик билимининг етишмаслиги корхонанинг кам самара билан ишлаши ёки ўз фаолиятини тўхтатишига сабаб бўлади. Умумий менежментлик билимлари таркибига қўйидагиларни киритиш мумкин.

1. Афзаллик зарурати. Ҳар бир ишбилармон ўзининг бирор афзаллиги билан бошқалардан фарқ қилади. Улар қўйидагича бўлади:

а) корхонанинг (фирманинг, магазиннинг, меҳмонхонанинг ва ҳоказоларнинг) ўрнашган жойи; б) маҳсус билимларга эга бўлиш (танланган соҳада, масалан, автомашинани яхши билган шахс сервис хизматини очиши, яхши ошпаз ошхона очиши кабилар); в) кўпчиликка танишлиги, машҳурлиги; г) шахсий сифат. Ўз касбини ишлатиш даврида одамлар билан илик муносабатда бўлиш, зарурат туғилганда улардан яхшиликни аямаслик. Шу ўринда бир мисол келтирайлик. АҚШда Чикаго шаҳарларининг савдо ходими Маршал Филд ўз универмаги пешонасига «Мулойимлик колледжи» деган ёзувни осиб қўйди ва ўз савдо ходимларини мулойим муносабатга

ўргатди ҳамда биринчилар қаторида харидорларга мулой-имлик хизмати билимини ишлатиб, шаҳарда йирик бизнесменлар қаторидан жой олди.

2. Бизнес доираси мавжуд сармоя миқдорига тӯғри келиши керак. Бизнес ишлари мавжуд сармоя ўлчамида олиб борилиши лозим, акс ҳолда корхона молиявий кийинчиликларга, инкиrozга учраши ёки синиши мумкин.

3. Замонавий дастгоҳларга эга бўлиш. Бу эса юкори меҳнат унумдорлигини ва маҳсулот сифатини таъминлайди.

4. Қадрларни тӯғри танлаш. Иложи борича ёш, бакувват ишчиларни танлаш зарур.

Ишбилармон раҳбарлар ишловчиларни қабул килишда уларни икки гуруҳга бўладилар:

а) корхонадан ташкари, яъни бошқа корхоналар билан муносабатда бўлувчилар;

б) корхона миқёсида хизмат килувчилар.

Биринчи гуруҳ ишловчиларини танлашга катта аҳамият бериш керак, чунки улар корхонанинг обрўини оширишлари ёки пасайтиришлари мумкин. Булар таркибига алоқачилар, хизмат бажарувчилар, мол ташувчилар, югурдаклар ва ҳоказолар киради. Уларнинг ўзларини тутишлари ва ҳаракатлари корхонанинг обрў-эътиборини оширишга хизмат қиласи.

5. Яхши обрў орттириш. Корхона юкори натижаларга эришиши учун қуйидаги кишилар орасида муносабат бўлиши зарур: меҳнаткашлар, харидорлар, банкирлар ва ўз улушларини кутувчилар. Агар улар орасида яхши муносабат ўрнатилган бўлса, ўша корхона яхши номга сазовор бўлиб катта фойдага эга бўлади.

6. Ўз корхонаси маҳсулотини сотишни яхшилаш. Бу масалада бизнес ғёё ҳаракатланувчи восита (арава) ўрнида бўлади. Уни ҳамма вакт олдинга итариб юргизиш керак. Маҳсулотни муваффакиятли сотиш — бу савдони яхшилаш, такомиллаштиришдан иборат.

7. Вактни яхши ташкил қилиш. Инсон ҳаётида вакт бебаҳодир. Инсон ишининг яхшиланиши у вактни сеза бошлаганидан, ўз вактини самарали ишлата бошлаганидан бошланади.

8. Бизнеснинг самарали ишлатилиш усулларини кадрлаш. Самарали иш усуллари — бу ишлаб чиқариш усулларини такомиллаштиришдан иборат бўлиб, мактаб ва олий билимгоҳларда ўргатилмайди. Самарадорлик — бу имкони борича юкори фоизли натижадир.

9. Махсус билимларни эгаллаш. Ҳар қандай саноат тармоғининг ҳақиқий ҳаёт мактабини ҳеч ким шу соҳада ишлаган одамчалик тўла тушуна олмайди.

10. Бошқарувни мәрказлаштиришдан воз кечиш.

Бошқарувчи ўзининг вазифаларини қўл остидаги ходимларга тўғри тақсимлаши самарали бошқарувга олиб келади. Бу ўз навбатида, юқори натижаларга эришишга имкон яратади.

11. Асосий дикқат соф даромад олишга қаратилиши керак. Соф даромад — корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқиб, уни сотишдан келган даромаддан маҳсулотни ишлаб чиқишига кетган харажатларни олиб ташлаганда қоладиган қисмидир.

Соф даромад ортиқча харажатларни камайтириш эвазига келади.

12. Тўхтовсиз олдинга интилиш.

Олдинга интилувчи корхона факат изланиши керак. Изланиш факат олинаётган фойдани кўпайтириш учун эмас, балки унинг муҳандислари фаоллигини саклаш учун ҳам зарурдир.

Ууман қараганда, менежерлар бажарадиган иш ва вазифаларнинг тури кўп бўлиб, уларни тўла ёритишнинг иложи йўқ. Бунинг учун алоҳида қўлланма ёзиш керак. Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, ишлаб чиқариш ривожланиб боргани сари менежер корхонанинг ишлаш қобилиятини таъминловчи муҳим шахсга айланади. У катта фойда олишни кўзлаган хусусий мулк эгаси бўлмасдан, бугунги кунда иқтисоднинг ишлшини, унинг самара келтиришини таъминлайди.

6- §. РАҲБАРНИНГ БОШҚАРУВ УСЛУБИ

Халқ хўжалигидаги барча корхоналарнинг иш тажрибаси шуни кўрсатадики, улар бирдек моддий ва меҳнат ресурсларига эга бўлган тақдирда ҳам, улар ишининг муваффақиятлари раҳбарнинг бошқарув услугига боғлик бўлади.

Бундан ташкири ишнинг мақсадга мувофиқ уюштирилганлиги, ижрочиларнинг меҳнатга ижодий ёндошиши корхонада бошқарувнинг ижодий услуги мавжудлигини кўрсатади. Бундай корхоналарда ресурслар бир мунча етарли бўлмаган ҳолларда ҳам юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришилади. Аксинча, меҳнатни илмий ташкил этишга совукконлик билан қаралган, бошқарувга қуруқ,

сийка услубда ёндошилган, ижрочиларнинг ишга ижодий ёндошишига имкон яратилмаган корхоналарда, раҳбарнинг ихтиёрида замонавий техника ва етарли ресурслар бўлишига қарамай, ишлаб чиқариш натижалари мақсадга мувофик бўлмайди.

Бошқарув услуби — бу бошқарув жараёнида келиб чиқадиган муаммоларни ҳал қилиш усуллари, йўллари мажмуасидир.

Раҳбарнинг иш услуби унинг жамоадаги, турмушдаги шахсий ўрни, хулқ-атвори, маълум даражада жамоадаги психологик шароитга таъсир кўрсатади.

Ҳозирги замон ишлаб чиқариши раҳбарнинг ишчанлик сифати юкори бўлишини, чукур, ҳар томонлама билимга эга бўлишини талаб қиласди. Раҳбар бошқариш объектини, ундаги техникани, технологияни ишлаб чиқариши ва унинг иктиносидини, бошқарув аппарати меҳнатининг мазмунини ва тавсифини яхши билиши керак. Бунда раҳбарнинг шахсий иш услуби муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Раҳбарнинг шахсий иш услуби — бошқарув жараёнида у ёки бу масалаларни ҳал қилишда унинг ёндашишини ифодалайди. Иш услуби одамнинг шахсий хислати, унинг характеристи билан боғлик бўлади. Бошқаришнинг моҳияти жамоа олдига қўйилган вазифаларни ҳал қилиш қобилиятiga эга бўлган аҳил уюшқоқ жамоани яратишидир. Жамоанинг ҳар бир аъзоси ўз фикрининг инобатга олинишини ва ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятининг муҳим вазифаларини ҳал қилишда фаол иштирок этишини хис қила билиши керак. Шунингдек, муҳим қарорларни қабул қилишда жамоа ва унинг аъзоларининг фикрини инобатга олиш камчиликларни бартараф этишга имкон беради. Жамоани машварат (кенгаш) асосида бошқаришнинг бошка томони қабул қилинган қарорларни амалга оширишда ходимларнинг фаоллигини оширишдан иборатдир.

Машварат ишнинг ҳолати ва унинг келажаги тўғрисида жамоани тўлиқ хабардор қиласди. Машварат раҳбарнинг обрў-эътиборини кўтаришга ва якка бошчиликни мустаҳкамлашга имкон яратади. Бу эса раҳбар ходимлар фаолиятини корхона кенгashi, касаба уюшмаси ва бошка жамоа ташкилотларига таяниб олиб боришни тақозо этади.

Хўжалик раҳбарларининг иш услуби хусусиятларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

Хўжалик ишларидаги камчиликларга муросасиз бўлиш. Бунда асосий мақсад жамоада соғлом шароит яратиш, танқид ва ўз-ўзини танқид килишни ривожлантириш, ҳар бир шикоят ва таклифларга эътибор билан қараб, тезда зарур чораларни кўриш. Бу масалада раҳбарни қоғозбозликка, расмиятчиликка ёки ишнинг фойдасиз тортишув, баҳслашишга айлантирилишига қарши кураши алоҳида аҳамиятга эга.

Жамоа ва унинг ҳар қайси ходими тўғрисида ғамхўрлик қилиш. Раҳбар ўзининг бўлимида факат бошлиқ бўлибгина қолмай, у кишиларнинг тарбиячиси ҳамдир. Шунинг учун раҳбарлар хўжалик ва тарбиявий ишларни бир-бири билан узвий боғлаган ҳолда олиб боришлари зарур. Раҳбар ходимлар қабул қилинадиган техникиктисидий ва маъмурий қарорларнинг жамоа тарбиясига қандай таъсир кўрсатишини доим инобатга олишлари зарур. Шу боисдан раҳбарнинг биринчи вазифаси жамоада ўзаро ҳурмат, дўстона муносабат мухитини яратишдан иборат. Ана шундагина ҳар қайси ишчи раҳбар билан маслаҳатлашиш ёки ундан ёрдам сўраш учун ўзини эркин сезиб, унинг қабулига бемалол кириб чиқиши мумкин. Кишиларнинг юқори меҳнат унумдорлигига эришиши учун уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, иш жойларида тозаликни саклаш ва техника хавфсизлигини таъминлаш каби яхши шароитларни яратиб бериш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш лозим.

Юқори маданиятли бошқарув. Раҳбарларнинг ўз қўл остидаги ходимлари билан муносабатда бўлганларида унинг ахлок-одоб ва ҳуқук нормаларига риоя қилиши юқори маданиятли бошқарувни юзага чиқаради. Раҳбар ўзининг камтарлиги, хушмуомалалиги, ростгўйлиги, ўзининг ва бошқаларнинг вактини тежай билиши, кишиларнинг мансаби ва амалидан қатъи назар, уларга ҳурмат билан муносабатда бўлиши билан ажралиб туриши керак. Раҳбар кишиларнинг камтар, ишчан ва бир-бирига хушмуомалали, муруватли бўлишларини таъминлаши учун унинг ўзи ибрат бўлиши зарур. Шундагина жамоада бошқарувнинг моҳияти юксалиши мумкин. Юқори маданиятли бошқарув ишнинг аниқлиги, тезкорлиги, шунингдек меҳнатни, ишлаб чиқаришни ва бошқарувни илмий ташкил этишда ўз ифодасими топади. Буларнинг барчаси биргаликда раҳбарнинг ишчанлигини белгилайди.

Раҳбарнинг янгиликни ҳис этиши. Янгиликни ҳис эта билиш бу келажакда ривожланишни кўра билиш, вужудга

келган масалаларни тўғри ҳал килиш йўлларини топа билиш демакдир. Ҳозирги жамоа ҳаётида, ишлаб чиқаришида тез ва чуқур ўзгаришлар бўлиб турган бир пайтда раҳбарнинг бу фазилати муҳим аҳамиятга эгадир. Янгиликни ҳис этиш янги усулдаги иктиносий фикрланишни вужудга келтириб, хўжалик тизими самарадорлигини қўтаришнинг янги йўлларини ва шаклларини қидириб топишга имкон беради.

1. Раҳбарнинг обрўси

Раҳбар фаолиятида унинг обрў-эътибори муҳим рол ўйнайди. Раҳбарнинг обрўси объектив ва субъектив омиллар билан белгиланади. Қуйидагилар объектив омилларга киради:

давлат вакили сифатида раҳбарга хўжалик ва ишлаб чиқариш масалаларини ҳал қилиш жараёнида фойдаланиши учун берилган ваколат.

Яккабошчилик усулида масалаларни ҳал қилишда раҳбар қўлланадиган жамоа низоми ва қонун-қоидаси.

Субъектив омиллар раҳбарнинг обрў-эътиборини белгилаиди. Бунга раҳбарнинг давлат сиёсатини тўғри тушуниши ва ҳётга тадбик этиши, берилган топширикларни яхши тушуниши, инсонпарварлиги, ташабускорлиги, событқадамлиги, ўз фикрида қаттиқ туриши ва бошқалар киради. Булар раҳбар обрў қозонишининг омилидир.

Объектив омиллар обрў-эътиборни қўлга киритиш учун зарур шарт-шароит яратса, субъектив омиллар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Агар раҳбар ўз ходимларининг олдида ишончга эга бўлишни истаса, у тўғри, ростгўй ва ҳар доим бағри кенг ҳушмуомалали, одобли инсон бўлиши зарур. Шунингдек, раҳбар ўз фаолиятини танқидий баҳолаши ва муаммоларини тўғри ҳал килиш қобилиятига ҳам эга бўлиши керак.

Баъзи бир раҳбарлар қарорларни тезда ва ўйламасдан қабул қилиши натижасида кўп хатоликларга йўл қўядилар, чунончи, ходимларига нотўғри жазо бериш ҳоллари учраб туради. Буларни синчилаб текшириб кўрилганда айrim ходимларнинг айбдор эмаслиги аникланади. Бундай ҳолларда раҳбар ўзининг айбини тобеларининг олдида очик бўйнига олиши лозим. Бундан раҳбарнинг обрў-эътибори пасаймайди, балки қўтарилади. Раҳбар ўз ишида иложи борича бундай хатоликларга йўл қўймасликка

интилиши зарур. Акс ҳолда раҳбар жамоада ўз обрў-эътиборини саклай олмайди.

Раҳбарнинг аппаратдаги расмий мавқеи билан унинг реал ролини бир-биридан фарқ қилмоқ зарур. Раҳбарнинг реал роли унинг обрў-эътибори билан бевосита боғлиқдир. Обрў-эътибор — жамоада раҳбар қозонган ишончдир. Расмий обрў-эътибор эса лавозим билан белгилаб кўйилган бўлади. Реал обрў-эътиборни раҳбарнинг амалдаги нуфуз ва роли белгилайди.

7- §. БОШҚАРУВ МЕҲНАТИ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Бошқарув меҳнатининг предмети ахборот бўлиб, у бошқарув қарорларини қабул қиласди ва уларни ижрочиларга етказади. Керакли қарорларни ишлаб чиқиш жараёни бошқарув меҳнатининг муҳим қисми ҳисобланади. Бошқарув меҳнати технологияси ишни қай тарзда бажариш усулларини ва ахборот билан ишлаш тартиби мажмуасини белгилайди. Бу тизим ҳал килинадиган бирор мақсадни кўйишдан то қарорлар ижросини ҳисоб-китоб ва назорат қилишгача бўлган барча ташкилий ишларнинг бажарилишини ўз ичига олади.

Ҳар қайси раҳбар, мутахассис ва кичик хизматчи ходимлар учун ахборот билан ишлаш технологияси турлича бўлади.

Ҳар хил цех, бўлим ва хизматларнинг раҳбарлари зарур қарорларнинг лойиҳаларини тайёрлаш жараёнида юкори даражали ахборот турлари билан ишлаш ва уларни тартибга солиши билан шуғулланади. Бунда улар маслаҳат, кенгаш, мувофиқлаштириш масалаларини бир-бири билан боғлаш усулларидан фойдаланишади.

Мунтазам раҳбарлар меҳнати технологияси шу билан тавсифланадики, улар ўзларининг меҳнати билан барча ахборотлар билан ишлаш жараёнини якунлайди ва таклиф этилган лойиҳага асосан узил-кесил қарорларни қабул қиласди.

Ахборотларнинг тўлиқлиги масалаларни самарали ҳал қилишга катта таъсир кўрсатади. Бунда раҳбарнинг ишчанлик ва ахлоқий-руҳий, сиёсий сифатлари катта аҳамиятга эга бўлади. Бошқача қилиб айтганда, раҳбарнинг санъати, яъни маҳорати муҳим рол ўйнайди. Раҳбарнинг санъати шундан иборатки, у энг кам ахборотга эга бўлган ҳолда ҳам, мақсадга мувофиқ қарорларни қабул қила билиши лозим. Бошқарув жараёни ишлаб

чиқариш жараёни каби тўхтовсиздир. Уни уч босқичга бўлиш мумкин: а) қарорларни қабул қилиш; б) қарорлар ижросига раҳбарлик қилиш; в) қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш. Шундай қилиб, раҳбар биргина масалани ҳал қилмасдан, балки бир нечта масалани ҳал қилади. Бу билан у бир йўла бошқарув босқичлари жараёнларини бажаради. Чунончи, у бир масала бўйича қарор тайёрласа, уни фақат олдинги даврда қабул қилинган бошқа қарорларнинг қай тарзда бажарилаётганини назорат қилгандан сўнг қабул қилиши мумкин ва ҳоказо.

1. Бошқарув қарорлари

Қарор — бу барча бошқарув вазифалари асосининг пойдеворидир. Бошқача қилиб айтганда, қарор — бу режа, топширик, буйруқ, раҳбарлар томонидан белгилана-диган бошқарув маҳсулни ҳисобланади.

Қарор барча табакадаги раҳбарлар, бригадирлар, усталардан тортиб цех бошликлари, директорлари томонидан қабул қилиниши мумкин.

Қарорларни такомиллаштириш бошқарув ташкилотлари барча бўғинларининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Қарорни қабул қилишда уни ишлаб чиқиш учун қанча вакт талаб қилиниши доим ҳисобга олинади. Одатда узоқ муддатга мўлжалланган қарорлар якин муддатда бажариладиган қарорларга нисбатан ўйлаб кўриш учун кўп вактни талаб қилади. Кўпинча қарор бирдан қабул қилинади. Бундай ҳолларда олдиндан зарур бўлган низом, конун-коида, йўриқнома ва ҳоказолар ишлаб чиқилади.

Бошқарув қарорлари маълум хусусиятларга эга бўлиши зарур. Бунга қуйидагилар киради:

1. Қарорларнинг илмий асосланганлиги.

Бошқарув қарорлари муайян ишлаб чиқариш шароитини таҳлил қилишдан келиб чиқиб, иктисадий, ижтимоий ва бошқа ҳозирги замон фан ютуклари асосида қабул қилиниши керак. Қўйилган мақсадга ўз вактида эришиш учун қарорларнинг бир нечта асосланган вариантларини бир-бири билан тақкослаб, аниқ ахборотлар негизида битта қарор ишлаб чиқилади. Қарорлар фан-техника тараққиёти ва бозор муносабатлари талабига мос равишда қабул қилиниши керак.

2. Қарорларнинг бирлиги. Одатда асосий масалаларни ҳал қилиш билан бирга кичик масалаларни ҳам ечишга

тўғри келади. У қарор қабул қилинаётгани асосий масалага бўйсуниши керак. Барча низомлар, қарорлар бир-бири билан боғланади. Шунингдек, улар олдиндан қабул қилинган ва амалдаги қарорлар билан мувофиқлаштирилади.

3. *Қарорларнинг адолатлилиги — ҳаққонийлиги.* Қарорлар факат раҳбарга берилган ҳукуқ доирасидагина қабул қилиниши мумкин. Қарорлар, уни ишлаб чиқиши ҳар бир корхоналарнинг раҳбарлари томонидан тайёрланади.

Раҳбар ўзига хос бўлган қарорларни қабул қилишни бошқарув тизимининг юқори ёки пастки лавозимида турвчи шахслар зиммасига юклаши мумкин эмас. Шунингдек, у ўз қўл остидагиларни олдинги ўрнатилган тартибга асосан ишлаб чиқаришда кундалик ва тақрорий масалаларни доимий равишда ечишда уларнинг ишига, бажара-диган вазифасига аралашиби керак эмас. Акс ҳолда раҳбар бошқа раҳбарларнинг ишини ўз зиммасига олган бўлади.

4. *Қарорларнинг тўғри йўналтирилганлиги.*

Ҳар қайси қарор ўз ижрочиларига тушунарли ва кимга мўлжаллангани аниқ бўлиши керак. Масалан, смена устаси Аҳмедов у ёки бу ишларни бажариши керак.

5. *Қарорларнинг қисқалиги.* Ахборотлар билан ишлаш вақтини тежаш мақсадида қисқа муддатли қарорлар қабул қилинади.

6. *Қарорларнинг вақт бўйича аниқлиги.* Раҳбар ўз қўл остидагиларига топширикнинг бажариш муддатини аниқ кўрсатмасдан бериши мумкин эмас. Акс ҳолда у топширикнинг бажарилишини объектив равишда назорат қилиш имкониятига эга бўлмайди.

7. *Қарорларнинг оперативлиги.* Бундай қарорлар бир дақиқада, яъни ишлаб чиқариш ҳолати талаб қилганда қабул қилиниши мумкин. Шундагана чиқарилган қарорлар кўзланган мақсадга эришишга ёрдам беради.

Қарорларни шошилинч ёки кечикган ҳолда ишлаб чиқиши заарлидир. Қарорлар ишлаб чиқариш ҳолати ўзгаришини ўзида акс эттириши керак.

2. Қарорларни қабул қилиш

Аввало қабул қилинган қарорлар давлат ва корхона жамоаси манфаатларини кўзда тутиши зарур. Зоро, жамоа ва унинг аъзоларига фойдали бўлган нарса, жамиятга ҳам фойдали бўлади. Ҳар қандай қарор алоҳида ишлаб чиқариш бўғинлари, режага асосланган ишлаб чиқариш

нисбати, моддий ва маънавий рағбатлантириш ва уни бажариш фаолияти бирлиги билан таъминланиши керак.

Раҳбар ва мутахассисларнинг ишлаб чиқариш бўлимлари олдига кўйилган мақсадни аниқ билиши улар томонидан қабул қилинадиган қарорнинг фойдали бўлиши заминидир. Қарорларни қабул қилиш жараёни қуидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. Вазифани ойдинлаштириш. Айтайлик цехга янги буюмни ишлаб чиқариш вазифаси қўйилган. Бунда цех бошлиғининг қарори янги буюмни ишлаб чиқариш ҳажми, унинг моҳияти, сон ва сифат кўрсаткичлари, шунингдек, пировард натижаларини ойдинлаштириш билан боғлиқ бўлади. Шу қарорни ишлаб чиқишида цех бошлиғининг муовини ва мутахассислар буюмни ишлаб чиқариш билан боғлиқ масалалар билан танишиб чиқади, сўнгра уни ишлаб чиқиш вактини, тайёрлаш жараёнида ким қандай вазифаларни бажаришини, кимнинг қачон нима тўғрисида бошқаларга маълумот бериши, қаердан зарур ахборотларни олишлари аниқланади. Булар асосида янги буюмни ишлаб чиқариш технологиясини жорий этиш режаси тузилади.

2. Вазифаларнинг ҳар хил вариантларини муҳокама қилиш, уларнинг кучли ва заиф томонларини аниқлаш. Бу масалани ҳал қилишда тақлиф қилинган вариантларни иктисодий таҳлил қилиш мухим аҳамиятга эга. Берилган вариантларни ечишда математик, график, мантикий ва бошқа моделлар қўлланилади. Танлаб олинган вариантнинг мақсадга мувофиқлиги ва афзаллиги техник, иктисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошқа таърифлар бўйича умумий тарзда баҳоланаади. Мақсадга мувофик қарорни ишлаб чиқиш ўз ишини биладиган кишиларнинг, айниқса бўлғуси ижрочиларнинг фикрини тўлиқ инобатга олганлигига боғлиқ бўлади.

3. Қарорларни танлаш ва уларни узил-кесил қабул қилиш. Бу раҳбарлар томонидан амалга оширилади. Қарорлар цех бошлиғи, уста томонидан яккабошчилик асосида ошкора усулда қабул қилинishi мумкин. Одатда, яккабошчилик кўпчилик фикри билан қўшиб олиб борилади. Шу билан бирга ишлаб чиқаришда ҳар хил кенгаш, маслаҳатлар бўлиб туради. Мехнат жамоаси кенгаши, касаба бирлашмалари, ёшлар уюшмаси ва бошқа жамоа ташкилотлари қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда ўзларининг ҳиссаларини қўшадилар.

Таклиф этилган масалаларни таҳлил ва уларни биргаликда мухокама қилиб чиққандан сўнг, цех бошлиғи — буйруқ, режаларни тасдиқлаб бошқа қарорларни узил-кесил қабул қиласи.

3. Қарорларнинг ижросига раҳбарлик қилиш

Бошқарув қарорларини бажариш корхоналарнинг режаларини ва унинг асосида тузилган цех, участка, бригада, смена ва бошқа ишлаб чиқариш топширикларини бажаришдир. Корхона режаларини бошқаришга раҳбарлик қилиш цех, участка бошқарув аппаратини муайян масалалар бўйича ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришдан иборат бўлади. Бунда ҳар қайси бўлинмалар ўзларининг вазифаларини бажариш билан банд бўлади.

Демак, ягона бошқарув тизими ҳаракатга келтирилиб, барча бошқарув бўлинмалари бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатиб, давлат режасининг бажарилишини таъминлайди.

Режаларни бошқаришда кўп масалалар зудлик билан ҳал қилинади. Бундай масалалар раҳбар иштироқисиз ечилса, унда бошқарув тизими мақсадга мувофиқ яратилган бўлади. Бунинг учун ҳар қайси ходимнинг иш жойи, шунингдек, бошқарув жараёнида уларнинг роли, вазифаси, жавобгарлиги аниқ белгиланган бўлиши керак. Шундагина раҳбарларга ўз ишини бошка раҳбар ходимлар аралашмаган ҳолда мустакил равишда ечишга имкон яратилган бўлади.

Раҳбарнинг асосий вазифаси бошқарув тизимини мақсадга мувофиқ уюштиришдан, унга ишлаб чиқаришнинг асосий муаммолари билан шуғулланишга имкон яратилишидан иборат. Бундай тизим қуидагича уюштирилади:

Ҳар қайси бошқарув бўлинмаларига асосий масалалар бириткирилади. Бу масалалар илмий асосланган, аниқ ифодаланган бўлиб, бўлинманинг низом-коидасига ёзиб қўйилади.

Янги бошқарув бўлинмалари тузилган тақдирда улар учун зарур қонун асослари ишлаб чиқилади. Бу хужжатда муайян бўлинманинг асосий масалалари, хуқуки, вазифаларидан ташқари унинг штат жадвали (сафи) ва маъмурий раҳбар (цех, бўлим) бошликлари кўрсатилган бўлади. Шундай қилиб, ҳар қайси бошқариладиган

бўлим яхлит уюштирилған бўлиб, уни битта раҳбар бошқаради.

Бошқариладиган бўлим ходимлари ўртасидаги вазифа ва жавобгарлик шундай тақсимланиши керакки, бу уларда кўпроқ мустақиллик ва ташаббускорликни номоён қилишни таъминлаши керак. Хукуқ вазифасиз, вазифа ҳукуқсиз бўлмайди деган коидадан келиб чиқиб ҳар қайси бўлимда барча ходимларнинг жавобгарлиги, ҳукуки, вазифаси аниқ белгиланади.

Ҳар қайси ходимга умумий иш ҳажмидан аниқ бир кисми бириктирилади. Улар шу ишнинг бажарилишига жавобгар бўладилар. Одатда, ҳар қайси ходимга вазифа, ҳукуқ ва жавобгарлик ёзма равишда берилган бўлади. Бу ишлаб чиқаришда ходимларнинг бир-бирининг ишига аралашишига йўл қўймайди. Раҳбар фақат ўз кўл остидагиларга буйруқ беради. Бошқаларга эса буйруқ факат уларнинг бевосита раҳбари томонидан берилиши керак. Масалан, цех бошлиғи цехдаги хоҳлаган ишлаб чиқариш гуруҳида ишловчи ишчига расмий буйруқ бериши мумкин, лекин бу нотўғри, коидага зид бўлади. Агар цех бошлиғи ишчига унинг бевосита раҳбари уста орқали буйруқ берса, унда у тўғри ва коидага мувофик бўлади. Ишли ҳар доим топшириқни ўзининг устасидан олиши керак. Баъзан раҳбарларнинг ўртасида бир-бирининг ишига аралашиш ҳоллари рўй беради, бу улар орасида маълум норозиликни келтириб чиқаради. Бу эса жамоанинг уюшқоқлигига, интизомига ва бошқаларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Маъмурий ва функционал муносабатлар мансаб тавсияномаси орқали тартибга солинади.

Одатда низомда маълум лавозим қайси бўлим таркиби-га кириши, у кимга ва унга кимлар бўйсуниши, шу раҳбар ходим ҳал қиладиган масалалар учун жавобгарлик кўрсатилган бўлади. Бошқа ходимлар билан функционал боғланиш қуидагича амалга оширилади: ходим қандай маълумотларни қайси пайтда кимга, шунингдек, ким қайси пайтда ва қандай маълумотларни ходимга бериши керак.

Бошқарув таъсирчан бўлиши учун низом ва коидалар шароитга караб қайта ишлаб чиқилиши лозим. Бошқарув тизимишининг самарадорлигини оширишнинг муҳим омили меҳнаткашларнинг ташаббусини ва ишлаб чиқаришда катнашиш фаоллигини кўтаришдир.

4. Қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш

Қарорларнинг бажарилишини бошқариш уни назорат килиш билан узвий боғлиқдир.

Ишлаб чиқаришда ҳисоб-китобнинг моҳияти ишнинг ҳақиқий ҳолати тўғрисида тўлик ва аниқ ахборот олиш ҳамда у асосида тўғри қарорларни қабул қилишдан иборатдир.

Цехни, участкани бошқаришда асосан кундалик, зудлик ва бухгалтерлик ҳисоб турлари қўлланилади.

Ишлаб чиқаришда ҳисоб-китобнинг яхши йўлга қўйилиши самарали қарорни тузиб чиқишга ва унинг муваффакиятли бажарилишига имкон яратади. Ҳисобнинг чалкашлиги, ноаниклиги ишлаб чиқаришни бошқаришда камчиликларнинг мавжудлигини билдиради.

Бошқарув идоралари ишлаб чиқариш ҳолати тўғрисида бирламчи ахборот-ишончли ҳисоб тизимини яратишга доимий равишда ғамхўрлик қиласи. Бирламчи ахборот ишлаб чиқаришни бошқаришнинг барча ахборотларнинг манбаи ҳисобланади. Чунки бошқарув жараёнлари унинг тўғрилигига боғлиқ бўлади.

Қарорларни назорат қилиш бошқарув жараённинг якунловчи босқичи ҳисобланади. Агар қарорда ахборот юкоридан пастга йўналтирилган бўлса, уни назорат қилиш тескари боғланиш шаклида бўлиб, қарорнинг бажарилиши тўғрисида пастдан юкоридаги бошқарув ташкилотларига ахборот берилади.

Назорат ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий манзарасини кўришга имкон яратади. Назорат натижалари қабул қилинган қарорларнинг таъсирчанлиги ва ўз вактида бажарилишига боғлиқ. Буларнинг барчаси бошқарув идораларида мустаҳкам ва эпчил назорат тизимини ўрнатишни тақозо қиласи.

Назорат тизими ишни уюштириш тизими орқали белгиланади. Бу ерда ҳар қайси ходим ва бўлим учун аниқ вазифа белгиланган бўлади. Назорат иши раҳбарнинг мухим вазифасидир, чунки у самарали қарорларни қабул қилишда ахборотнинг манбаи ҳисобланади. Шундай қилиб, раҳбар қабул қилинадиган қарорларнинг сўнгги ташаббускори сифатида чиқади.

Раҳбарнинг ҳар бир қарори шундай бўлиши керакки, у доимий ўзгарувчан ишлаб чиқариш шароитида ижро этилиши керак бўлган қарорларни назорат қилишга имкон яратсин.

Бу тўғри ва тезкор назорат бўлиб, унинг вазифаси қарорнинг бажарилишини юкори даражада ва сифатли ташкил этишдир.

8-§. МАЙДА ГУРУҲ ВА ШАХС РУҲИЯТИНИНГ АСОСИ. ШАХСНИНГ ФАОЛИЯТИДА ВА МУНОСАБАТЛАРИДА ШАХСИЙ ХИСЛАТЛАРНИНГ НАМОЁН БУЛИШИ

1. Шахснинг психологияк таърифи

Одамнинг инсон наслига мансублиги индивид тушунчаси билан ифодаланади. Индивид сифатида дунёга келган одам кейинчалик шахс сифатида шаклланади. Бинобарин бу жараён тарихий хусусиятга эгадир.

Инсон шахснинг энг муҳим томонларидан бири унинг идивидуаллигидир. Индивидуаллик деганда шахс психологик хусусиятларининг бетакрор бирикмаси тушунилади. Унинг таркибига темперамент, эмоция, қобилияtlар, феълатвор, ирода, хотира, хаёл ва бошқалар киради.

Темперамент. Кишилар темпераменти бўйича қўйида-
гича фарқланади: сангвиниклар, холериклар, флематиклар
ва меланхоликлар.

Сангвиниклар туйғу (жўшқин) хусусиятлари билан ажralиб туради. Улар янги кишилар билан тез тил тошишадиган, бир иш туридан иккинчи иш турига тезда кўниядиган, бир турда бажариладиган ишларни ёқти-
майдиган, янги шароитга осонлик билан ўрганадиган, хушчакчак, харакатлари шиддатли, нутқи тез, келажакка ишонч билан қарайдиган, сўзини аник ва маъноли қилиб, имо ишоралар билан гапирадиган кишилардир. Масалан, **сангвиниклар** иш жараёнида кечган кўнгилсиз ҳодисаларни тезда эсдан чиқариб юборадилар. Улар ўз кучи ҳамда қобилияtlарига ортиқча баҳо бериш хусусиятига эгадирлар. Раҳбарлар уларнинг ишини салбий баҳо-
лашдан кўра уларга нисбатан қаттиққўл ва талабчан бўлсалар ижобий натижага эришиш мумкин. **Сангви-
никлар** юқори лавозимга интиладиган кишилар бўлади-
лар.

Холериклар — кўтаринки руҳда ишлай оладиган, қаршиликларни енга оладиган кишилар бўлиб, уларнинг ишлаш завқи кайфиятининг бузилиши биланок тез ўзгариши мумкин. **Холериклар** сержаҳл, ўзини яхши кўрадиган, тез гапирадиган одамлар бўлиб, улар бошқалардан гапининг оҳанги ўзгарувчанлиги билан ажralиб

турадилар. **Холерикларнинг** вазминлик даражаси худди сангвиникларнидек бўлади. Раҳбар ва бошқа кишиларга нисбатан ўзини тўғри тутади.

Флегматиклар — таъсиранувчанлиги сустлиги билан ажралиб туради. Бир турдаги ишдан иккинчи турдаги ишга секинлик билан кўчадилар, фаолликлари кам, янги шароитга қийинчилик билан мослашадилар. Флегматиклар чидамлилиги, матонати, ўзини тута билиши билан ажралиб туради. Харакатлари ва нутқлари суст, кўнгилсиз ҳодиса юз берганда осойишталикларини бузмайдилар. Улар сабр-токатли, чидамли бўлиб, сўзлаганда хотиржам, ўзга шахслар билан ҳаяжонланмай гапирадилар.

Меланхоликлар — ўта таъсиранувчан хусусиятга эгадирлар. Тез толиқадиган ва ўзига ишонмайдиган, ташвишсиз, лекин жуда сезувчан, эҳтиёткор ва хушёр, ниҳоятда аразчан, жуда оз куладиган, фаоллиги суст, тортичок, кам файрат, арзимас сабабларга кўра кўзларидан ёш окиб кетаверадиган, янги кишилар билан қийинчилик билан тил топишадиган кишилардир. Улар куляй шароитда олдига кўйилган масалаларни муваффакиятли бажаради. Агар ишда шароит, яъни вазият ўзгарса, қийинчилик туғилса, улар ўзларини панага олиб туришади. Масалан, раҳбар меланхолик ходимнинг ишдаги камчиликлари учун унга нисбатан ёмон муносабатда бўлса, койиса, уришса, унинг руҳини тушириб юборади, ва оқибатда бу шахс ўз кучига шубха билан қарай бошлайди. Агар раҳбар меланхолик ходимга нисбатан доим қаттиқ талабчанлик килса ёки кескин муносабатда бўлса, у ваҳимага тушиб, руҳан эзилади. Аксинча, раҳбар унга яхши муносабатда бўлса, мақтаса, унинг кучига куч, файратига файрат қўшилиб, кўтаринки руҳда ишлайди.

Баъзан қандай шахслар яхши деган савол туғилади. Масалани бундай усулда қўйиш ногўри, албатта. Чунки қандайдир бир темперамент яхши, бошқалари ёмон деб, шахсга нисбатан унинг имкониятларига, меҳнат ва ижтимоий-сиёсий фаолиятига баҳо бериш мутлақо ногўри бўлади. Кишиларнинг темпераментини билиш, уларга индивидуал ёндашиш, нерв тизими жараёнининг хусусиятларини инобатга олиш, улар билан ишлашда мос келадиган муаммоларни танлашда қўл келади.

Инсонлар ичida **темпераменти** юкоридаги гурухлардан бирига тўла мос келадиганлари жуда кам учрайди.

Кишиларнинг **темпераменти** тартибга асосланган бўлсада, агар улар хоҳласа, ўзини-ўзи тарбиялаш

жараёнида бошқа темпераментга хос бўлган фазилатларни ўзида шакллантириши мумкин.

Туйгу. Ҳаётда содир бўладиган кўпчилик ҳолатлар ҳар хил: ижобий, салбий, кучли, кучсиз каби ҳис-туйгуни келтириб чиқаради. Масалан, мусика оҳангларини яхши ижрочи томонидан тинглаб роҳатланиш, ҳайратда қолиш каби ижобий ҳис-туйгуларга бериласиз. Худди шу мусика асарини ёмон ижрочи ижросида эшитганда эса ҳис-туйгуларингиз салбий кечинма шаклида юзага келади.

Кўркиш ёки даҳшат хисси маълум обьектларга, уларнинг қўшилмасига нисбатан бир-биридан фарқ қиласидан ҳолатларда кечиши мумкин, баъзан одам даҳшатдан кочади, баъзан эса кўркувдан қотиб қолади ва ниҳоят кўрқанидан ва умидсизликдан ўзини ҳавфли обьект томон ташлаши мумкин. Баъзи ҳолларда ҳис-туйғу таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Бундай ҳис иш ҳаракатларига, мулоҳазалар айтишга ундовчи, одамнинг зўр беришини кучайтирувчи кучга айланади.

Хурсандчиликдан одам «тоғни талқон қилишга» тайёр бўлади. Ўртоғига раҳми келиб, унга ёрдам бериш йўлини ахтаради. Фаол туйғу ҳолатида одам жим, ҳаракатсиз турга олмайди. Баъзан одам кучли хиссиёт таъсирида, ўз ҳаёлига чўмиб кетади. Бундай пайтда раҳмдиллик яхши, лекин фойдасиз туйғу кечинма бўлиб қолади, уялиш, яшириш виждан азобига айланади.

Ҳис-туйғу килинаётган ҳаракатларнинг сабабчиси бўлиши билан бирга, баъзи бир ҳолларда фаолиятни ташкил қилувчи омилга, бошқа ҳолларда эса фаолиятни бузувчи омилга айланади. Туйғуси тўмтоқ ҳолатида одамнинг фаолияти ўз йўналишини йўқотади. Бошқа томондан олганда, ортиқча туйғуга берилиши жуда кўп ҳолларда обеъктларни янгича акс эттиришга, далилларни субъектив равишда талқин қилишга, хулоса чиқариш ва баҳолашда мантикий хатоларга олиб келади.

Ҳис-туйғунинг ташки ифодасига, имо-ишора, важоҳат ва қадди-қоматнинг ўзгариши ва бошқалар киради.

Жиддийлик ҳолатлари. Сўнгги чорак аср давомида жиддийлик вазияти ёки стресс (инглизча—*stress* сўзидан олинган бўлиб, жиддийлик, кескинлик деган маънони англатади) деб аталадиган кескин вазият сабабли юзага келадиган ҳис-ҳаяжонни ўрганиш тобора аҳамият касб этмоқда.

Жиддийлик — турли жисмоний ва аклий ишлар ҳаддан ошиб кетиб, ҳавфли вазият туғилган пайтларда зарурий

чораларни тезлик билан топишга мажбур бўлинганда вужудга келадиган ҳаракатдир. Ўз-ўзидан равшани, мана шундай шароитларнинг барчасини бирор хил хис пайдо қиласи. Жиддийлик каби ҳиснинг пайдо бўлиши ҳамда бу ҳиснинг ўтишининг психологик хусусиятларини билиш факат космонавтлар, раҳбарлар учун эмас, балки ўқувчилар, имтихон оловчи ўқитувчилар ва бошқалар учун ҳам жуда муҳимдир.

Жиддийлик ҳолати пайтида онгли фаолиятнинг айрим томонлари тўхташидан ташкари, идрокда, хотирада янгилишомчиликларнинг, кутилмаган қўзгалувчиларга нисбатан айни бир хил бўлмаган таъсиirlарнинг юзага келиши дикқат ва идрок кўламишининг торайиши, вакт оралигини аниқлашда хатоликлар ва бошқа шу кабилар бўлиши мумкин.

Юксак ғоявийлик, бурч ва жавобгарлик ҳисси иш-ҳаракат бузилишининг олдини олишда муҳим омил ҳисобланади.

Қобилият — шахснинг фаолиятини муваффакиятли амалга ошириш шароити ҳисобланган ва билим, кўнишка ҳамда малакаларни эгаллаш давомида намоён бўладиган индивидуал-психологик хусусиятдир.

Қобилият — имкониятлардан иборат бўлиб, бирор ишдаги зарурий маҳорат даражасининг ўлчовидир.

Шахснинг қобилиятларини жамоатчиликнинг фаол ҳаракати таъсирида ишлаш ва тарбиялаш жараёнида ривожлантириш мумкин. Ишда одамнинг қобилиятларидан тўғри фойдаланиш кўпроқ раҳбарга боғлиқ бўлади.

Агар ходимга ўзига мос, қобилиятига яраша иш топширилса, унинг юқори иш натижаларига, бошқалар билан ўзаро яхши муносабатда бўлишига эришиш мумкин.

Характер — феъл-атвор. Ҳар бир одам бошқасидан ўзининг индивидуал психологик хусусияти билан ажралиб туради. Мана шу маънода оддий тилда мазкур одамга хос бўлган ҳислатлари ҳакида гапирилади. Характер сўзи грекчадан айнан таржима килинганда, босилган тамға деган маънони англатади.

Одамнинг ҳар қандай индивидуал хусусиятини характер ҳислати деб бўлмайди. Масалан, кўриш ва эшишишининг ўткирлиги, хотирада саклаб қолиш қобилиятининг юқорилиги унинг баркарорлиги, аклнинг чуқурлиги каби индивидуал психологик хусусиятларни характер хусусиятлари деб бўлмайди.

Психологик характер деганда мазкур шахс учун оддий ҳисобланган фаолият усуllibаридаги намоён бўладиган, ўхшаш шароитларда кўринадиган ва бу шароитларга, қисман меҳнатга, вазифасига ва бурчига шахснинг муносабати билан белгиланадиган индивидуал психик хусусиятлар йиғиндиси тушунилди.

Шахс туғилгандаги характер билан туғилмайди, унинг характеристи жамоатчилик фаолиятининг фаол жараёнида шакллантирилади. Масалан, оила, мактаб, меҳнат жамоаси – бу соҳаларнинг ҳаммаси характеристи мустаҳкамлашга, шакллантиришга муҳим таъсир кўрсатади.

Одамнинг қандай индивидуал психологик хусусиятлари характеристи хислатлари ёки хусусиятлари деб аталади?

Руҳиятшуносларнинг тадқиқотларига кўра характернинг ҳар бир хислати ўхшаш шароитлардагина намоён бўлмайди. Масалан, бир шахс иш жойида кишиларга яхши қўшила олмайди, улардан уялади, баъзи сабабларга кўра ўзини уларга яқин тута олмайди. Айнан шу шахс маҳаллада эса барча кишилар билан тил топнишиб, улар билан ўртоқларча муносабатда бўлади. Маҳалланинг барча ишларига фаол катнашади. Бошқа бир шахс эса бу шароитда ўзини аксинча намоён килади ва ҳоказо.

Шахснинг ўзига муносабати унинг шахс сифатида ўзининг характеристларига, яхши хислатлари ва камчиликларига кай тарзда баҳо беришига боғлиқ. Ўзига объектив равишда баҳо бера билиш характеристининг одоб, камтарлик ва бир фикрда турга билишлик хусусиятларини шаклланишига ёрдам беради. Ўзини катта тутиш, манманликка берилиш, гурурлик хислатлари характеристининг салбий хусусиятлари хисобланади. Бу эса жамоада муросасизликка ва низоларнинг келиб чиқишига олиб келади.

Кишининг меҳнатсеварлиги, ишини ўз вактида бажариши, тиришқоқлиги унинг жамиятдаги меҳнатга ва вазифасига ижобий муносабатларини билдиrsa, сустлик, дангасалик, эринчоқлик ва бошқалар салбий муносабатларини билдиради.

Ирода. Кўйилган мақсадга эришиш учун мавжуд тўсикларни енгиб ўтиш кобилиятидир.

Иродага дадиллик, мақсадга интилиш, матонат, каттиқ туришлик, жасурлик, мардлик ва бошқа хислатлар киради.

Шахсда ирода тарбия ва ўз-ўзини тарбиялаш жараёнида шаклланади.

Шахснинг фикрлаш фаолиятининг асосини тафаккур, хотира, хаёл ташкил килади.

Тафаккур — вокеликни таҳлил ва синтез қилишда уни бевосита ва умумлаштириб акс эттириш жараёнидир.

Хотира — шахснинг ўз ҳаётй тажрибасини эсда саклаб туришидир.

Хаёл — шахсга келажакни кўра билишга ва уни ривожлантиришга имкон яратади. Хаёл шахсни меҳнатга қизикиш учун имкон яратади. Масалан, шахсга ихтиро ва рационализаторлик ишлари билан фаол шуғулланишга ва ўз ишига қизикиш билан карашга имкон яратади.

Ишга қизиқкан ва унга берилиб кетган кишилар одатда, ҳар қандай қийинчиликларни осон енгиб ўтадилар.

Мотивлар (сабаблар) шахс фаолигининг манбалари, сабаблари ва ҳар хил турли эҳтиёжлариидир.

Мотивлар маълум эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ бўлган фаолиятга мойилликдир.

Агар эҳтиёжлар инсон фаолияти барча турларининг моҳиятини, дастагини ташкил қиласа, сабаблар бу моҳиятнинг муайян намоён бўлишидан иборатдир.

Шунинг учун раҳбарлар ишчиларнинг хулқ-авторига караб, унинг ҳатти-харакатларини таҳлил қилиб, уларнинг сабабларини аниқлашга интилиши лозим.

Сабаблар бир-биридан эҳтиёж турларига караб фарқланади, эҳтиёж сабабларда намоён бўлади. Сабаблар кенг ёки тор шаклларда намоён бўлиб, фаолиятнинг муайян мазмунида амалга оширилади (меҳнат фаолияти сабаблари, ўқиш фаолияти сабаблари ва шу кабилар).

Қизиқишлиар. Бунда одамнинг билиш жараёни билан боғлиқ бўлган эҳтиёжларининг ҳисси намоён бўлиши тушунилади. Билиш эҳтиёжларини қондириш билимлардаги камчиликларни тўлдиришга, шароитга яхши мослашишга, одам учун аҳамиятли бўлган далиллар билан танишиб, уларни тушунишга ёрдам беради. Одамнинг ўзи учун қизиқишлиар субъектив тарзда касб этган обьектни кўпроқ билиш, тушуниш истаги билан чуқурроқ ўрганишдан иборат бўлган билиш жараёнининг ижобий ҳиссиёт тусида намоён бўлади. Фаолият жараёнларида қизиқишининг аҳамияти ғоят каттадир. Чунки қизиқишлиар фаолият обьектининг мазмунига бўлган мойиллик кучини ифодалайди. Бу мойиллик кучи шахснинг билимга бўлган эҳтиёжига жавоб беради ва шахсда юзага келган билиш ва интилишга бўлган ташналикини қондиришнинг йўли ва усуllibарини кўрсатади.

2. Жамоа ва уни шакллантириш

Умумий фаолият мақсадлари асосида бирлашган, жамиятнинг бир қисми ҳисобланган ва ана шу жамият мақсадларига бўйсунган одамлар гурухи жамоа деб юритилади.

Мехнат жамоаси — бу жамиятнинг бўғини бўлиб, унинг таркибига бир мақсад йўлида бирлашган, ўзаро ўртоқларча муносабатда бўладиган, бир-бирига ёрдам берадиган, умумий иш учун масъулият ҳиссини сезадиган ишчилар киради. Улар ўз олдиларига кўйилган вазифаларни ҳал қилишда жамият фойдаланиш учун берган ресурслардан оғли равишда фойдалана билишлари ва у учун ўзларининг куч-кувватларини йўналтира билишлари керак.

Мехнат жамоасининг тузуми ундаги ижтимоий гурӯхларнинг (ишчилар ва хизматчилар) касби, малакаси лавозимининг таркиби, шунингдек, демографик (жинси, ёши бўйича), этик (миллати) ва ижтимоий психологик гурӯхга (шахсни қизикиши, ишдан ташқари вактидан биргаликда фойдаланиши) мансублиги ҳамда бошқа кўп нарсалар қандай нисбатда берилганлигига боғлик бўлади. Шунинг билан бирга меҳнат жамоалари мулкчиликнинг умумийлик шакли, фаолият соҳаси, уюштиришнинг мураккаблиги, ишловчиларнинг сони жихатдан ҳам бир-биридан фарқ қиласди. Мехнат жамоалари фаолият соҳасига кўра моддий ишлаб чиқариш (саноат, курилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқа) ва ноишлаб чиқариш соҳаси (ахолига маданий-маший хизмат кўрсатиш, тиббиёт, маориф, илм, фан, санъат, бошқарув ва бошқа) жамоаларига бўлинади.

Моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги жамоаларни ишлаб чиқариш меҳнат жамоалари дейилади.

Ишлаб чиқариш меҳнат жамоалари ишлаб чиқариш тафсилотномаси ва вазифасига боғлик бўлган маълум хусусиятларга эга бўлади.

Бошланғич меҳнат жамоаси келгусида маъмурий бўлинишга эга бўлмаган корхона жамоасининг бир қисмидир. Масалан, ишлаб чиқариш соҳасида бошланғич меҳнат жамоасини бригадалар ёки звенолар ташкил қиласди. Жамоанинг етакчи тарбиявий вазифаси шахснинг фаол ҳаётий ўрнини, нуктаи назарини шакллантиришдан иборат. Зоро, ишчилар жамоадагина тўла шаклланади ва ўзини намоён қиласди.

Ишлаб чиқариш жамоаларини тузишда ишчиларнинг сони, ёши, жинси, билим даражаси, темперамент тури ва бошқа психологик омиллар ҳисобга олинади.

Бунда ишловчиларнинг сони аниқ ва оз бўлишини таъминлаш зарур. Жамоанинг ҳар қайси аъзоси ўз юрагидаги сирларини, ғам-ташвишларини, кувончли дамларини очиқ гапириб, дардлашадиган яқин икки-уч киши дўстлари бўлишига интилади. Шуни ҳисобга оладиган бўлсак, жамоанинг энг оз аъзоси 8 кишидан иборат бўлмоғи зарур. Акс ҳолда кишилар ўз жамоасидан ташқари, бошқа жамоалардан ўзларига ўртоқ қидириб топишга мажбур бўладилар. Бу эса жамоанинг жипслашинига салбий таъсир кўрсатади. Жамоада ишловчиларнинг ёши ҳар хил бўлиши керак, шундагина улар бир-бирининг ўрнини тўлдириши мумкин. Кексалардан кўра ёшлар гайратли, серҳаракат, ташаббускор бўлади, лекин уларнинг касб маҳорати кексаларга караганда анча пастроқ. Кекса ишчилар ўзларининг ҳаётда ортирган илм ва тажрибалири асосида ишни юкори сифатли бажарилишини таъминлайдилар. Лекин улар ишда кўпинча ёшларга ўхшаб ташаббус кўрсата олмайдилар. Аммо битта жамоада ишчиларнинг психологик ҳусусиятларини ҳисобга олмасдан кекса ва ёшларни тўплаш кутилган натижани бермайди, чунки бунда ҳаётга қизикиши ва дунёкараши ҳар хил бўлган иккита гурухчалар пайдо бўлади. Жамоа ҳар хил жинсдан ташкил топганда унинг аъзоларини бир-бирига ўртоқларча муносабати барқарорлашади. Жамоа фақат бир жинсдаги ишчилардан ташкил топганда унда меҳнат интизоми, меҳнат унумдорлиги паст, кўникмаслик катта, иш вактини йўқотиши юкори бўлади. АРАЛАШ жамоаларда эркаклар аёлларнинг олдида ўзини кўрсатишга ҳаракат қиласи, файрат билан ишлади.

Умумий билим даражаси турлича бўлган ишчиларни бригадага бирлаштириш уларнинг ўз билимини оширишга қизиқтиради ва бир-бирига яхши муносабатда бўлишга ёрдам беради.

3. Жамоа ривожланишининг асосий босқичлари

Жамоани тузиш муайян қонуниятларга бўйсунадиган, узок давом этувчи мураккаб жараён ҳисобланади. Жамоа вужудга келиши учун у тўрт асосий босқичдан ўтиши зарур.

Қуйида ана шу босқичларни бирма-бир кўриб чиқайлик.

Жамоа ривожланишининг биринчи босқичи. Бунда дастлаб жамоада бажариладиган умумий ишлар ҳажми ва меҳнат тартиби коидалари, шунингдек, жамоадаги умумий иш тартиби қай тарзда уюштирилиши аниқланади. Дастьлабки бу фаолият манфаатнинг бирлиги асосида жамоа аъзоларининг барчасини қамраб олади ва улар ўртасида маълум муносабат ўрнатади. Мазкур босқичда жамоа аъзоларига раҳбар томонидан қўйилган талаб юқори даражада изчил бўлиши зарур. Кўйилган талабларни жамоа тушунса ва ўзларига тўғри қабул килса, бу бўлгуси жамоа аъзоларининг кўтаринки рухда ишлashinga имкон беради, сўнгги ривожланиш босқичига ўтиш учун замин яратади. Бунда жамоа манфаатларини жиддий равишда ўзлаштирадиган, унинг умумий муваффакиятлари ва вактинча муваффакиятсизликларига бардош берадиган, раҳбарларнинг талабларига ўзларининг фикрини билдирадиган, улар билан мос равишда ишлай оладиган, юқори ҳиссиётли, фаол кишиларни аниқлаш зарур. Булар жамоанинг фаол кисми бўлиб, унинг келажак ўзагини ташкил этади ва жамоанинг олға силжиши учун таянч бўлиб қолади. Раҳбар ўз фаолиятида жамоадаги фаол кишиларга таянади. Жамоада маълум тартиб интизом ўрнатилганда, раҳбарнинг асосий талаблари жамоа аъзоларининг фаол кисми томонидан қўллаб-қувватланганда жамоа ривожланишининг биринчи босқичини ўтади деб хисоблаш мумкин.

Жамоа ривожланишининг иккинчи босқичи. Бунда жамоа аъзоларининг фаол кисми унинг барча аъзоларига талаб кўяди. Жамоани бошқариш унинг фаол кисми оркали амалга оширилади. Раҳбар майда гурухларни бутлаш, йириклиштириш ва ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда бошқа бажарилиши зарур бўлган ишлар билан шуфулланади.

Раҳбар бу ишларни бажаришда жамоа аъзолари ўртасида юқори даражали ишончлилик муносабатларини ва биргаликда умум иши учун маъсулият ҳис киладиган соғлом иқлимини яратиши керак. Жамоада соғлом руҳий иқлимини яратишнинг энг муҳим омилларидан бири бу кекса ва ёш ишчиларнинг нисбатига риоя этишdir. Кекса ишчилар билан ёш ишчиларнинг доимий алокаси мавжуд бўлмаган жамоада авлод ворислиги бузилади. Бу босқичда жамоа фаолиятининг ижодий характеристери жамоа ишчиларини мустакил равишда режалаштириш, уюштириш, бажариш ва унинг ҳар бир аъзосининг хулқ-атворини

ўртоқларча муҳокама қилишда намоён бўлади. Бу шароитда жамоа аъзолари фаолиятининг қатъий асослари, ижодий ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабатлари тез суръатлар билан ривожланади. Натижада фаоллар бутун жамоа аъзоларига талаб қўяди.

Жамоа ривожланишининг учинчи босқичи. Жамоа фаолиятидаги бу босқич анчагина сермаҳсул босқич ҳисобланади. Жамоа ишига унинг кўпчилик аъзолари томонидан умумий ёндошиш пайдо бўлади, баъзи аъзоларнинг хатти-харакатларига ва биргаликдаги фаолият омилларига нисбатан умумий муносабатда бўлиш, уларга умумий баҳо бериш шароити вужудга келади. Бу босқичда жамоа айрим аъзоларига ўзининг талабини қўяди. Бу босқичда жамоа тарбиявий ишнинг бир-бирига тифиз боғланган иккита масаласини ҳал қилиши керак бўлади: жамоа фикрини ва анъанасини шакллантириш, жамоа анъналарини яратиш уни ривожлантириш ҳамда жипслаштиришнинг муҳим шартларидан биридир. Анъаналар фақат ҳайётни марокли қилибгина қолмай, балки бурч, жамоа шарафи, унинг муваффақиятли ҳиссини тарбиялашга, ахлоқий мезонларнинг, ижтимоий фикрнинг ҳосил бўлишига кўмаклашади. Жамоада бундай баркарор инсоний муносабатлар юзага келишининг сабаби уларнинг юксак ахлоқий маънога эга бўлган ишларда қатнашишларининг натижасидир.

Жамоа ривожланишининг бу босқичида жамоанинг фаол қисмигина эмас, балки бошқа аъзолари ҳам бир-бирларига кенг ахлоқий доирада талаблар қўйишлари мумкин.

Жамоа ривожланишининг тўртинчи босқичи. Бу босқичда жамоанинг ҳар қайси аъзоси жамоа тартибига асосан ўзига кенг кўламда ахлоқий талаблар қўяди, жамоада ва унинг ташқарисида ўзини фаол таъсирchan ташвиқотчи сифатида кўрсатади. Жамоа ҳаёти ва фаолияти меъёри унинг ҳар бир аъзосининг шахсий эҳтиёжига айланади. Жамоадаги тарбия жараёни ўз-ўзини тарбиялаш жараёнига айланади. Бирок бу айрим шахснинг янада тарбияланишида жамоанинг аҳамиятини камайтиrmайди. Бу босқичда жамоа олдига мураккаб талабларни қўйиш имконияти яратилади.

4. Ишлаб чиқариш жамоасининг тузуми

Хар бир ишлаб чиқариш жамоаси ўзининг маълум хусусиятлари (хулқ, феъл-атвори) билан бошқа жамоалардан фарқ қиласди.

Жамоанинг бу хусусиятларини ифодалаш учун унинг корхона (цех) миқёсида қандай ўринни эгаллашини, шунингдек ишлаб чиқариш кўрсаткичлари даражасини, меҳнат шароитини ва унинг қай тарзда ташкил қилинганligини, моддий ва маънавий рағбатлантириш усуллари қанчалик такомиллашганини ва шу жамоадаги руҳий муҳитни билиш зарур. Жамоа аъзоларининг бир-бири билан муносабати икки хил тузулиш доирасида ўрнатилади:

1. Расмий
2. Норасмий

Расмий тузум — маъмурий усулда биринтирилган одамларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолиятининг расмий боғланишини характерлайди ва уни раҳбар бошқаради.

Расмий тузум одамларнинг мансаб вазифаси доирасидаги бир-бири билан бўлган муносабатини билдиради. Бирок бирга фаолият кўрсатиш жараёнида расмий тузумларда уларнинг аъзолари ўртасида факат психолого-гик муносабатларга асосланган янги норасмий тузум пайдо бўлиши мумкин. Норасмий гурухлар бир-бирини шахсан ёқтириш ёки ёқтирасмлик, манфаатдорликнинг бирлигига қизиқиш, хулқ-атворининг ўхшашлиги, бир-бирини тўғри тушуниши асосида тузилган бўлади.

Расмий тузумнинг нормал шароитда ишлацини ва унинг бошқарувчанилигини таъминлаш учун мавжуд норасмий гурухлар бир-бири билан яхши муносабатда бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Расмий ва норасмий гурухлар доимий равишда ўзаро алоқада бўлади. Шунинг учун норасмий тузилиш муносабатлари факат расмий тузилиш орқали тартибга солинади.

Ишлаб чиқариш гурухларида расмий ва норасмий тузилишларнинг мақсади бир-бирига тўғри келса, ундај жамоада соглом руҳий иклим пайдо бўлиб, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари юқори бўлади. Акс ҳолда гурухда айrim низолар келиб чикиши мумкин.

Ишлаб чиқариш гурухи аъзоларининг ўзаро муносабатларини, улар олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини етакчи аниклайди.

Етакчи -- йўлбошчи деган маънони англатади, биз но-расмий тузилишдаги гурухнинг етакчиси тўғрисида тўхталалими. Етакчи ҳеч ким томонидан тайинланмайди, унинг обрёси расмий жиҳатдан қўллаб-куватланмайди. Бироқ у гурухнинг бошқа аъзоларидан касб маҳорати, шахсий фазилати, ёки бошқа бирор ҳислати билан ажралиб туриши керак. Раҳбарларнинг мавқеи эса расмий жиҳатдан мустаҳкамланган бўлиб, улар етакчилардан ўз вазифасини ҳар қандай вазиятда бажариши билан фарқ қиласди.

III боб

РАҲБАРНИНГ ШАХСИЙ ИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

1- §. РАҲБАРНИНГ МЕҲНАТИНИ ИЛМИЙ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА УНИНГ АСОСИЙ ЙУНАЛИШЛАРИ

Бошқарув тизимида раҳбарнинг фаолияти муҳим ўрин егаллади. Бу эса ўз характери бўйича -- сиёсий ва классик фаолиятдир. Раҳбар давлат кўрсатмаларини рўёбга чиқаради, у хўжалик тизимида давлатнинг вакили ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, ҳақиқий раҳбар -- ушбу жамоанинг илгор қишиси бўлиб, у ўз корхона ва ташкилотининг фойдасини кўзловчи ва корхона шаънини ҳимоя қилувчи шахсdir.

Раҳбар ўзининг бошқарув аппаратига, касаба ташкилотига суюнган ҳолда ва уларнинг ёрдами асосида фаолиятини давлат томонидан белгиланган режа топшириқларни бажаришга йўналтиради.

Раҳбарнинг бошқа ходимлардан фарки унинг бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишдан иборат.

Бошқарувнинг мураккаблашуви раҳбар ходимнинг роли ва масъулиятини оширмоқда. Бу эса уларнинг касб кобилияти тайёргарлигини кўтаради.

Раҳбар лавозимига мутахассислиги бўйича камида олий ва ўрта маҳсус маълумотга эга бўлган ва бу ишга маълум қобилият кўрсатган шахсларгина тайинланмоғи керак. Ҳеч ким раҳбар бўлиб туғилмайди, фактат ўзининг ситқидидан қилган меҳнати ва унинг самарали натижалари билан шахс ўзининг раҳбарликка лойик хусусиятини намоён қиласди.

Раҳбар меҳнатининг муҳим омили -- қарор қабул қилиш ва уни бажаришда ҳар хил бошқарув аппарати бўғинлари ҳаракатини тўғри йўналишга солишдан иборат.

Бу эса ундан самарасиз ишловчи участкаларга алоҳида аҳамият берини талаб қиласи.

Раҳбарнинг меҳнат фаолияти асосан учта йўналишдан ташкил топган: техник-иктисодий, ижтимоий-тарбиявий ҳамда ташкилий бошқарувдир. Раҳбар техник-иктисодий ва ижтимоий-тарбиявий муаммоларни маъмурий-бошқарув фаолияти даврида ҳал қиласи. Ана шу фаолият раҳбар меҳнатининг асосий мезони ҳисобланади.

Раҳбар бошқарув аппарати ишини ташкил қиласи ва у орқали ишлаб чиқариш жамоасига таъсир кўрсатади. Шу билан бир каторда ҳар бир раҳбар ўз ишини тўғри ташкил қила олиши керак.

Раҳбар меҳнатининг самарадорлиги унинг ўз меҳнатини тўғри ташкил қилишидадир. Раҳбар меҳнатини мақсадга мувофиқ ташкил қилиш унинг ўз вазифаларини ва меҳнати таркибини мукаммал билишига боғлиқдир. Ана шунда унга ўз меҳнатини такомиллаштириш имконияти туғилади.

Раҳбар меҳнатининг муваффакиятлари унинг фаолиятининг бошқарув жараёнида тўғри йўналишларни танлашига боғлиқ. Агар раҳбар асосий йўналишлардан четланса, унда у муҳим ишлаб чиқаришга оид масалаларни унтиши мумкин. Бу эса ўз навбатида турли муаммоларни келтириб чиқариши табиий холдир.

Баъзи бир раҳбарларнинг иш куни тартибидан ташқари доимий ишлар билан банд бўлиши сабабли ўз устида ишлашига, оилада бўлишига ва дам олишга вакти қолмайди. Бу камчиликни бартараф қилиш учун баъзи вазифаларни ўзининг ёрдамчи ва ўринбосарларига топширсагина раҳбар учун ўз меҳнатини мақсадга мувофиқ ташкил қилиш имконияти туғилади.

Раҳбар меҳнатини ташкил қилишнинг қуйидаги йўналишлари мавжуд:

1. Раҳбарнинг иш вақтини тақсимлаш. Иш вақтини мақсадга мувофиқ ташкил қилиш раҳбар меҳнатини такомиллаштиришнинг асосий омилидир. Бунда асосан ишга сарф қилинадиган вақт таҳлил қилинади.

Бундай таҳлилни тез-тез такрорлаб туриш ижобий самара келтиради. Иш куни, иш ҳафтаси, ўн кунлик, ой ва йиллар таҳлил асоси бўлади. Кундалик таҳлил натижаларини раҳбарнинг ўзи назорат қилиб туриши лозим. Бир неча таҳлиллар ўтказилгандан кейин раҳбар учун манзара ойдинлашиб, аниқ маълумотлар олинади. Раҳбар бу маълумотлар асосида иш вақтидан қанчалик тўғри фойдаланаётганлигини, асосий ишлар учун сарф қилина-

ётган вақти ва уларнинг меъёрини аниқлайди. Тахлил натижасига кўра бажарилаётган ишлар унинг вазифаси доирасига тегишли ёки тегишли эмаслигини ҳам аниқлаши мумкин. Бу натижалар раҳбарнинг иш вақтини тўғри ва унумли бўлишига хизмат килади.

Раҳбарнинг иш вақтини ташкил қилиш унинг мавзулари рўйхатини тузишдан бошланади. Бу раҳбар бажарадиган ишларни ўз ичига олади:

2. Раҳбарнинг хизмат юзасидан ходимлар билан учрашувлари.

Бундай учрашувлар бошқарув ишининг бир кисми хисобланади. Бу вактда раҳбар хузурига бошқа кишиларнинг максадга номувофиқ ишлар билан тез-тез кириб туриши унинг иш фаолиятига птур етказиши, раҳбар ходим билан кўзда тутилган сұхбатни ўтказа олмаслиги, ходим эса кўнглидаги фикрини тўлиқ баён қила олмаслиги мумкин.

Ходимларнинг раҳбар хузурига кириб-чиқиншини маҳсус жадвал орқали ташкил қилиш максадга мувофиқ келади.

3. Раҳбарнинг ходимлар билан сұхбатлашиши.

Иш юзасидан учрашувлар оралиғида раҳбарнинг ўз ходимлари билан сұхбатлашиб туриши мухим аҳамиятга эга. Сұхбатларнинг мазмуни, вазифаси ва натижаси ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, маълумот олиш ёки бериш, ходимлар билан танишиш, уларга вазифа бериш ва шу кабилар. Сұхбат ходимларни ишга қабул қилишда ва одатдаги маъмурий жараён даврида ҳам ўтказилади.

Сұхбатларни маъноли, маданиятли ва керакли мавзууда ўтказиш ҳам раҳбарнинг малакасидан дарак беради.

Сұхбатни режа асосида тузиш керак. Биринчи навбатда, сұхбатнинг вазифасини (мехнат интизомини мустахкамлаш, унумдорликни ошириш, рағбатлантириш ва ҳоказо), сұхбатни олиб бориш усулини (нимадан бошлаш, нималарни гапириш ва ҳоказо) ва уни ўтказиш вақтини аниқлаш максадга мувофиқ бўлади.

4. Кичик мажлис (йиғилиш) ўтказиш ва унда сўзга чиқиши. Раҳбар фаолиятида ишлаб чиқаришга оид ҳар хил йиғилишлар ўтказиш ва ўтказилаётгандарнида иштирок этиш катта аҳамиятга эга. Бундай йиғилишлар раҳбар ишининг самарадорлигини оширади. Йиғилиш мавзуси ва мақсадига қараб қатнашувчилар доираси аниқланади.

Йиғилишда раҳбар маъруза қилиши ёки сўзга чиқиши мумкин. Шунинг учун у яхши тайёргарлик кўриши,

нотиқлик санъатига эга бўлиши, ўз ходимларига сўзга чиқишдан мақсадини тушунтира олиши керак. Ҳар кандай йиғилишдан сўнг унинг ишини таҳлил қилиш самаралидир. Бунда мақсадга қай даражада эришилгани маълум бўлади.

5. Ахборот ва техник воситалар. Раҳбар фаолияти-нинг асосини одамлар билан ишлаш ташкил қиласи. Аммо у барча ҳужжатлардан ва техник воситалардан самарали фойдаланиши зарур. Корхонага келиб тушувчи ва ундан чиқувчи ҳужжатларнинг аниқ рўйхати бўлиши керак. Ко-тиба ҳужжатлар рўйхатини аниқ йўлга қўйган бўлса хеч қачон ҳеч нарса йўқолмайди, ҳамма жавоб ва ечимталаб ҳужжатлар ўз вактида бажарилади. Яна шуни эслатиб ўтиш керакки, тезда бажарилиши зарур бўлган ҳужжатлар алоҳида рўйхатда бўлиши керак.

Техник воситалар орасида телефон ва бошқа турдаги алоқа воситалари катта аҳамиятга эга. Шунинг учун бундай восита билан ишлаш усулини аниқ таҳлил қилиш зарур.

Телефон орқали гаплашиш усулини ҳам такомиллаштириш талаб қилинади. Агар раҳбарга фавқулодда кўнғироқ қилинганда сўзлашув вакти уч минутдан ортмаслиги керак, олдиндан келишилган тақдирда ҳам телефон орқали сўзлашув даври узайиб кетмаслиги лозим. Амалда икки кўнғироқ тизими тез-тез қўлланилади. Биринчи кўнғироқда сўзлашув вакти мавзуси ва даври келишилади, иккинчисида эса тез-тез ва аниқ гаплашилади. Агар телефон орқали сўзлашув чўзилиб кетадиган бўлса, унда учрашув ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Раҳбар ишини селектор ва циркуляр алоқа тизими бироз енгиллаштиради, чунки бунда бир неча ходим билан бир вактда гаплашиш мумкин бўлади.

2- §. РАҲБАРНИНГ ШАХСИЙ ИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

Раҳбар ишининг самарадорлиги унинг ўз меҳнатини ташкил қилишига кўп жихатдан боғлиқдир. Малакаси юкори раҳбарларнинг иш тажрибаси шуни кўрсатадики, улар фаолиятидаги ютуклар вазифаларни муваффакият билан адо қилиш ва ходимлар қўнимсизлигини бартараф эта билиш билан бевосита боғлиқ. Шахсий вазифаларини аниқ билиш ва ўз ваколатларининг бир қисмини қўл остидаги ходимларга топшириб қўйиш раҳбар маҳоратидан дарак беради.

Вактни режалаштириш, қўл остидага кишилар билан зарур мулокотни ташкил қилиш, ахборот ва ҳужжатлар

билан ишлай билиш раҳбар ходим фаолиятини аник ташкил этилишининг муҳим соҳасидир.

Йиллик, чораклик, ойлик ва ҳафталик иш режаларини тўғри ишлаб чикиш раҳбарнинг иш вактини мақсадга мувофиқ таҳсимилаш имконини яратади. Турли даражадаги раҳбарларнинг иш режалари олдиндан келишиб олинган ҳолда тузилган бўлиши лозим. Бунда, биринчи навбатда, энг юқори лавозимли раҳбарларнинг иш режаси ишлаб чикилиши зарур.

Раҳбарнинг иш вакти қандай мақсадларга сарфланадётганини вакти-вакти билан таҳлил қилиб турилса ўз самарасини кўрсатади. Шундай таҳлил асосида ишларнинг мавзулари ишлаб чикилади ҳамда уларни бажаришга сарфланадиган вактнинг тахминий меъёрлари белгиланади.

Раҳбарнинг йиллик иш режаси. Бу режа бир йил давомида бажарилиши лозим бўлган ишларни ўз ичига олади. Улар таркибига қўйидагилар киради.

- йиллик ҳисобот ҳужжати;
- йиллик буюртмалар;
- келгуси йил режаси;
- йил мобайнида бажариладиган ишлар муддати;
- йил давомида ўтказиладиган мажлис ва йиғилишлар муддати;
- корхона жамоасининг анъаналарини ўтказиш муддати ва ҳоказо.

Бу ишларга ажратилган вакт баъзида тахминий бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун уларга йил давомида аниқлик киритиб турилади.

Раҳбарнинг ойлик иш режаси. Бу режа ой давомида бажариладиган ишлардан иборат бўлиб, унга қўйидагилар киради:

- давлат ва тармоқ ҳажмидаги ҳисобот ишлари ва буюртмалар бажарилшининг назорати;
- корхона миқёсида маъмурият ва жамоат ташкилотлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилшини текшириб бориш.
- ўз қўл остидаги бўлимларнинг иш натижаларини таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш.

Бу ерда ойнинг тўртта ҳафтасида иш билан бандлик бир хилми ёки ҳар хиллигига аҳамият бериш зарур. Раҳбар ходимнинг асосий вазифаси ойлик иш ҳажми ҳафталар ўртасида тўғри таҳсимилашига эришишдан иборатdir.

Раҳбарнинг ҳафталик иш режаси. Бу энг мураккаб

режа хисобланади. Бу режада зарур масалалар яхши ўйлаб, фикрлаб кўрилади. Ҳафта давомида бажариладиган ишлар миқдори жуда кўп, жумладан: вазирлик ва ижрокомлар чакиригидан тортиб то ходимларни шахсий масалалар бўйича қабул қилиш ва хужжатлар билан ишлаш. Бундай ҳажми катта ишда тартиб ва интизом ўрнатиш учун раҳбарнинг иш вактини иккита асосий гуруҳга бўлиш мумкин:

- а) иш билан банд вакти;
- б) ишдан бўш вакти.

Раҳбарнинг иш билан банд вакти ўз навбатида яна икки турга бўлинади: *иш билан мутлоқ ва шартли бандлик*.

Мутлоқ банд бўлинадиган иш вактига қуйидагилар киради:

— нонушта вакти, диспетчерлик соати, директор хонасида ўтказиладиган ҳафталик йиғилишларда қатнашиш, баъзи бир ҳайъат ишларида иштирок этиш, ходимларни шахсий масалалар бўйича қабул қилиш ва ҳоказолар.

Шартли бандлик вактига корхона ҳудудидаги ёки шаҳар идоралари йиғилишларида иштирок этиш зарур бўлган иш соатлари киради. Шунинг учун раҳбар шаҳар идора ташкилотлари йиғилиши ва мажлисларида иштирок қилиш зарур бўлган кун ва соатларни олдиндан белгилаши зарур. Шартли бандлик иш вакти даврида ҳеч қандай йиғилиш ва иш юзасидан учрашувлар ўтказилмайди ҳамда каерга чакирсалар ҳам раҳбар у вактдан шахсий бўш вакт ўрнида фойдаланса бўлади. Бундай иш вактини яна икки қисмга бўлиш мумкин: *чекланган ва шахсий бўш вакт*.

Раҳбарнинг чекланган бўш вакти. Ҳар бир раҳбар ўз кўл остидаги ходимлар учун аник кун тартибини ўрнатиши керак. Шунинг учун қуйидаги ишларнинг бажариш вактини ажратиши зарур:

- ишлаб чиқариш бирлигини ва кичик бўлимларнинг умумий мажлисини ўтказиш;
 - маълум иш доирасидаги масалалар бўйича масъул мутахассислар йиғилишини ўтказиш;
 - хужжат тайёрловчи ходимларнинг иштироки мажбурий бўлган иш қофозларини имзолаш;
 - бўлимлар ишларига тааллукли ва бошқа тадбирлар учун сарфланадиган вакт (қисқа муддатли йиғилиш ўтказиш, иш жойларини айланиб чиқиш ва ҳоказолар);
 - ходимларни шахсий масала бўйича қабул қилиш.
- Агар раҳбар ўз лавозимига янги тайинланган бўлса,

унда у дастлабки 3—4 ой давомида факат раҳбарлик вазифасини ўрганиш билан шуғулланиши, сўнгра ўз иш режасини мустақил равишда тузишга киришгани маъқул.

3- §. РАҲБАРНИНГ ИШ ЖОЙИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Раҳбарнинг самарали меҳнати унинг иш жойини ташкил қилишга ҳам боғлиқ.

Раҳбарнинг *иш жойи* деб унинг ўз меҳнат фаолиятини амалга оширадиган ва зарур техник воситалар билан ҳамда жиҳозлар билан безатилган хонага айтилади. Раҳбарнинг иш жойи бир қатор талабларга жавоб бериши керак.

Чунончи, хонанинг сатҳи талаб қилинадиган санитария меъёrlарига жавоб бериши; хона жиҳозлари бажариладиган вазифага мос гигиена, психофизиология ва эстетика талабларига жавоб бериши; хонадаги техник восита ва жиҳозларнинг турлари ва сони бажариладиган иш вазифасига ҳамда унинг ҳажмига мос келиши зарур. Иш жойларини ташкил қилиш лойиҳаларини ишлаб чиқишида бир турдаги лойиҳаларни танлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай лойиҳалар тармок лойиҳалаштириш олий илмгоҳларида ишлаб чиқилиб амалда қўлланилади.

Хозирги вактда раҳбарлар учун оддий иш жойлари билан бир қаторда ҳар хил раҳбарлик мутахассисликлари учун автоматлаштирилган иш жойлари ҳам қўлланилмоқда. Автоматлаштирилган иш жойлари — маълумотларни аниқ кўрсатадиган воситалар, ёрдамчи дастгоҳлар ва мебеллар билан жиҳозланган, раҳбарнинг меҳнат фаолиятини бажарувчи иш жойларидир.

1. Хизмат хоналарининг мақсадга мувофиқ тузилиши ва жойлаштирилиши

Раҳбар ходимларнинг меҳнат унумдорлигини оширишда иш хоналарининг ўлчов ва шаклларини талабга мос келадиган қилиб яратиш керак. Хоналарнинг энг кулай шакли — тўртбурчак хоналардир. Бунда томонларнинг нисбати 1:1, 1:1,5 ва 1:2 бўлиши мумкин. Хоналарнинг баландлиги 3,25 метр, кенглиги 2,5—3 метр бўлиши хона икки томондан ёритилса, узунлиги 12—15 метр бўлиши, бир томондан ёритилган такдирда 6—7 метрга тенг бўлиши керак.

Раҳбарнинг иш жойини ташкил қилишда ундаги жиҳоз

ва мебелларни тўғри жойлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса иш вақтини тежашни ва хона саҳнининг самарали ишлатилишини таъминлайди.

Хоналарни жиҳозлашда қўйидаги талабларга риоя қилиш керак:

а) раҳбарнинг иши бошқа корхона ва ташкилотлар вакилларини қабул қилиш билан боғлик бўлса, унинг хонаси бинонинг биринчи қаватида жойлашгани маъқул;

б) хонадаги жиҳозлар, яъни шкафлар, картотека қутилари ва бошқалар улар яқинига келиб кетиш, улардан фойдаланиш қулай бўладиган қилиб жойлаштирилиши керак;

в) иш столига ёруғлик чап томондан ёки олд томондан тушиши керак;

г) хонани иситувчи жиҳозлар раҳбар ўтирадиган жойдан маълум масофада махсус копқоқлар билан ёпилган ҳолда жойлаштирилиши лозим.

Раҳбар меҳнатининг ҳаракат доираси деб, унинг вертикал ва горизонтал йўналишларда ҳаракат қилиб ўз вазифасини бажаришига айтилади.

Раҳбарнинг иш жойидаги ҳаракати кичик ва катта доира ичидан бўлиши мумкин. Кичик ҳаракат доирасида раҳбар қўллари ва бармоқлари билан иш вазифасини бажаради. Бунда у асосий ишини тез-тез фойдаланиб туриладиган жиҳозлар ва буюмлар ёрдамида бажаради.

Катта ҳаракат доирасида камроқ ишлатиладиган жиҳозлар ва буюмлар узатилганда кўли етадиган доира-да жойлаштирилади.

Раҳбар иш жойини техник воситалар билан жиҳозлаш

Раҳбар меҳнатининг самарадорлигини оширишда техник воситаларнинг аҳамияти жуда каттадир. Техник воситалар туркумига қўйидагилар киради:

а) ҳужжат тайёрлаш воситалари. Ҳужжатлар тузишда котиблар ва иш юритувчилар электр ёзув машиналаридан кенг фойдаланадилар. Улар механик машиналарга нисбатан анча унумли ва шовқини кам бўлади.

Иш вақтини тежаш мақсадида хатлар, маълумотномалар, маърузалар, карорлар тайёрлашда диктофон ишлатилиши тавсия килинади. Диктофон техникасининг кўпроқ марказлашмаган ва марказлашган турлари ишлатилади. Биринчи тур диктофони раҳбарнинг иш вақтида 45 минутдан кўп ёзганда уларнинг хоналарига ўрнатилган шахсий ёзув аппаратидан фойдаланади. Марказлашган диктофон тури ишлатилганда ёзув ишларини бажаришда

машина ёзув бюросини ташкил қилиш талаб қилинади. Бу усул хужжат тайёрлашда иш вактни бироз тежайди.

б) хужжатларга ишлов берувчи, сакловчи ва киди-рувчи воситалар.

Келаётган хатларнинг конвертини очиш учун маҳсус электр конверт эгувчи машиналардан фойдаланиш мумкин. Бир неча варакдан ташкил топган (қалинлиги 2,5 мм дан ортиқ бўлмаган) хужжатларни темир скобалар билан бириктириш учун қўл ва электр қофоз бириктирувчи машиналардан фойдаланилади. Қоғозларни ёпишириш учун шаффоф ёпишқок ленталар жуда қулай.

Автомат номерлаш машиналари хужжатларга номер қўйиш, келган (ёки кетган) вактни белгилаш ва индекслар қўйиш учун ишлатилса, ишлар тезда бажарилади.

Хужжатларни турлари бўйича сақлаш учун ҳар хил картотекалардан фойдаланиш тавсия этилади. Раҳбар ишида хужжатларни тезда бириктириб сакловчи механизми папкалардан фойдаланиш вактни тежайди ва иш унумдорлигини оширади.

в) ҳисоблаш жараёнларини бажарувчи воситалар. Раҳбар ишида тайёр маълумотга эга ҳисоблаш чизғичларидан кенг фойдаланиш маълумот жадвалларини ва ўлчов асбобларини ишлатилишини камайтиради ва ҳисоблаш даврини қисқартиради.

Микрокалькуляторлар асосан индивидуал ҳисоблаш воситаси ҳисобланади ва улар режа-иктисодий, молия ва бошқа ҳисобларни амалга оширишга ишлатилади. Улар қулай ва ишончлидир.

г) Тезкор алоқа бажарувчи техник воситалар. Оғзаки маълумотларни тезда қабул қилиб олиш ва узатиш учун телефон алокасидан ташкари тезкор алоқа воситалари ҳам кенг ишлатилади. Бу воситалар мижозлар билан боғланиш вактни тежайди.

Чунончи, раҳбарнинг «Директор» коммутаторлардан фойдаланиши бир неча мижозлар билан бир вактда алоқа боғлашга, иш юзасидан кичик йиғинлар ўtkазиш ва муҳим маълумотлар олишга имкон яратади.

Шунингдек, телефон алокаси хизмати самарасини ошириш мақсадида концентраторлар, автоматли номер терувчилар, кучлантирувчилар, автожавоб берувчилар ва бошқа техник воситалардан фойдаланиш мумкин.

Концентратор аппаратларининг ишлатилиши иш жойида уттадан олтитагача телефон аппаратининг вазифасини бажаради.

2. Раҳбарнинг хизмат ҳонаси мебеллари ва уларга қўйиладиган талаблар

Мебеллар раҳбар ҳодимларининг иш жойини ташкил қилиш ва уни жиҳозлаш ишларида муҳим ўринни ташкил қиласди. Улар раҳбарнинг ҳужжатларни кидириб топишини енгиллаштириши ва иш даврида руҳий ва жисмоний толикмасдан ўтириши, харакати ва бошқа талабларга хизмат килмоғи керак.

Мебел танлашда раҳбарнинг ишига оид ҳужжатларни саклаш, ҳонадаги техник воситалар ва бошқа жиҳозлар инобатга олиниши керак.

Мебеллар асосан стандарт қисмлардан ташкил топган ва зарурат туғилганда шакли ва ўрни осонликча ўзгартириладиган бўлиши керак.

Мебелларнинг сирти гигиена талабларига жавоб бериши, силлик ва қаттиқ бўлмоғи, ёруғлик тушганда кўзни камаштирмаслиги лозим.

Умуман олганда, мебелнинг ташки кўриниши эстетик талабларга жавоб бериши, яхши кайфият ўйғотиши ва ҳонага ҳамма томондан мос келиши керак

4-§. БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИДА АҲБОРОТЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Бошқарув учун аҳборотларнинг аҳамияти. Ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини бошқариш жараёнини тезкор ва етук аҳборотларсиз тасаввур қилиш қийин. Аҳборотлар бошқарув негизи ҳисобланади ва бошқарувнинг сифати уларнинг замонавийлигига бевосита боғлик.

Амалда бошқарувчи тизим бошқарилувчи тизимдан ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти жараёнида бе-рилган техник иктисадий кўрсатгичларга оид аҳборотларни олиб туради. Зарурат туғилганда олинган аҳборотлар асосида бошқарувчи тизими бошқарув учун керак буйруқлар тайёрланади ва уни бажариш учун бошқарилувчи тизимга узатади.

Бошқарув алоқаси шакллари. Бошқарув куйида 14- чизма асосида амалга оширилади.



Мураккаб ва кўп киррали корхона хўжалигини бошқариш катта ҳажмдаги бирламчи ахборотларни кўриб чиқиши талаб қиласди. Уларга қўйидагилар киради: статистик, оператив-ҳисобот, режа-иктисодий, бухгалтерлик, молиявий, моддий-техника таъминоти; капитал куриш; технологик; конструкторлик ва бошқалар.

Ахборотлар келиб чиқиш манбаларига кўра ташки ва ички ахборотга ажратилади.

Ташки муомалалардан қелиб чиқувчи ахборотлар ташки ахборот ҳисобланади. Унинг таркибига ишлаб чиқиляётган маҳсулотга бўлган талаблар, техника тараққиётiga оид ахборотлар, илғор корхоналар иш тажрибалари ва шу кабилар киради.

Ички ахборотга ишлаб чиқариш жараёнига оид, режа топшириқларининг бажарилиши, цех ва участкаларнинг ишларига, маҳсулотнинг сотилиши ва таннархини камайтиришга оид ахборотлар киради.

Ахборотлар, бошқарув жараёнига ўхшаб, ўзининг ҳажми, таркиби ва келиб тушган вақти бўйича бошқарув даражасига бевосита боғлиқ. Бу даража қанчалик юқори бўлса, бирлашган ва ишлов берилган ахборот учун зарурат шунчалик кўпайиб боради.

Ахборотлар шартли ўзгармайдиган ва ўзгарувчи турларга бўлинади.

Шартли ўзгармайдиган ахборотлар таркибига нисбатан кам ўзгарувчи ахборотлар киради. Булар барча турдаги меъёрлар, қийматлар, режа кўрсаткичлари ва бошқалардир. Бундай ахборотлар бошқарув учун зарур бўлган ахборотларнинг 60—70 фоизини ташкил қиласди.

Ўзгарувчи ахборотлар мураккаб ва муҳим ахборотлардир. Бу турдаги ахборотлар ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти жараёнининг ўзгаришини акс эттиради. Бундай ахборотларни тўплаш ва уларга ишлов бериш анча мураккаб жараёндир. Ишлов беришда иложи борича чаққонлик зарур, акс ҳолда бундай ахборотлар ўзининг муҳим ва керакли аҳамиятини йўқотиши мумкин.

Бошқарув амалиётида иккиламчи ахборотлардан ҳам фойдаланилади. Бундай ахборотлар шартли ўзгармайдиган ва ўзгарувчи ахборотларга берилган дастур асосида ишлов берилмаслиги натижасида юзага келади ва улар бошқарув жараёни ҳамда карорлар қабул қилиш учун анча етук ва муҳим ахборот ҳисобланади.

Корхонанинг бошқариш учун зарур бўлган барча турдаги ахборотлар мажмуи ахборот тизимини вужудга

келтиради. Бошқарув ва ахборот тизимлари бошқарувнинг ҳар қандай босқичида бир бутун бўлиб фаолият кўрсатади. Аммо улар ўзининг вазифаси ва таркиби билан ҳар хилдир. Мисол учун бошқарув тизими ишлаб чиқаришнинг ҳажмига, унинг техник даражасига ва тармоқ турига караб ҳар хил бўлиши мумкин. Ахборот тизими эса таркиби бўйича ҳамма вакт бир хил бўлиб колади ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ҳар хил бўлишидан катъи назар, у ахборот тўплаш, уни жўнатиш ва ишлов бериш жараёнларидан иборат бўлади.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши, корхонанинг ички ва ташки ишлаб чиқариш ҳамда алоқаларининг кенгайиши қарор қабул килиш ва буйруқ тайёрлашдан олдин инсон ўзлаштириши зарур бўлган ахборот ҳажмини жуда кўпайтириб юборади.

1. Ахборотлар тизими турлари

Ахборот тизимлари икки хил бўлиши мумкин:

1) *Оддий тизим* — ахборот бунёд бўлган жойидан истеъмол жойига келтирилади. Бундай ахборот телефон орқали ёки сигналлар ёрдамида келиб тушиши мумкин. Бу турдаги ахборот тизими куйи бошқарув босқичига тўғри келади. Бундай ахборотга деярли ишлов берилмайди.

2) *Мураккаб ахборот тизими* — бу тизим ишлаб чиқариш ва бошқарув ташкилий таркибининг мураккаблигига мөс келади.

Мураккаб ахборот тизимини бир қатор белгиларига кўра ҳар хил турларга бўлиш мумкин. Муҳим белгиларидан бири ахборотга ишлов беришни механизациялаш ва автоматлаштиришdir. Бу эса ахборот ишловининг сифатини яхшилайди.

Бошқарув жараёнининг бирдан-бир тараққиёти ахборотга ишлов беришда хисоблаш техникасидан кенг микёсда фойдаланишdir.

Мураккаб ахборот тизимининг ҳар хил даражада механизациялаш ва автоматлаштириш турлари кўйидаги-лардан иборат:

1. *Ахборотларни тўла ўзлаштириш даври* — инсон орқали оддий механизациялашган қурилмалардан фойдаланиш эвазига амалга оширувчи ахборот тизимиdir.

2. *Аралаш ахборот тизими*. Бунда инсон ахборотни механизациялашган ва автоматлашган қурилмалар ёрдамида ўзгартиришларга эришади.

Бу тизим автоматлашган назоратни таъминлайди, баъзида корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти устидан оддий бошқарув жараёнини амалга оширади.

3. *Ахборот — маълумотнома тизими*. Бу кўз билан бажариладиган назорат учун баъзи бир маълумотларни бериш билан чекланади.

4. *Кузатувчи ахборот тизими*. Бу тизим автоматлашган назорат ва бошқарувни таъминлайди.

Бу иккала ахборот тизимлари асосан технологик жараёнга тегишли ахборотларни қайта ишлаш учун ишлатилиди.

2. Бирламчи ахборотлар ва уларни жамлаш ўсуллари

Бирламчи ўзгарувчан ахборотни шакллантириш қўйидагича: қўлда бажариш усули, ўзи ёзувчи курилмалар, механизациялашган ва автоматлашган воситалар ишлатилиши ёрдамида амалга оширилади.

Сўнгги даврда ҳар хил турдаги ишлаб чиқаришни ҳисобга оловчи курилмалар яратилмоқда ва ишлатилмоқда. Чунончи, периферий ҳисобга олиш курилмалари ахборотларни уларнинг яратилган жойларида қабул килиб оладилар, рўйхатдан ўтказадилар ва корхонанинг ҳисоблаш марказига, ҳисоблаш машиналарига киритиш ва ишлов бериш учун берадилар. Шу каби ташкилий техника воситаларининг корхоналарда кўпайиши ахборотни ва унинг асосида бошқарувни такомиллаштириш учун алоҳида аҳамиятга эга.

Корхоналарда пайдо бўлаётган ҳисоблаш техникасини периферий техникасиз, ҳисобга оловчи, кўчириб ёзувчи воситаларсиз ишлатиш иқтисод нуктаи-назаридан самара-сиз ва кутилган фойдани бермайди.

Ахборот жамлаш тизимини унинг барча рўйхатга олиш шакллари билан, диспетчерлик хизмати билан кўшиб олиб бориш яхши самара беради. Айниқса, бу кўплаб ишлаб чиқариш турида фойдали ҳисобланади. Бунда ҳисоб учун қулай жойларда ўрнатилган датчиклар ишлаб чиқаришга киритилган ёки чиқарилаётган тайёр маҳсулотни ҳисоб килиб боради, диспетчерлик пунктига импульсли сигналларни юбориб туради. У ерда эса чизма графиклар ёрдамида режа топширикларини, маълум вактда ишлаб чиқилган маҳсулот сонини, дастгоҳларнинг қанча вакт бўш туриб қолганини, ҳар қайси деталь бўйича қанча

эҳтиёт қисм қолганлигини ва бошқа шу каби ахборотларни бошқарув зарурати учун бериб боради.

Бирламчи ахборот тизими кўпинча ва ҳар хил вазијатларда аникланиши мумкин. Асосий ишни бу ерда ишлаб чиқариш тури ва бошқарув тизимининг хусусиятлари бажаради.

3. Ахборотларга ишлов бериш ва уларни бошқарув қарорини қабул қилиш учун тайёрлаш

Ахборот тизимини ташкил қилишда иложи борича бирламчи ахборотларни камайтириш, берилган маълумотларни кўпроқ ишлатиш, фактат бошқарув учун зарур бўлган дикқатга сазовор ва қарор қабул қилиш учун керакли ахборотларни бериб бориш зарур.

Ахборотларни камайтириш корхонанинг ҳисоблаш марказида сақланувчи шартли ўзгармайдиган ахборотлар ҳисобига амалга оширилиши керак. Ахборотларнинг камайиши аввало шифр ва кодлар киритилиши ҳисобига амалга оширилади. Шу билан бирга, бир хил маълумотлар турли ахборотлар олиш ниятида бир неча марта такрор ишлатилиши мумкин.

Механизациялашган ва автоматлашган ахборот тизимининг самарадорлиги уларнинг қўйидаги ишларни бажара олишига боғлиқ:


1) Жуда оз вакт ичидан цехлардан, омборлардан ва бошқа жойлардан ахборотларга ишлатиш учун қулай шаклда ишлов бера олиш;

2) аввалдан маълум бўлган иктисадий натижалар билан биргаликда бошқарувни асослаш ниятида ахборотни имконияти борича кенгайтира олиш;

3) ахборотларни тартибга солинган ҳолда жамлай олиш ва узок вакт саклай олиш;

4) қарор қабул қилиши учун ахборотларга маромига етказиб ишлов бера олиш.

Агар корхоналар электрон ҳисоблаш машиналари ҳамда периферий техникаси билан жиҳозланган ҳисоблаш марказига эга бўлсалар унда ахборотларга ишлов бериш жараёни қўйидаги операциялардан ташкил топган бўлади: бирламчи ахборотни қабул қилиш, уни ЭҲМга киритиш учун тайёрлаш, ахборотларни ЭҲМга киритиш, ахборотларга ишлов бериш, уларни чиқариш, ахборотни бошқариш учун керакли жойларга бериш, қабул қилинган қарорларни алоқа тизими воситаси билан бошқарилувчи



объектларга етказиш ва ахборотларни келажакда ишлатиши учун қулай кўринишда саклаш. Ахборотларга ишлов бериш 15-чизмада берилган.

Бошқарув тизимида ҳисоблар натижасини белгилаш шакллари муҳим аҳамиятга эга. Улар қарор қабул қилиш жараёнида инсон тушуниб етиши учун қулай бўлмоғи керак.

Ҳал қилинадиган масалага қараб ахборотни қарор қабул қилиш учун тайёрлаш ҳар хил кечиши мумкин. Бу ҳал қилиниши керак бўлган масалага бевосита боғлиқ. Ахборот қанчалик аниқ, ҳар томонлама бўлса, қабул қилинадиган қарор шунчалик ҳаққоний бўлади.

5- §. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ АВТОМАТЛАШГАН ТИЗИМЛАР ЁРДАМИДА БОШҚАРИШ

Автоматик бошқариш тизимларининг асосий турлари.

**Ишлаб чиқаришни автоматик тизимлар ёрдамида
бошқаришнинг тузилиши.**

**Автоматик бошқариш тизимларининг тавсияномаси ва
уларни синфларга бўлиш**

Автоматик бошқариш тизимларига «одам-машина» тизимлари, бошқариш вазифасини амалга оширишда, яъни ахборотни йиғиш ва қайта ишлашда объектнинг мақсадга мувоғиқ ишлаб туришини таъминлашда қўлланиладиган автоматика воситалари ва ҳисоблаш техникиси киради (ГОСТ 24.003—81).

Қайта ишланувчи ахборот ҳажмининг ўсиши ва бошқаришнинг мураккаблашиши табиий равишда электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) ни қўллаш заруриятини келтириб чиқаради. ЭҲМ асосида бошқариш тизимини яратиш 60-йилларга тўғри келади. Машинасозликда ЭҲМнинг кенг қўлланиши технологик жараёнлари бошқариш тизимларини автоматлаштириш (АСУТП), лойихалаш (САПР), ахборотларга қайта ишлов бериш (АСОИ), ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан тайёрлаш (АСУТПП), корхоналарни, фирмаларни, бирлашмаларни, тармокларни, худудий туманларни бошқариш (АСУП) учун маҳаллий автоматик тизимлар яратилиши билан амалга оширилади. Ҳозирги пайтда ишлаб чиқаришни бошқаришда жамловчи автоматик тизимларни яратиш жараёни кетмокда. Бу эса умумий техник ахборот, дастур ташкил этиш асосида ЭҲМдан кўпроқ мақсадга мувоғиқ фойдаланиш имкониятини яратади.

16- чизмада халқ хўжалигида қўлланилаётган автоматик бошқариш тизимининг синфларга бўлиниши кўрсатилган.

(ОГАС) Ахборотни йиғиш, уни қайта ишлаш учун умумдавлат автоматлаштириш тизимидан фойдаланилади. У халқ хўжалигини бошқариш, режалаштириш ва ҳисобга олишни ҳисоблаш марказларининг давлат тармоқларини (ГСВЦ) мамлакатнинг умумавтоматлашган алоқа тизими ёрдамида бажариш асосида намоён бўлади.

ОГАСнинг асосий вазифаси халқ хўжалигини режалаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш учун ахборот йиғиш ва уни қайта ишлаш умумдавлат тизимини яратиш, шунингдек иқтисодий-математик усуллар ва ЭҲМни қўллашдан иборатdir. ОГАС ёрдамида давлат, тармок, туман корхона АБТлари умумий услуг, ташкил этиш, ахборот ва техника асосида чамбарчас боғланади. У бошқаришнинг барча дараражаларини камраб олади. Буни йириклишган ҳолда тўрт дараражага бўлиш мумкин:

1) Ўзбекистон республикасининг давлат ҳисоблаш маркази (РГВЦ).


2) Ўзбекистон вилоятларининг давлат ҳисоблаш марказлари (ОГВЦ) (тармоқлар ва вазирликлар бўйича).

3) Иқтисодий-ҳудудий давлат ҳисоблаш марказлари (ЭТГВЦ).

4) Бирлашма, корхона, фирма ҳисоблаш марказлари (ВЦ).

ОГАС қуидаги вазифаларни бажариши керак: халқ хўжалиги ривожланишининг йиллик ва истиқбол режаларини ишлаб чиқиш. Бунда тармоқлар бўйича режа лойиҳалари, вилоят режалари лойиҳалари, моддий-техник таъминоти, режалари капитал қурилиш, молия ва транспорт таъминоти режалари тузилади, барча режаларни бошқариш ва ресурс режалари билан боғланади, халқ хўжалигининг барча бўғинлари учун ҳисобот ва ҳисобга олиш ишлари олиб борилади; давлат режалари бажарилиши оператив бошқарилади ва назорат қилинади, мижозлар барча дарааждан маълумотнома ахборот, хизмат кўрсатиш ишлари билан таъминланади. Мижозларга ВЦ, ВЦКП, КВЦлар ишдан чиқкан пайтда хизмат кўрсатиляди, масалан, исталган ВЦ да ОГАСдаги берилган масаланинг ечими олиниши мумкин, бунинг учун шу пайтда машина вакти захираси бўлиши етарли. Бу бутун тизимнинг яшовчанлигини таъминлайди.

ОГАСнинг техник базаси ЭҲМдан колектив ёки индивидуал фойдаланишининг кулагай шакллари, шу-



16- чизма

нингдек ҳисоблаш марказлари тармоқлари шаклида яратилади.

Ҳисоблаш марказларининг давлат тармоқлари ГСВЦ — ОГАСнинг техник таъминот кисми бўлиб, турли хил мақсадлар учун йўналтирилган ва ахборотни автоном ёки бир бутун ҳисоблаш мажмуаси сифатида йиғилиш учун мўлжалланган турли даражадаги ҳисоблаш марказлари-нинг тўпламиdir.

ГСВЦга қўйидагилар киради:

йирик корхоналар, ишлаб чиқариш ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларида, комбинатларда вужудга келтирилган якка жамоа фойдаланиш учун ХМ (ВЦКП);

тармоқ учун ХМ (ҚВЦ);

абонемент пунктлари.

АСУП — одам машина тизими бўлиб, ахборотни йиғиш ва қайта ишлашини автоматлаштириш, корхонани автоном ёки АБТ таркибидаги бирлашма, фирма сифатида бошқаришни зарурий қулай ҳолда таъминлайди. АСУПни вужудга келтиришдан мақсад — ишлаб чиқариш — хўжалик фаолиятининг мақсадга мувофиқлигини оширишdir. Бу эса иқтисодий-математик усуллар ва ҳисоблаш техникасини қўллаш, шунингдек, бошқа бошқаришни такомиллаштириш тадбирлари ҳисобига таъминланади, булар жумласига ҳужжатларнинг шаклларини ва айланишини яхшилаш, норматив — маълумотнома катталикларини тартибга келтириш, АСУПни ишлаб чиқишида унинг кисм бўлинмалари ва ижро этувчиларининг вазифасини аниқлаш киради. Ўз вазифасини бажариш технологияси нуктаи назаридан ҳар қандай бошқариш тизими қўйидаги уч вазифани бажаради:


1) бошқарилаётган обьект ҳақида ахборот йигиш ва уни узатиш;

2) уни қайта ишлаб чиқиш;

3) ахборотни таҳлил қилиш ва бошқарилаётган обьектга бошқарувчи таъсир кўрсатиш АСУП уч масалани автоматлаштиради ва бу билан ЭҲМни оддий қўллашдан фарқланади.

Рахбар ходим АБТ орқали олинган маълумотлардан фойдаланиб, муайян вазият учун ишлаб чиқилган бошқаришнинг шаклланмаган элементларини ҳисобга олиши ва қарор қабул қилиш керак. Бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва унинг ишлаб туришини таъминлаш 17- чизмада кўрсатилган.

САР — автоматлашган лойиҳалаш тизими бўлиб,



лойиҳалаш ташкилотларининг бўғинлари орасидаги зарурӣ ўзаро боғланишларни таъминловчи автоматлаштириш воситаларидан иборатdir (ГОСТ 22487—77). САПР тизими бўлинмалари бир-биридан ўзининг таркиби ва мўлжалланган вазифаларига кўра фарқланади. Лойиҳалашнинг муддатини қисқартириш, унинг меҳнат ҳажмини камайтириш, лойиҳалаш ҳужжатларининг сифатини яхшилаш ва лойиҳаланаётган буюмларнинг техник иқтисодий кўрсаткичларини ва сифатини яхшилаш учун САПР вужудга келтирилади.

АСТПП — ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан тайёрлашни автоматлаштириш тизими бўлиб, ишлаб чиқаришнинг технологик тайёрлаш функциясини бажаришда техника ва дастурли воситаларнинг одамлар билан ўзаро таъсирини таъминлашдан иборат.

АСТПП тўлиқ йўлга кўйилганда, у ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашнинг барча масалаларини ечишни, яъни унинг лойиҳасини тайёрлаш, таҳлил килиш, хисобга олиш ва автоматлаштирилган режимда ишлашини таъминлаши керак.

Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлашнинг автоматлаштириш тизими қатор бўлимларни ўз ичига олади. Бу бўлимлар куйидагилардан иборат: буюм тузилишининг ясалувчанлигини таъминлаш, технологик жараёнларни лойиҳалаш, технологик воситалар билан жиҳозлашни шакллантириш, ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан тайёрлашни бошқариш, технологик жиҳатдан жиҳозлаш воситаларини ясаш, ресурсларни нормалаштириш.

АСУТП — технологик жараёнларни автоматик бошқариш тизими технологик объекtlарни бошқаришнинг самарали йўлларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш учун мўлжалланган. Асосан унинг вазифаси маҳсулотнинг сифатини яхшилаш, жараёнини барқарорлаштириш жонли меҳнат сарфини камайтириш, энергия, ёнилғи, хомашёни тежашдан иборатdir.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиши кўп жиҳатдан янги ва такомиллашган автоматик бошқариш тизимларининг яратилишига bogлиқdir.

ИАСУ — кўп даражали бошқариш тизими бўлиб, бошқаришнинг умумий мақсадга мувофиқлиги ва сифатини яхшилаш учун корхона бўлимларининг технологик жараёнларини маҳаллий АСУлар билан мувофиқлаштириш зарурияти уларни тушиб муаммосини келтириб чиқаради.

АСУПни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш. АСУПни яратиш куйидаги босқичларга бўлинади:

1. АСУП лойиҳасини техник жиҳатдан иқтисодий асослаш ва техник топшириқ тузиш.
2. Лойиҳанинг техник ва ишчи ҳолатини амалга ошириш.
3. АСУПни ишга тушириш.

Тизимни қабул қилиш, ишлатиб кўриш синовлари. АСУПни яратиш босқичларининг нисбий меҳнат ҳажми I- жадвалда кўрсатилган.

1- жадвал

Ишлаб чиқиш босқичи	Меҳнат ҳажми, фоиз
Лойиҳалашдан олдинги босқич	3
Техникавий лойиҳалаш	27
Ишчи лойиҳа	48
Ишга тушириш	15
АСУПнинг ишлашини таҳлил қилиш	7

АСУПни ишлаб чиқиш узок муддатли жараён бўлиб, маҳсус илмий текшириш илмгоҳларининг мутахассислари ёки корхонанинг АСУП ходимлари томонидан амалга оширилади.

АСУПни яратишнинг бир қатор босқичлари ичida куйидагилар ажралиб туради:


1. Лойиҳаланаётган бошқариш тизими моделининг умумий параметрлари корхонани лойиҳа олдидан диагностик таҳлил қилиш ва бошқариш учун қўлланилаётган тизимлар асосида аниқланади.

2. Умумий параметрларни таҳлил қилиш натижалари асосида лойиҳаланаётган бошқариш тизимининг умумий тузилиши белгиланади ва уни амалга ошириш учун техник воситаларга бўлган эҳтиёж аниқланади.

3. Танланган техник воситаларнинг хусусиятларидан келиб чиқган ҳолда, маълумотларга ишлов бериш тизими ни уюштириш ва ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш амалга оширилади.

4. Техник воситаларни ишга туширишдан бошлаб автоматлаштирилган бошқариш тизимининг техник база-си кенгайтирилади, биринчи галда уларни кулагаштириш жорий қилинади. Автоматлаштиришда уч турдаги ишлаб чиқиш услуби қўлланилади:

тизимли, қуий тизимли, электрлар бўйича ёндошиш.



Тизимли услуг — тизимнинг комплекс лойиҳасини бошқаришнинг барча вазифалари бўйича жараёнларни ахборот-техник таъминлаш тизимларининг бир бутунлиги ни ўз ичига олувчи ишлаб чиқишидир. Тизимли услугда намунавий лойиҳалардан кейг фойдаланилади. Автоматлаштиришнинг қуи тизимли услуги ишлаб чиқариш ёки функционал принципда бирлаштирилган комплекс масалаларни камраб олади.

АСУПни ишлаб чиқишнинг исталган услубида намунавий лойиҳаларнинг ечимидан кўпроқ фойдаланиш зарур. Намунавий лойиҳа ечими (ТПР) деганда ташкилий иқтисодий, АСУни дастур ва техник таъминловчи, АСУПни агрегатлаш усулида обеъктнинг хусусиятларини акс эттирувчи маълумотлар билан таъминловчи намунавий лойиҳа хужжатлари тушунилади.

1. АСУПни ташкилий таъминлаш Ташкилий таъминлашнинг асосий йўналишлари

АСУПни ташкилий жиҳатдан таъминлаш деб ишлаш шароитида автоматлаштирилган бошқариш тизими персоналининг фаолиятини кўрсатувчи хужжатлар тўпламига айтилади (ГОСТ 24003—84). Корхона АСУПни жорий килишда ташкилий жиҳатдан жуда ҳам катта ишларни бажаради. Бунда бажариладиган ишларнинг мажмуси 18- чизмада берилган.

6- §. РАҲБАРНИНГ ўЗ УСТИДА ИШЛАШИ

Ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишда раҳбар ходимларнинг малакасини узлуксиз ошириб бориш алохида аҳамиятга эга.

Корхоналарда раҳбарларнинг малакасини ошириш корхона жамоа битимида ҳам кўзда тутилади. Бу масала ҳар бир корхонанинг иқтисодий ва ижтимоий тараккиёт режасида ўз аксини топади.

Малака ошириш турлари кўп бўлиб, малака ошириш олийгоҳлари, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларининг малака ошириш куллиётлари; республика саноат тармоғи ва тармоклараро малака ошириш олийгоҳлари, илмий-тадқиқот, лойиҳа конструкторлик ташкилотлари шулар жумласидандир.

Раҳбарлар уч, тўрт, узоги билан беш йилда бир марта, ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда, олдиндан белгиланган муддатда малака ошириш билимгоҳларига юборилиши зарур.

Республикамизнинг мұстакил бўлиши ва юртимизнинг иқтисодий тараккіёти ҳар бир раҳбар ходимнинг юқори даражада харакатчан, изланувчан, чуқур иқтисодий билим даражасига янги хўжалик юритиш услубларини ўрганишга, ишбилармонликка, тўла хўжалик ҳисобини жорий килишга интилувчан бўлишини талаб қиласди. Шунинг учун малака ошириш ишлари анча кенгайиши, улар таркибига тизим таҳлили, тизим техникаси, социология, психология, хуқук, молия, маркетинг, менежмент, ширкатлик ва ташки иқтисодий алоқа соҳасига оид фанлар ўқитилиши лозим.

Раҳбар ходимларнинг касб ва иқтисодий билимини ошириш борасидаги ўкув жараёни меҳнат фаслияти даврида олиб борилиши керак.

Раҳбар ходимларнинг малакасини ошириш факат корхоналар зиммасига юкланмасдан, балки юқори ташкилот раҳбарларининг, вазирликларнинг ҳам бурчидир, чунки бозор муносабатлари ҳозирги кунда раҳбар ходимлардан юқори малакани талаб қилмоқда.

Малака ошириш тизимининг самарадорлигини ошириш йўлида фаол изланишлар олиб борилмоқда.

АҚШда ва бошқа хорижий давлатларда бошқарув ходимларини ўқитиш масалалари қайта кўриб чиқилмоқда.

Хорижда эркин ўқитиш тажрибаси кенг кўлланнилади. Бундай тажриба Буюк Британияда талаб қилинадиган иш стажига эга бўлган, бошқарув илмига қизиқувчилар учун фаолият кўрсатмоқда. Бундай ўкув даргоҳларида раҳбарлар ёки раҳбарлик ишига қобилиятли ходимлар ўзлари учун қулай вақтда ўқийдилар. Бу даргоҳларда замонавий ўкув воситалири ишлатилади. Адабиёт ва услубий кўлланма ёрдамида ўз устида ишлашга катта аҳамият берилади. Бундай ўкув курсларида «қобилиятли раҳбар» мавзусига 60 фоиз, адабий услубда ишлашга 12 фоиз, видеокассеталар кўришга 8 фоиз, илмни назорат килишга ва ўқитувчилар билан мастлаҳатлашишга 20 фоиз вақт сарфланади.

Раҳбар ходимлар ўз малакаларини ошириш учун доимий равишда маҳсус адабиётларни ўқиб бормокла-

ри керак. Германия давлатида бундай тадбирларга жуда катта аҳамият берилади. Одатда саноат корхоналарининг раҳбарлари ўзини-ўзи тараққиёт топтириш услугини кўллайдилар. Бунинг учун улар ўз меҳнат фаолиятида йўл қўйган хатоларини таҳлил қилиш, фойдали тажрибаларни қабул қилиш, кундалик ишлар бўйича натижа чиқариш, шахсий тараққиёт услубларини ва мақсадларини аниқлашлари керак. Японияда раҳбарларининг ўзини ўзи тайёрлашига ташкилий ва услубий ёрдам кўрсатадилар. Компанияларда ўзини ўзи тайёрлаш учун махсус дастур ва гурухлар яратилади, маъруза ва сұхбатлар ўтказилади. Малакасини оширгани учун мукофотлар жорий қилинади.

7- §. БОШҚАРУВНИНГ ХИЗМАТ ЭТИКАСИ ВА МАДАНИЯТИ

Маълумки, ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлиги даражаси ва ўзаро муносабатлар таърифи инсоннинг кайфияти билан бевосита боғлик. Кайфият эса кундалик ҳаёт тарзимизга ва ўз кайфиятимизни бошқара олишимизга боғлик.

Биз иш кунимизни қачон бошланишимиздан қатъи назар (эрта билан, пешинда ва кечки пайт) унинг бошланиши ҳамма вақт уйимиздан чиқиши олдиаги вазиятга, яъни қандай дам олганишимизга, уйдагилар билан бўлган муносабатларга ва шу кабиларга боғлик. Шунинг учун биринчидан, ўз хулқимизни ҳар қандай шароитда бошқаришни ўрганишимиз керак.

Иккинчидан, хонага кирганда у ерда ўтирганлар (уларнинг ёши ва лавозимидан қатъи назар) билан биринчи бўлиб саломлашиш даркор. Бу билан биз уларга янги иш кунини яхши кайфият билан бошлаганишимиз, уларга ўзимизнинг керакли ёрдамишимизни аямаслигимизни изҳор қилган бўламиш.

Учинчидан, қўл остишимиздаги ходимлар билан сизлашиб гаплашишимиз лозим. Бу хам хизмат кайфиятини яхшилайди ва меҳнат интизомини янада мустаҳкамлайди.

Раҳбар ўз ишида ахлоқ-одоб қоидаларининг мулојимлик ва ўзаро ёрдам каби меъёrlарига таянади. Шу билан бирга раҳбарнинг ижтимоий ахволи унинг ўзига хос ахлоқини ҳам белгилайди. Бу сифат раҳбарнинг ўта тўғрилигини ифодалайди ва уни юкори

ташкилот ва идораларга нотўғри ахборотлар беришдан, давлат андозаларини бузишдан тияди.

Йиғилишлар ўтказилаётган вактда уларнинг катнашчиларига нисбатан мулойим бўлиш керак, чунки одамлар бундай йиғилишларга макбул бошқарув қарорларини яратиш учун келадилар, бундай қарорлар эса биринчи навбатда, раҳбар учун ўта муҳим хисобланади.

Бошқаларни сабр-тоқат билан эшлишга одатланишимиз, сўзловчиларнинг сўзини охиригача эшлишга харакат қилишимиз, ходимларнинг фаолигини тақдирлашимиз керак. Кўпчилик олдида оддий «раҳмат» айтиш ёки «миннатдорчилик» билдириш баъзан моддий тақдирлашдан ҳам афзал бўлиши мумкин. Агар бирор ходимни ишдаги нуқсонлари учун жазолаш керак бўлса, албатта адолат чегарасидан чиқмаслик ва қўпол муомала қилмаслик керак. Сўз шаклини ва жазо турини танлашда жазоланувчи ходимларнинг ёшини, жинсини ва характеристикини инобатга олиш яхши натижалар бериши мумкин. Танқид — одамларға катта ва зарур таъсир кўрсатувчи воситадир. Шунинг учун уни керакли вазиятда ниҳоятда эҳтиётлик билан ишлатмоқ керак. Ходимларнинг қадркимматларини тушунмаслик, қўпол муомала қилмаслик, танқидни иложи борича оддий жанжалга айлантирмаслик керак.

Зоро раҳбарлик услуби бошқариш маданиятининг маълум элементларига эга бўлишни тақозо этади.

Бошқариш маданиятининг элементлари тегишли меъёрлар билан белгиланадиган ахлок коидаларини ўз ичига олади.

Ишлаб чиқаришда раҳбарлар ўртасида ва раҳбарлар билан оддий ходимлар ўртасида муносабатлар маданиятилик коидаларига асосланмоғи керак. Бу коидалар республикамиз ишига садоқат, Ватанга муҳаббат, жамият баҳт-саодати йўлида ҳалол меҳнат килиш, ижтимоий бурчни юксак даражада англаш, кишилар ўртасида инсонпарварлик муносабатлари ва ўзаро ҳурмат, киши-кишига дўст ва биродар кабилардан иборат.

Бошқариш маданиятини такомиллаштириш — унинг барча элементларига эътиборни кучайтириш демакдир. Раҳбарнинг маданият даражаси бу ўта мураккаб кўрсатгич хисобланади. Ҳеч ким раҳбар бўлиб

туғилмаслиги барча учун тушунарли ҳақиқат. Аммо раҳбарнинг маданиятли бўлиши қўйидагиларга боғлиқ:

а) Оилавий келиб чиқиши, ота-онаси, якин қариндош-уруғлари;

б) ёшлиқдан ўсиб улғайган муҳити, яъни якин кишилари, дўст, ўртоқлари;

в) илмга, санъатга, адабиётга қизиқиш даражаси;

г) илм даражаси (мълумоти);

д) улғайиш даврида қандай шахслар билан якин муносабатда бўлганлиги;

е) табиатга, жониворларга муносабати;

и) кишиларга меҳрибон ва эътиборли бўлиш даражаси;

з) оиласа, фарзандларга муносабати ва шу каби-ларга боғлиқ.

Маданият — бошқариш услубининг энг муҳим мажмусидир. Бинобарин кишига нисбатан ишонч ва муҳаббатни ўзида мужассамлаштирган, юксак маданиятлилик, пухта уюшқоқлик, аниқлилик ва тезкорлик сингари одамийлик фазилатлари ҳар бир раҳбар учун намуна бўлмоғи керак.

IV б о б

1- §. МЕҲНАТ ЖАМОАЛАРИНИ БОШҚАРИШ

Жамоа ишлаб чиқариш ўзириши, фан-техника тараққиёти ютуқларини ҳаётга татбик килиш учун хўжалик механизмини, иқтисоднинг бошқарилишини, тарбия ишларини, меҳнат интизомини мустаҳкамлапни, меҳнаткашларни бошқарувга кенг тарзда жалб қилинишини такомиллаштириш зарур. Бу эса инсон омилиниң янада юксалишини таъминлайди. Инсоннинг ўз манфаати учун қизиқишини ва жавобгарлигини ошириш мақсадида хўжалик механизмини қайта куриш чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва уни меҳнат жамоаларининг самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида жорий қилиш зарур.

Корхоналарда меҳнат шундай ташкил қилиниши керакки, у бир гуруҳ иқтисодий, сиёсий, ижтимоий масалаларни ўз ичига олиб, меҳнат жамоасининг тараққиётини таъминласин. Бу талабларни ҳар хил шаклдаги меҳнат жамоалари, айниқса ишлаб чиқариш бригадалари тўла Кондиради. Мазкур бригадалар бир қанча вазифани бажаради. Бу вазифаларни қўйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Ишлаб чиқаришга оид вазифалар. Булар тикибига бригада ишлаб чиқариш режасининг лойиҳаси, маъмурият кўриб чиқиши учун зарур бўлган самардорликни ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, кўп меҳнат талаб қиласидиган жараёнларни механизациялаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, моддий ва хом ашё ресурсларини тежаб ишлатиш каби масалалар киради.

2. Иқтисодий масалалар. Булар бригадада меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш, маҳсулотнинг меҳнат ҳажмини камайтириш, техник асосланган вакти меъёрларни киритиш, бригада таркибидағи ишчилар сонини ўзгартириш кабилардан иборат.

3. Ижтимоий-тарбиявий масалалар. Булар таркибига бригадада меҳнат шароитини яхшилаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун мунтазам ишлар олиб бориш, меҳнат интизомини бузиш ҳолатларини кўриб чиқиш, айбдорларга бериладиган жазо турларини аниглаш ва шу кабилар киради.

Ишлаб чиқариш бригадалари шундай одамлардан ташкил топиши керакки, улар ёшлари, жинслари, маълумотлари, ихтисосликлари, малакалари, кобилият ва бошқа сифатлари билан бир-биридан фарқ қилиши лозим.

Шундай қилиб жамoa раҳбарларининг асосий вазифаси бригадани керакли миқдорда ишчилар билан тўлдиришигина эмас, балки уларнинг ҳакиқий жамoa бўлишларини ҳам таъминлашдан иборат.

Ишлаб чиқариш бригадалари бажараётган ишнинг ҳажми ва характеристига ҳамда бошқа техник ва технологик шартларга қараб ихтисослашган ва комплекс турларга бўлинади.

Ихтисослашган бригадалар таркибига бир хил ихтисосга эга ва бир хил технологик жараёнларни бажарувчи ишчилар киради.

Комплекс бригадалар таркибига ҳар хил ихтисосга эга бўлган, техник жиҳатдан ҳар хил, аммо бир-бирига боғлиқ ишларни бажарувчи ва маҳсулотни тайёр бўлиши даражасигача ишлаб чиқарувчи ишчилар киради. Бундай бригада ишчилари бемалол бир-бирларининг ўринларини босишлири, ўз ихтисосларидан ташқари қўшимча яна битта ёки бир неча ихтисосликларга эга бўлишлари керак.

Ўз навбатида комплекс бригадалар сменали ва сменадан сменага ўтувчи хилларга бўлинади. Сменали бригадалар таркибига бир смена жараёнида иш бажа-рувчи ишчилар киради.

Сменадан сменага ўтувчи комплекс бригадалар барча сменаларда ишловчи ишчиларни ўз ичига олади. Бундай бригадаларда режалаштириш ишлари, бажарилган ишларнинг хисоби, дастгоҳлар ва иш вактидан унумли фойдаланиш, ишчиларнинг малакасини ошириш ва уларнинг ёндош ихтисосликларни осонликча эгаллаши таъминланади. Амалиётда иш тажрибалари шуни кўрсатадики, бригададаги ишчиларнинг малакаси, маданияти канчалик юкори бўлса, ижтимоий талаблари, меҳнатсеварлиги ва тараққиёти шунчалик баланд бўла-ди. Улар бригада ишига ҳамиша жонкуярлик билан ёндошадилар.

Ишлаб чиқариш бригадаларининг бошқарув механизмини такомиллаштириш жамоа аъзоларининг вазифаларини аник тасаввур килинишини вазирликларнинг бри-года ишчилари орасида тўғри таксимланишини ва бошқарув масалаларини самарали ҳал килинишини таъмин-лайди.

Ишлаб чиқариш бригадасида илфор, юкори малака-ли ташкилотчилик қобилиятига ва бригада аъзолари ичida обрў-эътиборга эга бўлган шахс бошчилик қи-лади.

Бригадирнинг мураккаб ва кўп киррали вазифаси унинг фаолияти доирасини бироз торайтиришни талаб қилади. Шу мақсадда ҳар бир корхона бригадирлар тўғрисида низом яратиши, унда уларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари тўлиқ аниклаб берилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бригада бошлиги зинмасига қуйидаги вазифалар юкланади:

- а) ҳар бир бригада аъзосига бригада олдида турган ишлаб чиқариш топширигини аник етказиш;
- б) ишчилар меҳнатини илмий асосда ташкил қилиш, билим ва малакасига қараб жой-жойига қўйиш;
- в) ишчилардан технологик интизомнинг тўғри бажа-рилүшини талаб қилиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш;
- г) иш жойларини материаллар, асбоб ва мослама-лар, техник ҳужжатлар билан ўз вактида ва узлуксиз таъминлаш;

д) ишсиз туриб қолиш ҳолатларини бартараф этиш учун барча чора-тадбирларни қўллаш;

е) баҳтсиз ходисаларнинг олдини олиш.

Бригадалар бошқаруви самарадорлигининг оширилиши ва ишчиларнинг бошқарув ишларида бевосита иштирок этишини таъминлаш мақсадида ишлаб чикариш бригадалари кенгаши ташкил этилади. Унга ишлаб чиқариш, ташкилий ва ижтимоий-тарбиявий вазифалар юкланди. Кенгаши йиғилишларида режа топшириқларнинг бажарилиши, меҳнат ва технологик интизомни мустаҳкамлаш масалалари ва ишлаб чиқариш маданияти кабилар кўриб чиқилади.

Корхоналарда бригадалар бошқарувининг энг юкори ташкилоти — бригадирлар кенгашидир. У бригадирларнинг умумий мажлисида сайланади.

Бригадирлар кенгаши бир ойда бир марта йиғилиш ўtkазади ва унга ишлаб чиқариш раҳбарларини жамоат ташкилотлари вакилларини таклиф этади.

2- ё. ЯНГИЧА ҲЎЖАЛИК ЮРИТИШ ЖАРАЕНИДА РАҲБАРНИНГ ТАШАББУСКОРЛИГИ

Ҳозирги даврда ҳўжалик механизмини тубдан қайта куришнинг энг муҳим хусусияти ва конунияти — корхона ва бирлашмаларнинг ўзини-ўзи бошқаришга ўтишидир. Мустақиллик, манфаатдорлик ва масъулият — ўзини-ўзи бошқаришнинг учта таркибий қисми ҳисобланади. Шу билан бирга маъсулият ва жамоа манфаатларини мувофиқлаштиришнинг яхши созланган механизмни корхоналар мустақиллиги, яъна эркин, ўз самарадорлиги йўналишида ҳаракат килишини кенгайтиришнинг бошланғич шартидир.

Ҳўжалик юритишнинг янги Ѣароитида меҳнат жамоалари меҳнат ресурсларидан, шунингдек хом ашё, материаллар ва энергиянинг барча турларидан янада оқилона фойдаланишдан манфаатдор бўладилар. Корхоналарнинг мустақиллигини молиявий ва моддий жиҳатдан таъминлаш учун унинг ихтиёрига ишлаб чикаришни, фан ва техникани ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, ижтимоий ривожланиш фондлари берилмоқда.

Ҳозирги Ѣароитда ҳўжалик раҳбарлари меҳнат жамоалари билан биргаликда ўз режаларини мустақил

равишда ишлаб чиқиш, уни асослаш ва тақсимлаш хуқуқига эга бўлдилар. Ҳозирги бозор муносабатлари шароитида нарх-наво кундан-кунга ошиб бормоқда. Бундай оғир ва мураккаб шароитда республикамиз корхоналари бутунлай тўхтаб колиши, ишсизлар армияси кўпайиши хавфи туғилди. Бундай шароитда раҳбарларнинг ишбилармонлиги иш бериб қолди. Чунончи, корхона раҳбарларининг ишбилармонлиги, ташаббускорлиги ҳисобига корхоналар кенг халқ истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқишга, ерли хом ашё ва материалларнинг самарали ишлатишга ўтдилар. Раҳбарларнинг бундай ташаббус кўрсатиши меҳнаткашларнинг даромадларини оширишга, уларни бозор иктисадининг оғир дамларида моддий ҳимоя қилишга ёрда млашмоқда.

Раҳбарларнинг бундай ташаббускор бўлиши жамоага ва меҳнаткашларга қуйидаги самарани бериши мумкин:

- а) корхона меҳнаткашлари доим иш билан таъминланадилар;
- б) бозор халқ истеъмоли ва озиқ-овқат моллари билан боййиди;
- в) меҳнаткашларнинг маоши бир неча марта ошади;
- г) меҳнаткашларнинг кундалик сарф-харажатларининг бир кисмини корхона даромади ҳисобидан қоплаш имконияти яратилади.

Раҳбарларнинг яна бир муҳим ташабbusi — бу қўшма корхоналарни бунёд этишdir. Бир неча вилоят ва туманларда, хорижий давлатлар ишбилармонлари ёрдамида мавжуд маҳаллий хом ашё асосида маҳсулот ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар ташкил этилмоқда. Бундай корхоналар ҳар хил халқ истеъмол ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бирга маҳаллий халқ вакилларини иш билан таъминламоқда.

Раҳбар ходимларнинг яна бир фойдали ташабbusi — қишлоқ хўжалик жамоалари таркибида кичик пахта, пилла, кора кўл терилари, жун ва мева-сабзавотларга ишлов бериб, улардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни ташкил қилишидир. Улар мева-сабзавотларни исроф бўлишдан, сифати бузилишидан сақлайди.

3- §. РАҲБАРНИНГ ХОДИМЛАР БИЛАН ИШЛАШИ

Бугунги кунда корхоналарнинг ўзини маблағ билан таъминлашга ўтиши ва бошқарув вазифаларининг мураккаблашуви ходимларни тўғри танлаш, уларни жойжойига кўйиш ва тарбиялаш ишларига катта масъулият билан карашни талаб қиласди. Шу билан бир вактда бошқарув ходимлари олдига кўйиладиган талаблар ҳам ошиди. Бошқарув ходимлари — меҳнаткашларнинг энг яхши вакиллари бўлиб, улар ўз билимларига, қўникумларига ва тажрибасига кўра меҳнат жамоалярининг меҳнат фаолиятини ташкил қилишга кодир кишилар бўлишлари керак.

Ходимлар сиёсати — ходимлар билан ишланинг асосий йўналишидир. Унда ходимлар тўғрисида, уларнинг хўжалик юритишининг янги шароитларида фан-техника тараққиётининг юкори чўққиларига чиқиб олишини, ишлаб чиқаришнинг юксак самарадорлигини таъминлашга кодир шахсларни тарбиялаб етказиши тўғрисида сўз юритилади.

Мустақил Ўзбекистон худудида ходимлар сиёсатига бутунлай бошқача ёндошилмоқда. Шу муносабат билан ходимларни танлаш ишларига куйидаги талабларни кўйиш мақсадга мувофиқдир:

1. Ходимлар таркиби доимий ишчи кучлар билан тўлдирилмоғи, уларни алмаштириш жараёни узлуксиз бўлиши зарур.

2. Ходимларнинг ғоявий-назарий ва сиёсий даражаси камситилмаслиги керак.

3. Ходимларнинг танҳо фикр юритишини ва фаолиятини қўллаб-куватлаш, уларга берилган ҳукуқлардан фойдаланиши учун зарур шароитлар яратиш керак.

4. Топширилган вазифанинг бажарилиши жавобгарлигини, интизомни ва ўзаро талабчанликни янада кўтариш лозим.

5. Ходимлар танлашда ўз мафаатини кўзлаб ишлайдиганлардан, қариндош-уруглар, ошна-оғайничнолик ва бошқа иллатлардан тозаланиш зарур.

Ходимлар сиёсатининг энг мухим вазифаси бошқарув ходимлари олдига кўйиладиган талабларни ишлаб чиқишдан иборат. Бу талаблар ходимлар танлашда уларнинг куйидаги хислатларини инобатга олишни тақозо қиласди:

а) сиесий хислатлар. Булар таркибига: ғоявийлик, сиёсий ётуклик ва масъулиятлилик кабилар киради.

б) ишчанлик хислатлари. Буларга билимдонлик, ташкилотчилик қобилияти, янгиликни хис қила олиш түйгуси, янги техника, технология ва ташкилий ғояларни муносиб равишда баҳолаш ва уларни амалда қўллай билиш хислатлари киради. Ишчанлик хислатининг энг муҳим томони омилкорликдир.

в) шахсий хислатларга тез ва чукур фикрлаш, топағонлик, сабитқадамлик, ирода, таваккал қила билиш, зарур бўлганда бутун маъсулиятни ўз зиммасига олиш, катъиятлилик ва матонат киради.

Ходимлар билан ишлаш тизимида «объект» ва «субъект» деган тушунчалар мавжуд бўлиб, объект — ходимлар билан ишлаш тизимининг асосий таркибий қисмлари: ходимларни танлаш, уларга баҳо бериш; субъект — бу ходимлар вазифаларини рўёбѓа чиқарувчи идора ва ходимларнинг жамидир.


Хўжалик юритиш механизми билан ходимлар орасида иш олиб бориш тизимининг уйғун тарздаги бирлиги муҳим аҳамият касб этади. Бу тизим янги турдаги ходимларнинг бошқарув соҳасида пайдо бўлиши, мустахкам ўрнашиб қолиши ва кенг ёилишини таъминлаши лозим. Бу эса улар фаолиятининг услуби янги вазифаларга ва хўжалик юритиш шарт-шароитларига батамом мувофиқ бўлади.

Ишлаб чиқаришда ходимлар билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятларидан биттаси — бу ходимларни танлашдир. Ходимларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйишда зарур маъсулият билан ёндошишмаса иш якунлари кутилган самара бермаслиги аник.

Ходимлар танлаш услуби қанчалик пухта ишлаб чиқилган бўлса, жамоанинг меҳнат фаолиятида кутилган самараדורликка шунчалик тез эришиш амалиётда исбот этилган.

Ходимларга баҳо бериш. Бу ишнинг белгилаб қўйилган тартиби «аттестация» деб аталади.

Аттестация ходимларни танлаш ва тарбиялашга, уларнинг ишбилармонлик малакасини ва билим даражасини оширишга хизмат қиласи. Ходимларни аттестациядан ўтказиш тартиби 19-чизмада берилган. Аттестация жараёнда ходимларнинг малакасига, унинг бажараётган ишига ёки лавозимига лойиклигига холисона баҳо берилиши керак. Аттестация қилинаётган ходимнинг иши-



19- чизма

га баҳо беришда унинг режа топширикларини бажаришдаги шахсий хизмати, меҳнат интизоми, ўз вазифасини сидқидилдан бажариши инобатга олиниши зарур. Ана шулар асосида аттестация қилувчилар очик овоз бериш билан қуидаги баҳоларни бериши мумкин:

- 1) бажараётган лавозимига лойик;
- 2) ходим кўрсатилган нуқсонларни кейинги ўтказиладиган аттестациягача йўқотса, бажараётган лавозимига лойик;

3) эгаллаб турган лавозимига лойик эмас.

Ходимларни ўқитиш. Ходимлар ўқувининг икки тури мавжуд:

а) бирор янги, юкорирок лавозимда ишлашига тайёрлаш мақсадида ўқитиш;

б) бирор лавозимни эгаллаб турган ходимни малакасини, билим даражасини ошириш мақсадида ўқитиш.

Ишчи ходимлар шогирд сифатида, хунар-техника билим юртларида тайёрланади. Мутахассис ходимлар ўрта маҳсус ва олий билимгоҳларда тайёрланади. Бундай ўқитиш тури кундузги, кечки ёки сиртки куллиётларда амалга оширилади.

Ходимлар малакасини ошириш. Бу жараён жуда хилма-хилдир. Умумий шаклда малака оширишда қуидаги вазифалар бажарилади:

а) қисман унтутилиши мумкин бўлган билимларни тиклаш;

б) фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқариш, меҳнат ва бошқаришни ташкил этиш тизимидағи ўзгаришлар билан боғлик бўлган янги муаммоларни, янги иш услубларини ўрганиш;

в) бошқарувни қайта ташкил этиш ва қайта қуриш, меҳнатнинг жамоа турларини ташкил этишининг туташ касбларини эгаллашни талаб этувчи ҳар хил шаклларининг ривожланиши муносабати билан ходимларни бошқа малакага тайёрлаш.

Турли (тармоклараро) вазифалар бажарувчи ташкилотлар — режа, молия, таъминот, илмий-техник, ўкув-статистик ва шу кабилар қошида ҳам хўжалик ходимларини ўқитадиган ўкув масканлари мавжуд.

Олий билимгоҳлар қошида ташкил этилган куллиётлар ўқитиш муассасалари орасида муҳим ўрин эгаллади.

Ҳозирги кунларда республикамиз мустакиллиги даврида ходимларни ўқитиш бир канча хорижий давлатларда ҳам муваффакият билан олиб борилмокда. Бу турдаги ўқиш ҳам иккита мақсадни кўзда тутади: биринчидан, республика учун зарур бўлган мутахассисликлар бўйича жаҳон талабларига жавоб берадиган ходимларни тайёрлаш бўлса, иккинчидан, мутахассис ходимларни, илғор хорижий давлатлар олийгоҳларида замонавий билимларни эгаллашлари учун ўқитилишидир. Бу каби мутахассис ходимлар мустакил

Ўзбекистонимизнинг иқтисодини, фан ва техникасини, ишлаб чиқаришни жаҳон талабларига жавоб берадиган қилиб тараққиёт тоғтириш учун жуда ҳам зарур.

4- ё. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ТЕХНИК ТАРАҚҚИЁТИДА РАҲБАР РОЛИ

Фан-техника тараққиётининг жадал суръатларда ривожланиши шароитида ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини юксалтириш меҳнат унумдорлигини оширишнинг асосий манбаи ҳисобланади.

Корхоналарда фан-техникани жадаллаштириш бир турдаги маҳсулотни бошқа турдаги замонавий маҳсулот турларига тезда алмаштиришга имкон яратади. Корхоналарда ишлаб чиқаришни техник ривожлантиришнинг энг самарали воситаларидан бири мавжуд асбоб-ускуналарни ўз вактида янги, замонавийларига алмаштириш ва ишлаб турганларини такомиллаштириш, бунинг натижасида уларнинг унумдорлигини, аниқлигини ошириш, шунингдек, маҳсулот сифатини яхшилашдан иборатdir. Ишлаб чиқаришнинг техник даражасини ошириш янги асбоб-ускуналарни сотиб олиш ва эскиларини такомиллаштиришгагина боғлиқ эмас. Қатор илғор корхоналарнинг кўп йиллик иш тажрибалари шуни кўрсатадики, эскирган асбоб-ускуналарни ўз вактида ишлаб чиқаришдан чиқариб ташлаш, ишлаб турган асбоб-ускуналарнинг сменали коэффициентини оширишга, меҳнат унумдорлигини ва фонд самарадорлигини кўпайтиришга, таъмиrlаш ишлари ҳажмини камайтиришга, ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтиришга имкон яратади.

Корхоналарда ишлаб чиқаришни техник ривожлантириш режага асосан амалга оширилади. Бунга қуйидаги масалалар киритилади:

- янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш ва унинг сифатини ошириш;
- ишлаб чиқаришда замонавий технологияларни қўллаш, уни автоматлаштириш ва механизациялаштириш;
- меҳнатни илмий асосда ташкил этишини ишлаб чиқаришга жорий килиш;
- илмий тадқикот ва тажриба конструкторлик ишларини амалга ошириш;
- атроф мухитни муҳофаза этиш ва табиий ресурслардан мақсаддага мувофик фойдаланиш;

— ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан ривожлантириш режаларини амалга ошириш уларни бажарадиган тегишли раҳбарларга — цех раҳбарларига ва ишлаб чиқариш усталарига тааллуқлидир.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифати меҳнат жамоасининг иш натижаларига бевосита боғлик. Фантехника тараққиёти шароитида вакт омили муҳим аҳамиятга эга. Янги маҳсулот турларини тезда ўзлаштириш ва унинг лойиҳада кўрсатилган меҳнат ҳажмига қиска вакт ичидаги олишга эришиш, жиҳозларнинг лойиҳада кўрсатилган қувватларини белгиланган муддатдан олдин ўзлаштириш — янги маҳсулот ишлаб чиқариш миқдорини кўпайтиришга ва унинг иқтисодий самарадорлигини оширишга имкон яратади. Корхоналар ҳар доим ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва янги техникани жорий этиш бўйича мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланмайдилар. Корхоналарда асбоб-ускуна, машина, механизмлар ўз вақтида ишга туширилмаганлиги ва ишлаб чиқариш майдонларига максадга мувоғик ўрнатилмаганлиги сабабли ишлатилмасдан кўп вакт туриб қолиш ҳоллари кўплаб учраб туради. Бу эса янги техникадан кутилган самарани кўлга киритишга имкон бермайди.

Илғор корхоналарнинг кўп йиллик иш тажрибаси шуни кўрсатадики, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан уларни бошқариб турган раҳбарларга боғлик. Техник ривожланишининг келажагини кўра билиш, янги ишлаб чиқаришни олдиндан техник ва ташкилий тайёрлаш ҳамда уни доимий равишда моддий-техника жиҳатдан ўстириш, уларнинг ишчи ва раҳбарларининг касбини ва мутахассислик маҳоратини кўтариш корхонани техник қайта куроллантиришни жадаллаштиришининг муҳим шартидир.

Ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан таъминлашда раҳбарнинг муҳандис, техник ходимлар билан доимий биргаликда ишлаши янги буюмнинг технологиясини ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва уларга ишлов бериш, ҳар хил ишга ярайдиган асбоб ва мосламаларни олдиндан тайёрлаш, уларни ўз вақтида такомиллаштиришга ёрдам беради. Янги буюмни яратиш ва уни ишлаб чиқаришда ишчи, муҳандис, раҳбар ва бошқа ходимларнинг касби ва малака маҳорати қанчалик юкори бўлса, уни шунчалик тез, қисқа вакт ичидаги ишлаб чиқариш мумкин бўлади. Бу эса корхона иқтисодини юксалтиришга ёрдам беради.

5- ё. ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИННИ ТАЪМИНЛАШДА РАҲБАР РОЛИ

Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитариясининг барча масалалари тегиши Конун-коидалар билан бошқариб турилади.

Ишлаб чиқаришда техника хавфсизлигини таъминлаш ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар соғлиғини сақлаш ва уларга янада яхшироқ шароит яратилишига олиб келади. Ишлаб чиқаришда ишчиларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, бахтсиз ҳодисалар, жароҳатланишлар, касб касалликларининг олдини олишнинг бирдан-бир чораси меҳнат хавфсизлиги коидаларини ўқитиш ва уларга катъий риоя қилишдир. Меҳнат хавфсизлиги тадбирлари ишчиларга йўрикномалар, кўрсатмалар бериш ва ўқитиш усули билан амалга оширилади.

Йўрикнома беришнинг умумий, даврий ва қўшимча турлари мавжуд бўлиб, янги ишга қабул қилинган ишчилар, хизматчилар умумий йўрикномадан ўтказилади. Барча турдаги йўрикномалардан ўтказилганлик ҳақида маълумот «Техника хавфсизлиги бўйича йўрикнома журнали»га ёзилади. Мавжуд конунчиликка асосан техника хавфсизлиги коидаларига зид иш тутган ишчига факат қўшимча йўрикнома олгандан кейингина ўз ишида ишлашга руҳсат берилади.

Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти томонидан жароҳатланишлари ва касб касалликларининг олдини олиш тадбирларини кучайтириш максадида меҳнат муҳофазасини уч поғонали: алоҳида участка — цех — корхона микёсида назорат қилиш тизими ўрнатилган.

Корхонада маҳсус андозалари яратилган бўлиб, унда ҳар бир поғонада меҳнатни муҳофаза этиш бўйича бажариладиган ишлар, уни бажариш ва назорат қилиш усуллари берилган. Шунингдек, ҳар бир поғонанинг иши ва назорати учун маъсул раҳбар ходимлар белгиланган.

Ишлаб чиқаришда жароҳатланишнинг олдини олишнинг бирдан-бир йўли асбоб-ускуналар, механизмлар ва машиналарнинг янги турларини яратиша хавфсизлик талабларини ҳисобга олишдир.

Меҳнат шароитининг инсон организмига таъсирини меҳнат гигиенаси фани ўргатади. Чунончи, мазкур фан

корхоналарда ишлаб чиқариш цех биноларидағи ҳаво мұхитини кимёвий моддалар, газ, буғ ва шунга ўхшаш моддаларнинг, шунингдек, чангнинг қай даражада мавжудлигини, уларнинг таркиби ва микдорини аниклашни, технологик чайнинди сувни текширишни;

— ишлаб чиқаришдаги матеорологик омилларни — ҳавонинг ҳарорати ва намлигини аниклашни;

— дастгоҳларнинг ишлаши туфайли вужудга келувчи маҳаллий ва умумий титраш даражасини аниклашни;

— иш жойларининг қай даражада ёритилғанлигини;

— ишлаб чиқаришдаги шовқин даражасини аниклашни ўргатади.

Тайёррасозлик корхоналарида шовқин даражасини пасайтириш касб қасалликларининг олдини олишда мұхим ақамияттаға эга. Шовқин бу, бир неча товшуларнинг йиғиндисидан иборат бўлиб, кучи ва такорланиш даражаси билан турли хилга бўлинади, вакт бирлиги ичida тартибсиз ўзгариб турувчи ходисадир. Одамларнинг бир-бири билан гаплашгандағи ўртacha товушининг баландлиги 40 децибелга тенг. Шовқин инсонга салбий таъсир этганлиги учун ишлаб чиқаришда рухсат этилган чегаралар қўйилган, шовқинлар учун паст қайтарилиш даражаси 90—100 ДБ, ўртача қайтарилиш даражали шовқинлар учун 85—90 ДБ, юкори даражали шовқинлар учун 76—80 ДБ.

Шовқин даражаси шовқинни ўлчаш асбоблари ёрдамида ўлчанади. Шовқин даражасининг рухсат этилган ўртача мейёри сўзловчи кишидан 1,5 метрча нарида эшистилган товуш ҳисобланади. Ақлий меҳнат билан шуғулланаётганлар биносининг ичидә шовқин 60 ДБ дан ошмаслиги керак. Ишлаб чиқаришда шовқинни камайтириш учун технологик жараёнларни ўзgartириш, яъни техник воситаларни камрок шовқин берадиганлари билан алмаштириш, товуш ютувчи тўсиқларни қўллаш, айниқса, юкори даражали шовқинлар учун шовқин пасайтиргичлар ўрнатиш, бинонинг шифтларига ва деворларига шовқин камайтиргичларни ўрнатиш даркор.

Иш жойларида тозаликни ва тартиб-интизомни саклаш ҳам хавфсиз ишлашни таъминлашнинг мұхим омилларидир. Хавфсиз меҳнат шароитини яратиш учун иш вакти билан дам олиш вақтининг навбатма-навбат келишини тартибга солиш лозим. Бундай тартибни ишлаб

чиқиши ҳамда унга риоя этишдан асосий мақсад ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги юкори бўлишини, дам олиш вақтида ишчиларнинг иш қобилияти тўла тикланишини таъминлаш, унинг натижасида инсоннинг меҳнатини муҳофаза қилиш учун қулай шарт-шароит яратишdir.

6- §. РАҲБАРЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҚОНУНЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ БИЛИМЛАРИ

Жамиятимиз турмушини ҳар томонлама яхшилаш учун фақат бошқариувчи бозор муносабатларига ўтган-дагина имконият яратилиши мумкин.

Бу масалани ҳал қилиш учун эса меҳнаткашларнинг ташабbus ва онгини тараккij эттиришга аҳамият берилмоқда. Бунинг учун эса раҳбар ходимларнинг ва мутахассисларнинг малакаларини ошириш ишларини такомиллаштириш, уларни ўз ишларининг устаси бўлиб етишишларига шароит яратиш зарур.

Хозирги давр жамиятининг иктиносидий ва ижтимоий ҳаётини қайта қуриш ҳалкни қонунларга нисбатан ҳурмат билан қарашга ўргатишдан ажралмаган ҳолда олиб боришини тақозо киласди.

Меҳнат қонунлари иктиносидага фаол таъсир кўрсатади, бошқаришнинг иктиносидий усулларини жорий қиласди, меҳнат ва истеъмол меъёrlарини юзага келтиришга, уларни таъсирчан назорат қилишга, ижтимоий адомлатни ҳаётга татбиқ қилишга ёрдамлашади.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси ўзининг бурчини ва ҳуқуқини яхши англамоғи керак. Айниқса меҳнат қонунлари тўғрисидаги билим раҳбар ходимлар учун катта аҳамиятга эга. Чунки улар ўз фаолиятларida меҳнаткашлар билан ҳар куни бевосита мулоқотда бўладилар.

Корхоналарда меҳнат фаолияти энг аввало ходимларни ишга қабул қилишдан бошланади. Ишчи ва хизматчилар ўзларининг меҳнат қилиш ҳуқуқларини меҳнат битимини тузиш билан амалга оширадилар.

Хозирги даврда жорий меҳнат ҳакидаги қонунларнинг 8- бандига асосланиб меҳнат битими тузилади. У меҳнаткашлар ва корхона ўртасида тузилган келишув бўлиб, ўз навбатида, меҳнаткашлар маълум ишни аник ихтисослик ва малака ёки лавозим бўйича, ички меҳнат коидаларига бўйсунган ҳолда бажаришга, корхона эса

мехнаткашларга бажарган ишлари эвазига маош тўлашга ва зарур меҳнат ҳакидаги қонунларда кўзда тутилган шароитларни яратиб беришга келишиб олади.

Меҳнат битими фуқоро ва корхона (унинг номидан қатнашувчи маъмурият) ўртасида тузилади. Меҳнат битимини маълум корхона билан тузиш учун фуқаро ишчи ёки хизматчи вазифасига маълум ихтисослик ва малака ёки лавозим бўйича ишлаши ҳакидаги ўз хоҳишини билдириши, корхона маъмурияти эса уни ишга қабул килишга кайд қилинган шартлар бўйича розилик бериши керак.

Меҳнат битимини «МҲҚТ» (меҳнат ҳакидаги қонунлар тўплами)нинг 18-бандига асосан корхона маъмурияти томонидан қарор чиқариш билан расмийлаштирилади. Одатда ишчи ишга қабул қилингандан цех, участка ёки бригада хузурига йўлланади. Бу биринчидан, қабул қилинаётган ишчининг мўлжалланаётган ишга яроқлилигини аниклаш имконини берса, иккинчидан, қабул қилинаётган ишчи меҳнат шароитлари билан бевосита иш жойида танишишига ёрдам беради.

Ишга кирувчини ихтисослиги бўйича қобилиятини, ишчанлигини аниклаш учун қабул қилувчи раҳбар ёки ходим унинг ҳужжатларини кўриши керак. Бундай ҳужжатлар таркибига қўйидагилар киради:

а) шахснинг меҳнат дафтарчаси. Дафтарча ўринатилган тартиб бўйича расмийлаштирилган бўлиши керак. Агар у ишга биринчи марта кираётган бўлса -- охирги машғулоти тўғрисида турар жойидан берилган маълумотнома талаб қилинади:

б) шахснинг паспорти;

в) корхона маъмурияти маҳсус билим талаб қиладиган ишга қабул қилиш жараёнида шахсдан диплом ёки ихтисослиги бўйича тайёргарлигини тасдиқловчи бошка ҳужжат талаб қиласи.

МҲҚТнинг 74-бандига биноан 16 ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилиш ман этилади. Алоҳида ҳоллардагина касаба уюшмалари қўмитасининг розилиги билан 15 ёшга тўлған ўсмирлар ва қизлар ишга қабул қилиниши мумкин. Аммо балоғат ёшига етмаган шахсларни оғир ишларда, зарарли ва ҳавфли ишларда ҳамда ер ости ишларида ишлатиш катъиян ман этилади.

14 ёшга тўлған мактаб ўқувчиларини касаба уюшмалари ва ота-оналари розилиги билан енгил, соғ-

лиги учун заарсиз ишга, ўқишдан бўш вактларида ишлаш шарти билан қабул қилинади. Уларни ишга қабул қилиш жараёнида корхона маъмурияти иш характеристи, меҳнат шароитлари, хукуқ ва мажбуриятлари, ички тартиб коидалари, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнгин хавфсизлигини таъминлаш коидалари билан таниширади.

Ўқувчиларнинг илтимоси билан уларга тўликсиз иш хафтаси шароити яратилиши керак. Уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш уларнинг ҳақиқий ишлаган вактига ёки бажарган иш ҳажмига қараб белгиланади.

Олий билимгоҳ талабалари ва ўрта маҳсус ўқув юрти ўқувчилари ўз ўқишлиарини фойдали меҳнат билан олиб боришни истасалар, ишга алоҳида меҳнат битими тузиш билан қабул қилинади.

Меҳнат ҳақидаги қонунлар тўпламиининг (МҲҚТ) 10- бандига асосан меҳнат битими:

а) номаълум муддатга; б) маълум, З йилдан узок бўлмаган муддатга; в) маълум ишни бажариш учун зарур бўлган муддатга тузилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш бўғинларининг раҳбари ишга кирувчилар учун маълум текширув муддати ўрнатилиши ҳақида ўз фикрини билдириши мумкин.

МҲҚТнинг 21- бандига кўра ишга қабул қилиш пайтида қуйидаги ҳолларда текширув муддати кўйилмайди:

- а) 18 ёшга кирмаган шахсларга;
- б) хунар-техника ўқув юртларини тамомлаган ёш ишчиларга;
- в) олий билимгоҳ ва ўрта маҳсус ўқув юртларини битирган мутахассисларга;
- г) Ватан уруши иштирокчиларига;
- д) бошқа шаҳарда ишлаш учун ёлланганларга;
- е) бошқа корхонага ишлаш учун ўтказилганларга.

Текширув муддати МҲҚТнинг 11- бандига асосан З ойгача белгиланиши мумкин. Агар текширув муддати даврида қабул қилинувчи ишда коникарли натижалар кўрсатмаса, у маъмурият томонидан, касаба уюшмасининг рухсатисиз ҳам бўшатилади ва ҳеч қандай иш ҳақи тўланмайди.

МҲҚТнинг 23- бандига асосан агар текшириш муддати тугагандан кейин ишчи ишни давом эттирган бўлса,

маъмурият бундай ишчини бўшата олмайди ва ишчи ўз жойида қолган ҳисобланади.

Олий билимгоҳни ўрта маҳсус билим юртини битириб йўлланган жойга ишга бормаган ёки вазирликнинг оиласвий шароитларини ҳисобга олиб ўзи билганича ишга кириш ҳукуки берилган маълумотномаси бўлмаган ёш мутахассислар ишга қабул қилинмайди.

Шартли равишда озодликдан маҳрум қилинган, мажбурий меҳнат қилишга жалб қилинганлар ўзлари йўллаган корхоналарда меҳнат қилишга мажбурдирлар.

Барча корхоналарда моддий жавобгарлиги бор иш ва лавозимларга судланган шахсларни қабул қилиш ман этилади.

Зарурат туғилганда баъзи бир ишчи ва хизматчиларга бир вактда икки жойда ишлаш факат бир корхонада, уларнинг асосий иш жойларида ёки бошқа корхонада асосий ишидан бўш вактларида рухсат берилади. Бундай иш бир кунда тўрт соатдан ошмаслиги ва дам олиш куни тўла иш кунига тенг бўлиши, бир ойда эса ярим ойлик иш вактидан ошмаслиги керак. Бундай иш учун иш ҳақи бажарилган иш ҳажмига ва ишлаган вақтига қараб белгиланади.

Ишчини бир корхонадан бошқа корхонага ёки бошқа шаҳарга ицга ўтказиш факат ишчининг розилиги билан бажарилади. Маъмуриятнинг ишчини соғлигига зарар кўрсатадиган ишга ўтказишга ҳукуки йўқ. Ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ҳолларда раҳбарнинг ишчи ёки хизматчини бир ой муддатга шу корхонанинг ўзида бошқа иш жойига ёки шу ерда жойлашган бошқа корхонага ўз мутахассислиги бўйича бажариладиган ишга ўтказишга ҳукуки бор. Бирок, унинг оладиган маоши аввалги иш жойида олаётган ойлик маошидан кам бўлмаслиги керак. Агар ишчи маъмурият қарорига асосан ишлаб чиқариш зарурати билан бошқа ишга ўтиб ишлашга рози бўлмаса, бу ҳол ишлаб чиқаришга штур етказса, унда ишчи меҳнат интизомини бузган ҳисобланади. Бундай қарорни бажармаганлиги учун маъмурият ишчини жазолаш сифатида уни кам маош тўланадиган ишга ёки паст лавозимга вақтинча ўтказиши мумкин.

Технологик интизомни кўпол равишда бузган, бу эса маҳсулот сифатининг пасайишига олиб келгани учун

ишли малакасини бир разрядга камайтириш билан жазоланади.

Мехнат интизомини сурункали бузганлиги, сабабсиз ишга чиқмаганлиги ёки ишга спиртли ичимликлар ичиб келгани, гиёхванд моддалар истеммол қилгани учун ишли ёки хизматчи паст маош тўланувчи ишга ёки пастроқ лавозимга ўтказилиши мумкин.

МҲҚТнинг 15- бандига асосан меҳнат битими барбод қилиниши мумкин. Меҳнат битими қўйидаги ҳолларда ҳар иккала томон розилиги билан барбод бўлиши мумкин:

- а) битимнинг муҳлати тугаганда;
- б) ишли ҳарбий хизматга чақирилганда;
- в) ишчининг розилиги билан бошқа ишга ўтказилганда ёки жамоа ташкилотларига сайланганда.
- г) ишли суд карори билан озодликдан маҳрум этилганда.

Агар ишли ёки хизматчи 15 кунлик қамокка олинган бўлса, маъмурият у билан меҳнат битимини барбод қилишга хукуки йўқ.

Агар ишли, хизматчи ўз хохиши билан меҳнат битимини барбод килмоқчи бўлса, унда у маъмуриятни ёзма ариза билан икки ой олдин огоҳлантириши керак.

МҲҚТнинг 33- бандида маъмурият ташабbusи билан меҳнат битимларининг барбод бўлиши ҳоллари кўриб чиқилган:

- а) корхона тарқатиб юборилганда;
- б) ишчилар штати қисқартирилганда ёки маълум лавозим йўқотилганда;
- в) агар ишли ёки хизматчи ўз иш жойида сабабсиз 3 соатдан кўп вақт бўлмаганда.

Ишчини ишдан бўшатиш зарурияти туғилганда уни корхона маъмурияти икки ой олдин ёзма равища огоҳлантириши керак.

Агар ишли ёки хизматчи лавозим штатлари қисқариши сабабли ишдан бўшатилса:

- а) ишчига ёрдам сифатида ўртача ойлик маош микдорида пул тўланади;
- б) ишли ишга жойлашгунга қадар, аммо икки ойдан ортиқ бўлмаган даврда унинг ўртача ойлик маоши сакланиб қолади.

Ишчи ва хизматчиларнинг иш вақти

Ишчи ёки хизматчиларнинг қонунга асосан белгиланган ўз меҳнат вазифаларини бажариш даври иш вақти деб аталади.

Иш вақтининг давомийлигини давлат қонуни ва касаба уюшмалари биргаликда аниқлайдилар.

МҲҚТнинг бандларига асосан: нормал иш куни, кискартирилган иш куни, тўлиқсиз иш кунлари мавжуд.

Нормал ва кискартирилган иш кунларининг давомийлиги давлат қонулари билан аниқланса, тўлиқсиз иш куни давомийлиги ишчи маъмуриятнинг ўзаро келишувига асосан аниқланади.

Ишчининг ёши 15 дан 16 гача бўлганда у ҳафтада 24 соат ишлайди ёки 16 дан 18 гача бўлса ҳафтада 36 соат ишлайди.

Ишчи ва хизматчи зарарли ва оғир меҳнат шароитларида меҳнат қилса ҳам ҳафтада 36 соат иш вақти белгиланади.

Тўлиқсиз иш куни ишчи ва хизматчини ишга қабул қилиш вақтида келишиб ўрнатилади. Бундай иш куни ҳомиладор аёллар илтимоси билан ёки аёлнинг 14 ёшдан кам ёшдаги боласи бўлса, bemor оила аъзосига қараш зарурати бўлса (тиббиёт ҳужжати асосида) ўрнатилиши мумкин.

Меъёрланмаган иш куни — раҳбар ходимлар, маъмурӣ-техник, маъмурӣ-хўжалик ходимлари учун ўрнатилади. Бунга кўрсатилган ходимларнинг иш соати ҳисоботи кийинлиги сабабидир.

Корхонага келтирилган зарар учун моддий жавобгарлик тўлови ўлчами зарар бевосита ишчи ёки хизматчи айби билан бўлганлиги аниқланса, уларнинг бир ойлик ўртача маошидан ошмаслиги керак.

Меҳнатдаги муваффақиятлари учун тақдирлаш ишчи хизматчилар ўз хизмат мажбуриятларини намунали бажаргани, меҳнат унумдорлигини оширгани, маҳсулот сифатини яхшилагани, узок ва содик қилган меҳнати, меҳнатда ташаббускорлик кўрсатгани учун моддий ва маънавий жиҳатдан тақдирланадилар. Улар қуйидагича бажарилиши мумкин.

Маънавий тақдирлашлар:

а) оғзаки ёки ёзма миннатдорчилик билдириш;

б) мақтov ёрлиғи билан тақдирлаш;

в) ҳурмат таҳтасига ёзиш;

Моддий тақдирлашлар:

а) шул билан мукофотлаш;

б) қимматбаҳо совға билан тақдирлаш;

в) дам олиш масканларига йўлланма ва сайёхлик йўлланмаларини бепул бериш.

* * *

Мустақил Ўзбекистонимиз ўзининг оёқка туриш даврида чукур иқтисодий билимлар билан қуролланган мутахассис ёшларга катта эҳтиёж сезмоқда. Ишлаб чиқариш ва меҳнат жараённида сифат ўзгаришлари юз берадётганлиги муносабати билан корхона, ташкилот ва бирлашма каби жамоаларни малакали бошқаришни билиш муаммолари муҳим аҳамият кашф этмоқда.

Хозирги бозор муносабатларига ўтиш ва кўчмас мулкни хусусийлаштириш даврида корхоналарнинг иқтисодий-ижтимоий жараёнларни бошқаришда имкониятлари ўсиб бормоқда. Бу имкониятларнинг тўла амалга оширилиши учун раҳбар ходимлар бу жараёнларнинг қонуниятини билиш билан чекланмай, балки уларни бошқаришни ўрганишлари, бундай бошқарувнинг натижаларидан манфаатдор бўлишлари зарур.

Қўлингиздаги китоб бошқарув технологияси муаммоларини ечишда қилинган илк ҳаракатлардан биридир.

Мазкур китоб бошқарув муаммоларини ечишда дастлабки туртки бўлиб хизмат қилса ва у раҳбарлар учун оз бўлсада фойда келтирса муаллифлар ўз вазифаларини қисман бажарган деб ҳисоблайдилар.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I б о б. Бошқарув — бу илм ва санъатдир	6
1- §. Бошқарув фанининг мазмуни, тузилиши ва унинг бошқа маҳсус фанлар билан боғлиқлиги	6
2- §. Корхона ва бирлашмаларнинг бошқарувини ташкил килиш, уларнинг таркиби ҳамда максади	12
1. Бошқарув аппаратининг тузилиши	12
2. Бошқарув тузилиши турлари	13
3. Бошқариладиган ва бошқаруви тузумчалар	19
4. Корхона, бирлашмаларнинг ташкилий тузуми ва бошқариш аппаратининг вазифалари	20
5. Цех бошқарув аппаратининг ташкилий тузилиши ва вазифалари	27
6. Ишлаб чиқариш участкасини бошқариш	32
3- §. Бошқарувнинг асосий қондалари	34
4- §. Бошқарув усуллари	36
II б о б. Раҳбар — шахс руҳиятининг асосчиси.	41
1- §. Раҳбар меҳнат жамоаларининг ташкилотчиси ва тарбиячиси	41
1. Раҳбарликнинг турлари	46
2. Еш ишчиларни жамоага кўнигиришда раҳбарнинг мураббийлик вазифалари	47
2- §. Раҳбар меҳнатининг характеристери ва мазмуни	50
3- §. Маркетингнинг бошқаришдаги вазифалари	56
4- §. Менежер ва унинг бошқарувдаги ўрни.	59
5- §. Ишлаб чиқариши бошқаришдаги АҚШ давлатида ортирилган тажрибалар	61
6- §. Раҳбарнинг бошқарув услуги	66
1. Раҳбарнинг обрўси	69
7- §. Бошқарув меҳнати технологияси	70
1. Бошқарув карорлари	71
2. Карорларни қабул қилиш	72
3. Карорларнинг ижросига раҳбарлик қилиш	74
4. Карорларнинг бажарилишини назорат қилиш	76
8- §. Майда гурух ва шахс руҳиятининг асоси. Шахснинг фаолиятида ва муносабатларида шахсий хислатларнинг намоён бўлиши	77
1. Шахснинг психологияк таърифи	77
2. Жамоа ва уни шакллантириш	83
3. Жамоа ривожланишининг асосий босқичлари	84
4. Ишлаб чиқариш жамоасининг тузуми	88
III б о б. Раҳбарнинг шахсий ишини ташкил қилиш	88
1- §. Раҳбарнинг меҳнатини илмий ташкил қилиш ва унинг асосий йўналишлари	88
2- §. Раҳбарнинг шахсий ишини режалаштириш	91
3- §. Раҳбарнинг иш жойини ташкил қилиш	94
1. Хизмат хоналарининг максадга мувофиқ тузилиши ва жойлаштирилиши	94
2. Раҳбарнинг хизмат хонаси мебеллари ва уларга қўйиладиган талаблар	97

4- §. Бошқарув фаолигида ахборотлар билан ишлаш	97
1. Ахборотлар тизими турлари	99
2. Бирламчи ахборотлар ва уларни жамлаш усуллари	100
3. Ахборотларга ишлов бериш ва уларни бошқарув карорини кабул килиш учун тайёрлаш	101
5- §. Ишлаб чиқаришни автоматлашган тизимлар ёрдамида бошқариш	103
Автоматик бошқарниш тизимларининг асосий турлари. Ишлаб чиқаришни автоматик тизимлар ёрдамида бошқаришнинг тузилиши. Автоматик бошқариш тизимларининг тавсияномаси ва уларни синфларга бўлиши	103
1. АСУП ни ташкилий таъминлаш. Ташкиль минлашнинг асосий йўналишлари.	111
6- §. Раҳбарнинг ўз устидаги ишлари	111
7- §. Бошқарувнинг хизмат этикаси ва маданияти	113

IV б о б

1- §. Мехнат жамоаларини бошқариш	115
2- §. Янгича хўжалик юритиш жараёнида раҳбарнинг ташаббускорлиги	118
3- §. Раҳбарнинг ходимлар билан ишлаши	120
4- §. Ишлаб чиқаришнинг техник тараккётида раҳбар роли	124
5- §. Ишлаб чиқаришда меҳнат муҳофазасини таъминлашда раҳбар роли	126
6- §. Раҳбарнинг меҳнат конунлари тўғрисидаги билимлари. Ишчи хизматчиларнинг иш вакти	128
	133

*Тошииёзов Мамадрахим Ибрагимович,
Шарифбоев Иброҳим Мамадрахимович,
Абидов Одилжон Салахович*

ОСНОВЫ УПРАВЛЕНЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ

На узбекском языке

Издательство «Ўзбекистон» — 1995
700129 Ташкент, Навои — 30

Бадиий мухаррир *И. Кученкова*
Техник мухаррир *А. Горшкова*
Мусаххих *Ш. Орипова*

Теришга берилди 14.03.95. Босишига руҳсат этилди 8.07.95. Қоғоз формати 84×108¹/32. Литературная гарнитурада юқори босма усулида босилди. Шартли бос. л. 7,14. Нашр л. 7,41. Тиражи 6000. Буюртма № 631. Баҳоси шартнома асосида

«Ўзбекистон» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий, 30. Нашр № 149—94.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасининг ижарадаги Тошкент матбаа корхонасида босилди. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.